

~~ББ~~

8  
C-89

МЕХЛИС СУЛЕЙМЕНОВ

# АМЕРИКА КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ



Тошкент  
Абу Али ибн Сино номидаги  
тиббиёт нашриёти  
2000


# 65.6 Ривожланган мәмләт қатлар иқтисоди

Таниқли олим Мехлис Сулейменов йигирма йил давомида АҚШда ўн түрт маротаба бўлди: 1975 ва 1977 йилларда тупроқ емирилиши ҳимояси назарияси ва амалиётини ўрганди, 1986 йилда фалла етиштириш иқтисоди билан танишди. Бу уч сафар АҚШнинг қуруқ иқлимли минтақаларида кузги ва баҳорги буғдој етиштириладиган Буюк Текисликларида ўтди.

1992 ва 1993 йилларда муаллиф АҚШнинг Маккахӯори Минтақасига уч маротаба сафар қўлди. Бу ерларда у фермер хўжаликларининг ташкил қилиниши ва уларнинг иқтисодини мукаммал ўрганди. Ўсимлиқшунослик бўйича Халқаро Конгрессда қатнашди.

Китоб деҳқончилик, ўсимлиқшунослик, АҚШ қишлоқ хўжалиги иқтисоди муаммолари билан қизиқувчи кўплаб китобхонларга ва соҳа мутахассисларига фойдали бўлиши табиийдир.

1032214  
2



ISBN 5-638-01415-2

© Издательство "Кайнар", 1994 г.  
© Абу Али ибн Сино номидаги  
тиббиёт нашриёти, 2000.

## **СҮЗБОПИ ЎРНИДА**

Сулейменов Мехлис Қосимович — ўсимлиқшунослик ва деҳқончилик соҳасидаги етук олим, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги. У 1960 йилда Қозоғистон Давлат қишлоқ хўжалик институтини тугатди ва Қозоғистон фаллачилик хўжалиги илмий-тадқиқот институтида фаолият кўрсата бошлади. М.Қ. Сулейменов бу институтда 32 йил ишлаб аспирантидан директор ўринбосари, 1985 йилдан 1994 йилгача институт директори лавозимларида ишлади. 1990 йилда академик М.Қ. Сулейменов МДҲ олимлари ичida биринчи бўлиб тупроқни қайта ишлаш Шарқ-Фарб Халқаро ташкилоти кўмиласи аъзолигига сайданди. 1992 йили уни Халқаро ўсимлиқшунослик Конгресси доимий қўмитасига аъзоликка сайлашди.

1996 йили эса Халқаро Буёдой ташкилоти раҳбарлик кенгашига аъзо бўлди. Шунинг билан бирга, 1994 йилдан Халқаро иқтисодий ривожланиш ташкилоти аъзоси ва бу ташкилот билан М.Қ. Сулейменов ҳозиргacha ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Академик М.Қ. Сулейменов Қозоғистон Республикасининг таниқли жамоат арбоби. У икки марта Қозоғистон Республикаси Олий Кенгаши депутати, кўплаб нишон ва медаллар соҳиби.

У машҳур олим сифатида АҚШ да (14 маротаба), Канада (6), Францияда (8), Германияда (13), Ҳиндистонда (3), Туркияда (3), Суриядда (3) ва Дания, Голландия, Польша, Венгрия, Австралия, Янги Зелландия, Жанубий Корея ҳамда Мўгулистанда бўлди. Академик М.Қ. Сулейменов тупроқни ҳимоя қилиш ва ишлаш тизими ҳамда деҳқончилик, фалла етиширишда тезкор технология, алмашлаб экиш фани ва амалиётида салоҳиятли олим. Бу

соҳада у 120 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи, 12 фан номзодининг раҳбари.

Олимнинг оламшумул шуҳратида оила аъзолари: рафиқаси Раиса Петровна, ўғиллари Радий ва Максим, келинлари Елена ва Наталия, неваралари Илёс ва Темурланнинг ёрдами ҳам бор.

Хозирда академик Мехлис Сулейменов Курғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалик тадқиқотлари Ҳалқаро маркази (ИКАРДА) Марказий Осиё ва Кавказ орти давлатлари бош алоқачиси (Тошкент, 1997) вазифасида ишлапти ва республикамизда қишлоқ хўжалик фани ривожи, унинг ҳорижий давлатлар тажрибаси билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда самарали меҳнат қилмоқда.

Мазкур китоб республикамизда ғалла етиштириш муаммоларида кўплаб ечимларни ҳал қилишда ёрдам беради, деган умиддамиз.

## ЗАРУР ҚҰЛЛАНМА

Ўзбекистон жадал ривожланаётган мамлакат бўлиб, унинг иқтисодида қишлоқ хўжалиги муҳим ўринни эгалайди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши, бозор иқтисодига ўтиш ислоҳотлари, меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларининг ҳосил қилиниши, хусусий мулкка асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари тармоқларининг кенгайиши ривожланган давлатларнинг илфор тажрибалари билан танишиш ва жорий қилишни талаб қиласди.

Бу соҳада ўзимизнинг ва Фарбнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини яхши билган иқтидорли мутахассиснинг фикрлари, таҳлили ва хulosалари билан танишиш жуда фойдалидир. Фикримизча Қозоғистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор М.К. Сулейменовнинг “Америка қишлоқ хўжалиги” китоби ана шундай фойдали манбаалардан биридир.

Катта илмий тадқиқот институтининг раҳбари сифатида у жуда кўплаб ҳориж давлатларида бўлди. ИКАРДА тизимидағи ишлаётган дунёning таниқли олимлари билан ҳамкорлик қилиб, ғарб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги муаммолар, яхши ва нуқсонли томонларини, илфор тажрибаларини, иқтисодини мукаммал таҳлил қилишда илмий ва амалий билимларни тўплади, тажриба орттиргди.

Профессор М.К. Сулейменов АҚШда 14 маротаба бўлиб, бу мамлакатнинг деҳқончилик ва чорвачилиги билан танишди. Бу АҚШда ғалла ишлаб чиқаришда фермерлар фаолияти, тажрибаси, фан ютуқларининг жорий қилиниши, маҳаллий ва марказий илмий тадқиқот ташкилотларининг фаолияти, айниқса деҳқончилиқда тупроқни қайта ишлаш ва эрозиядан муҳофаза қилиш тизимларини мукаммал ўрганиш натижаларини жамлаб,

жуда енгил ўқиладиган, кўплаб фойдали илмий амалий манбааларни ўзида жамлаган “Америка қишлоқ хўжалиги” деб номланган китобни тайёрлади.

Унинг Америка қишлоқ хўжалиги ҳақидаги хуносалири теранлиги, аниқлиги билан ажralиб туради. Ўйлай-мизки, Ўзбекистонлик ўқувчилар ҳам бу китобдан ўзлари учун кўплаб фойдали маслаҳатларни оладилар.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигини юритишида собиқ Иттифоқ ва Америка тизими тақдоси: ишни ташкилластириш, иқтисод, ишлаб чиқариш, сотиш, ҳукумат дастурларининг ишлаши каби маълумотлар ўқувчилар учун жуда қизиқарли.

Шу билан бирга, бу китоб фақат деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳақидагина эмас, балки унда фермерлар, бизнесменлар, ҳукумат вакиллари, ўқитувчилар, профессорлар ҳаёти, оиласи, озиқ-овқат етиширишдек муқаддас ишдаги ташвиш ва режалари ҳақида ҳам қизиқарли чизгилар бор.

Ишончимиз комилки, мазкур китоб кенг ишлаб чиқаришдаги тажрибалар таҳлили, қишлоқ хўжалигидаги илғор ютуқларни умумластириш, меҳнат ва унинг натижасини жорий қилиш каби асосий омилларни қамраб олганлиги учун ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фанга ҳам, амалиётга ҳам хизмат қиласди.

қишлоқ хўжалик фанлари  
доктори, профессор  
*С.Ю. Юсупов,*

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди  
*Н.А. Бобоқулов*

## **МУАЛЛИФДАН**

Мен йигирма йил мобайнида АҚШда етти маротаба бўлдим. Кейинги уч тўрт йил ичидаги яна етти маротаба АҚШда бўлишимга тўғри келди. 1975 ва 1977 йилларда тупроқ емирилиши ҳимояси назарияси ва амалиётини ўргандим. 1986 йил фалла ишлаб чиқариш иқтисоди билан танишдим. Бу уч сафарни АҚШнинг қуруқ иқлимли минтақаларида кузги ва баҳорги буғдой етиштириладиган Буюк Текисликларида ўтказдим. Техас, Канзас, Небраска, Монтана, Шимолий Дакота, Жанубий Дакота ва Колорадо штатларидан ўтдим.

1992 ва 1993 йилларда мен уч маротаба АҚШнинг Маккажӯхори минтақасида — Айова, Иллинойс, Миссури ва Висконсин штатларидан бўлдим. Бу ерларда фермерлар хўжалигини ташкил қилиш ва унинг иқтисодини ўргандим. Ўсимлиқшунослик Халқаро Конгрессида қатнашдим. Бундан ташқари Қозогистон президенти Н.А. Назарбоев делегацияси билан 1989 йилда қисқа муддатда АҚШда бўлдим. Менинг илмий сафар хабарларим “Простор” журналида, “Целиноградская правда”, “Акмолинская правда” газеталарида чоп қилинди. Бу мақолаларни алоҳида қилиб, тўплам сифатида ўқувчилар диққатига ҳавола қилинаётган ушбу китобни ёздим. Уйлайманки, китоб дехқончилик муаммолари, ўсимлиқшунослик, АҚШ қишлоқ хўжалиги иқтисодига қизиқувчилар, ўрганувчилар учун фойдали бўлади. Бундан ташқари унда Америка қишлоғи вакиллари ва фермерлари фаолияти ҳам батафсил ёзилган.

Менингча, бу китоб бозор иқтисоди шароитида фермернинг ҳаёти ва меҳнати ҳақида ўқувчига маълум тасаввур беради.

## АМЕРИКА БҮЙЛАБ ИККИ САФАР

Қишлоқ хўжалиги соҳасида сабиқ СССР ва АҚШ ўртасида ўзаро ҳамкорлик хўжжатларида тупроқнинг шамол эрозиясига қарши кураш дастури қабул қилинган эди. 1974 йили 6 кишидан иборат америкаликлар делегацияси сабиқ Иттифоқнинг турли туманларида бўлиб, бу ерда тупроқ эрозиясига қарши кураш соҳасида бажарилётган ишлар ва бу соҳадаги илмий тадқиқотлар кўлами билан танишишди. Мана энди биз жавоб ташрифи билан Америкага учаётимиз.

Делегацияни сабиқ Қозогистон ССР қишлоқ хўжалик министри М.Г. Моторико бошқарди. Гурухнинг уч аъзоси — тупроқнинг шамол эрозияси бўйича таниқли мутахассислар: Госсен Э.Ф. — Бутуниттифоқ ғаллачиллик хўжалиги илмий тадқиқот институти директори муовини, Шиятий Е.И. — шу институтнинг эрозия жараёнлари физикаси лабораторияси мудири, Рябов Е.И. — Ставропол қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш бўлими мудири. Мени делегация таркибига мутахассис-таржимон сифатида қўшишди.

Вашингтон аэропортида бизни мистер Шлюзнер кутиб олди. У АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти илмий-тадқиқотлар хизмати бўлими мудирининг муовини экан. Э.Ф. Госсен уни таниб қолиб хурсанд бўлиб саломлашиб, у томонга юрди. У ҳам бунга жавобан юзига табассум югуртириб, бироқ ўнг қўлини ёнига маҳкамроқ қисиб америкаласига саломлашди. Саломлашди-ю, ортидан душанба кунига учрашишга ваъдалашшиб биз билан хайрлашди. Бизни шаҳарга элчинномамиз ходими олиб борди. У меҳмонхона раҳбарияти билан келишиб бизни меҳмонхонага жойлаштирирди. Биз 20 долларли хоналарга жойлаштиришни сўрадик. Улар кўнди, лекин 40 сент қўшди. Ҳар қайсимизга икки ўринлидан алоҳида-алоҳида хона

ажратишибди. Кейинчалик биз икки ўринли хоналарга икки кишидан жойлаштиришини илтимос қилдик. Шу билан харажатларимизни бир оз қисқартырдик, мәхмон-хонада яшаш жуда қиммат бўлиб ҳар кунига 12 дан 15 долларгача экан.

Мамлакатнинг фалла миңтақаси бўлган Небраска, Канзас ва Монтана штатларига уюштирилган саёҳатда, бизга АҚШ тупроқни ҳимоя қилиш Хизмати илмий-техник марказининг агрономия бўлими мудири Уилям Хейес бошчилик қилди. У яқинда эллик ёшга тўлган, олти фарзанднинг отаси. Аксарият америкаликлар сингари ҳамиша бардам одам. Суҳбатдошлари билан тез тил топишиб кетадиган билимдон мутахассис.

Вашингтондан Небраска штати пойтахти Линcolnга учатаётганимиздаёқ тупроқ ҳимояси хизмати ишлари билан таниша бошладик. “Мазури” — хитоб қилди Хейес, мени самолёт иллюминаторига тортиб. Самолёт қанотлари тагида улкан дарё кўринди. “Миссури” — қайта сўрадим мен. “Ҳа, ҳа Мазури!” — дея завқ-шавқ билан жавоб берди Билл.

Биринчи кунларда менинг американча талаффузга ўрганишим анча қийин бўлди, лекин ишчилар ва фермерлар нутқида алоҳида американча талаффузни бошқа эшитмадим. Русча илмий атамаларда култиватор, трактор, ротация ва бошқа катор чет эл сўзлари кўп. Шу билан дунёнинг барча тупроқшунослари бир оз истеҳзо билан қоратупроқ, бўзтупроқ, қўнғиртупроқ каби сўзларни кўплаб ишлатишади.

Миссури дарёсининг ёйилиб оқаётган ҳавзаси устидан учәтибмиз. Террассалар чегаралари аниқ кўриниб турибди. Бошқа кўплаб штатлардагидек бу ерда ҳам тупроқ эрозиясига қарши курашиш ишлари қониқарли дарражада ташкил этилган. Шунинг билан бирга нафақат юзалаб ишлов ва полосали дәхқончилик кенг қўлланилади, балки полосали, ҳар хил тиғдаги террассалар ва ўтлоқлар сувини чиқариш усувлари ҳам яхши ташкил қилинган.

Шунга қарамасдан, тупроқ эрозияси АҚШ учун ҳам долзарб муаммолигича қолмоқда. Самолётда биз Бойзман (Монтана штати) шаҳри яқинида ва Небраска штатининг шимолий ва марказий туманларида эрозияга учраган ҳудудларни кўрдик. Баъзи бир ерларда тупроқ кўчиши ўн олти метр кенгликкача етган.

Бизда ҳам, Америкада ҳам тупроқ эрозияси муаммосига аллақачон барҳам берилган, — деган гапларни эшигтганмиз. Бу албатта, нотүғри. 1934 йил 11 майдаги машхур түзон худди шу куннинг ўзида ҳавога 300 миллион тонна тупроқни учирив кетганди. Ҳайрият бу ҳол бошқа қайтарилилмади. Аммо тупроқ ҳимояси хизматининг ҳисоблари бўйича, АҚШда ҳар йили фақатгина Буюк Текисликлар худудидан эрозияга учраётган майдонларнинг ўзи 1 миллиондан 6 миллион гектаргача этади. Эллигинчи йилларда шамол эрозияси қамраб олган майдонлар ҳажми “тўзонли ўттизинчи” йиллардагидан ҳам кўпроқ бўлди.

Линколнда таникли профессор Томас Маккала ва дорилфунуннинг бир гуруҳ олимлари билан сұхбатлашдик. Маъруза вақтида у доимо америкаликлар учун хос бўлган одат бўйича бир ҳовуч тангани чўнтагидан олар ва қайтадан чўнтагига жойлар ва бу ишни узликсиз давом эттиради.

Томас Маккала таникли микробиолог, тупроқни анғизли (ўсимликлар қолдиги билан ёпиб) ишлов бериш назарияси билан боғлик тадқиқотлар олиб боради. У ўз маъруzasida ўсимлик қолдиқлари дала юзасида қолганда тупроқда кечадиган микробиологик жараёнлар хусусида олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижалари ҳақида батафсил тўхтади. Масала шундаки, 1 йилда 720 мм ёғин тушадиган Линколн штати шароитида ерни ағдармасдан ҳайдаш буғдой ва маккажӯхори ҳосилини баъзида камайтириб юборади. Профессор эса анғиз қолдиқлари заҳарли чиқиндилар ажратиши мумкин, бу чиқиндилар фалла ўсимликлари ривожига салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблади.

Маккала бизда мустаҳкам иродали, лекин амалиётдан ажратиб қолган олим сифатида таассурот қолдирди.

Унинг маърузаси мазмунидаги асосий фикрлар, олим номидан матбуотда бир неча йил муқаддам чоп қилинган эди. Янгилари эса нозик тадқиқотлар натижаси эди.

Иккинчи бўлиб профессор Витман маърузага чиқди. Унинг тадқиқотлари маккажӯхори етиширишда ерни иложи борича кам ишлаш билан боғлиқ эди. Роппа-роса бир соатдан кейин у бизга анғизли ерда аўло даражада маккажӯхори экаётган “буффало” сеялкасини намойиш қилди. Кўшни даладаги тракторчи эса бегона ўтлар қоплаган шудгор ерни ағдармасдан ҳайдарди.

Чимқирқар игнасимон тағжойга эга бўлиб, бу қисм тупроқни майдалаб ва қирқилган бегона ўтларни силкишиб, тупроқдан тозалар эди. Бу қўшимча жараён нам тупроқни ишлашда, албатта, ортиқчалик қилмасди. Фиддиракли трактор тўхтади ва кенг елкали, ковбойларнинг мойга ботган коржомасини кийиб олган йигит ерга сакраб тушли. Лаборант-механизатор, Канзас штатидан бўлиб, ўзи асли чех миллатига мансуб экан. Э.Ф. Госсен чимқирқар плугнинг панжалари орасида суюқ гербицид ёки ўғитлар, дорилар тўкувчи найчалари борми ёки йўқлиги билан қизиқди. Тракторчи йигит йўқ дегандай бош чайқади ва плут пичоқларини тозалаш мобайнида найчаларга кўзи тушиб, ҳаяжонини яшира олмади. Маълум бўлдики, лаборантлик тажрибаси унда ҳали анча кам экан.

Дорилфунундан кейин бизни Линколннинг Биринчи миллий банкига таклиф этилди. Банк ходимаси қисқагина салом-алиқдан кейин, техника янгиликларини нафойиш қила бошлади. У бир лаҳзада ўз ҳисоб рақамидан 10 доллар олди. Бу ишни автомат машина бажарди. Нима ҳам дердик, гап пулга келиб тақаладиган ҳар қандай ишга америкаликлар алоҳида эътибор беришади. Зангори экран кўрсатувларини томоша қиласиз эканмиз бунга янада ишонч ҳосил қилдик.

Ойнаи жаҳондаги бир кўрсатувда, уч нафар эр-хотинлар саҳнага чиқишиди. Кўрсатув бошловчиси, қисқа савол-жавоблардан кейин учала аёлга ҳам бир ликопчадан торт улашди ва биринчи бўлиб йўлдошининг юзига қойилмақом қилиб торт чаплаган хонимга 20 доллар берилишини эълон қилди. Аёллар эса пинагини ҳам бузишмади. Мукофот пули миқдори ортиб борди ва у 100 долларга еттанида учала аёл ҳам ким ўзарга ўз умр йўлдошлари юзига торт йўллашди. Мукофот ўз умр йўлдошининг юзини қолган иккаласидан ҳам кўра боплаб расво қилган хонимга тегди. Эртаси куни бу “ҳазил” саҳна кўринишини америкаликларга сўзлаб бердим. Ҳамсұхбатларимдан бири бу таҳлитдаги кўрсатувларни томоша қилмаслигини, лекин 100 доллар учун бундай саҳналарда жону дили билан қатнашиши мумкинлигини айтди.

Яна банкка қайтсан. Мана, ўнинчи қаватдамиз. Бу ердаги кичикроқ залда банк раҳбарияти ташкил қилган йиғилиш ўтказиласяпти. Банк президенти фермерларга ёрдам бериш ҳақида гапирмоқда, аниқроғи, фермерлар

кредит ҳисобидан янги техника, ўғит, уруғлик ва бошқа кам-күстлар олиши мумкин. Куз ва қишда қарзни узишади.

Лекин қарздан қутилиш ҳамма вақт ҳам насиб қила-вермайди. Бу түгрида расмий ҳисоб-китоб ахборотномаси мавжуд. 1975 йили америкалик фермерларнинг умумий даромади 26,5 миллиард доллар бўлиб, қарзлари 30 миллиард долларни ташкил қилди, яъни фойдадан кўра қарздорлик ошиб кетди. Агар мамлакатнинг жануби ва шарқида йирик фермерлар миллионлаб даромад олишини ҳисобга олсак, Американинг ғалла минтақасидаги кўплаб фермерларнинг молиявий аҳволи бизга аён бўлади.

Небраска, Канзас ва Монтаналик фермерлардан йиллик даромад ҳақида сўраганимизда бош қашиб ва жавобдан салгина чўчибироқ: — ҳамма нарса бўлиши мумкин. Йил-йилга ўхшамайди. Ҳаммаси нарх-навога боғлиқ, у эса ҳар куни ўзгариб туради, — дейишиди.

Канзасда Манхэттен ва Люблин оралиғидаги йўлда бизни фермер Мьюли хўжалиги билан таништиришиди. Хўжалик штат марказида жойлашган. Йиллик ёғин миқдори 600 мм. Ферма анча йирик — қарийиб 200 гектар ер майдонига эга. Маккажўхори ҳамда жўхорини ғалла ва силосга, яна шунингдек кузги буғдой ҳам экади. Қишига мол сотиб олиб семиртиришиди, баҳорда гўштта топширишиди. Фермернинг ўзи 45 ёшларни қоралаган савлатли киши. Ўн беш ва ўн тўрт ёшли икки нафар ўғли бўлиб, улар мактабда ўқишиди. Ўрим пайтида комбайн ҳайдовчинини ёллайди.

**Даромад ҳақидаги саволимга Мьюли шундай жавоб қайтарди:**

— Фалланинг бир қисмини силос учун қолдирдим. Нарх-навонинг кўтарилишини кутаётибман. Ҳозирча мўлжаллаганимдек бўлмаяпти — ўтган йилдаги ғалла баҳоси кўтарилишидан кейин диклайн (пасайиш — М.С.) бошланди. Устига-устак техника нархи ўсади. Ўғитларнинг нархи 30% га ошганлигидан, ушбу баҳорда далага энг кам миқдорда ўғит бердим.

Бу ўзига анча тўқ фермернинг гапи. Фермер қўшинишининг қарийиб битказиб кўйилган ҳовлисига қараб ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Ҳаётнинг қийинчиликлари ҳақида бамайлихотир гапиришидан унинг асаблари

мустаҳкамлигини сезасан киши. Рости ҳам шу, аёвсиз рақобатда фақат кучлиларгина яшаб қолади.

Кутылаётган ҳосил қандай бўлади — деган саволимизга ўйлаброқ жавоб қайтарди: “Ҳар бир акрдан қирқ бушел (ҳар гектардан 26,6 центнер), агар об-ҳаво меъёрда бўлса”.

— Брейкивен (йилни чиқимсиз якунлаш) учун қанча ҳосил етарли бўлади?

— Ўримдан кейин буғдой нархи қанча бўлишига ким кафолат беради? — саволимизга савол билан жавоб қайтарди у.

— Чорванинг фойдаси қандай?

— Аҳвол мураккаб. Канзассити қушхонасида қорамол гўштини сотиб олиш нархи ҳар 100 фунтга 50 доллардан январда 28 долларгача пасайди. Озуқа қимматлашиб бормоқда, натижада фермерлар зарар кўрмоқда. Албатта, ҳозир нарх-наво кўтарилиб бораётти, лекин бу ўтган йиллардагидан анча паст.

— Вазиятдан чиқиш йўли қандай?

— Ваҳимага тушиш шарт эмас. Бизнинг энг катта нуқсонимиз нарх кўтарилиганда, унинг пасайишини эсдан чиқариб қўямиз. Нарх пасайиб кетганда эса хаёлимизда энди нарх ҳеч қаҷон кўтарилмайдигандек туюлади. Ҳар хил шарҳловчиларнинг нарх пасайиши, таназзул ҳақида узлуксиз шовқин-сурон кўтаришлари ҳам одамни чалғитади.

Ҳукуматнинг олдинги дастурлари ва озиқ-овқатларнинг нархини пасайтириш сиёсати натижасида, жуда кўплаб муаммолар келиб чиқади. Ёрдамга берилган пул фақат талваса муддатини чўзади, холос. У сўзларини якунлар экан, фермер қўшнисининг янги ҳовлисига қараб хўрсинди ва қатъий оҳангда деди: “Маҳкам туриш ёки ўйиндан чиқиш керак!”.

Небраска ва Канзас штатларидағи ғаллачилик фермерлари 200—240 гектар, деҳқончилик учун табиий иқлим шароити анча ноқулай ва ҳайдалмаган ерлар майдони кўп бўлган Монтана штатида фермерларнинг ер майдони 500—600 гектаргача. Фермерлар сони муттасил камайиб, ҳозирда улар сони 3 миллионни ташкил қиласди. Яъни, 1940 йилдан ҳозирга қадар, икки баробар камайган.

Ўрта Farb фермерлари — асосан Европанинг шимол қисмидан келганлар. Ўнлаб йиллар давом этган кучли танланиш натижасида Таф гайз (маҳкам йигитлар), деб ном-

ланувчи одамлар гурухи таркиб топган. Бу одамлар характеридаги бош хусусиятлардан бири — улар ҳаётнинг ҳар қандай ўйинларига: ҳосилсизлик, нарх-наво пасайиши, яккалик, машина, трактор, ўғитларни сотувчи ва маҳсулотларни олувчи монополияларнинг турли ғаламисликларига чидам билан тик туришади. Ўрта ҳол фермер-ғаллакор, ёши элликларда бўлишига қарамасдан соғлом, бақувват, сочини доим қиртишлаб юради, соқол ҳам, мўйлов ҳам қўймайди ва шунингдек, у қўриқда голф ўйнайди. Унинг ўйинлари мураккаброқ. Масалан, кўп қиррали, жонга тегар тижорат эълонлари шулар жумласидан. Ойнаи жаҳонни қўйсанг бир фирма тракторини сотиб олишга аврай бошлайди, ойномада эса бошқа бир фирма култиватор сотиб олиш ҳақида тавсия беради, рўзномани ўқий бошласанг — энг кўринарли жойида учинчи бир фирманинг сеялкаси.

Фақатгина тажрибали, эҳтиёткор, муғомбир фермергина рекламанинг ранг-баранглиги, жилолари олдида ўзини йўқотмайди ва фол очиб ўтиrmайди. Қишлоқ хўжалик машиналари чиқарадиган “Жон Дир”, “Интернейшнл харвестер”, “Уайм” каби кучли фирмалар фермерларни энг замонавий техника билан қуроллантирадилар. Шунинг билан улар фермерларни доимий қарздор қилиб қўйишади.

Солиқ муаммоси ҳам бор. Бирор қимматга эга нарса борки, ҳаммаси солиққа тортилади. Қизиги шундаки, солиққа тортиш ишида ҳам жуда кўп нозик жиҳатлар мавжуд. Бир нарсанинг ўзига турли хил фоизларда солиқ тўлаш имконияти мавжуд экан. Айтайлик, маълум бир мулкка эга фермер ана шу мулки учун давлатга анчагина солиқ тўлайди. Агар, у ҳаёт вақтида шу мулкини қимматбаҳо қофозларга айлантириб ўз оиласи аъзоларига бўлиб берса, унда солиқнинг умумий ҳажми камаяди. Шу боисдан ҳам фермер солиқ соҳасидаги нозик жиҳатларга доимо сезгир бўлиши, уни ўзининг фойдасига ҳал қила билиши керак.

Шунинг учун ҳам капиталистик давлатларда ҳар хил адвокатлар, маслаҳатчилар ва шу кабилар беҳад кўп-ки, фермерга мўмай пул эвазига маслаҳат бериб, у ёки бу вазиятдан энг кам йўқотиш билан чиқиш йўл-йўриқларини кўрсатади.

Канзасга қылған сафаримизда бизга Канзас дорилғу-нунининг профессори, эрозияли жараёнлар назарияси соңасидаги таниқли олим Нил Вудраф ҳамкорлик қилди. Бизнинг олимларимиз фундаментал ишлар билан таниш, ҳозир эса бу ишларни лабораторияда күриш имкони туғилди. Бизга “шамол туннели” деб номланган қурилма жуда ёқди. Бу қурилма топшириқ бүйича шамол эрозиясини худди тақлид қылғандек намойиш қилди. Лабораторияда ишлаб чиқылған математик қоидалар тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлашнинг энг қулай агротехника усулларини ишлаб чиқышда жуда қўл келади.

Канзас штатининг қоқ марказида Абилин шаҳри қад кўтарган. Бу шаҳарда Кўшма штатларнинг 34-чи президенти Дуайт Эйзенхауэр туғилган. Лекин, сайёҳлар бу ерга нафақат президент мемиоралини, балки кўп ҳолларда ўтган аср охирида қурилган ва қайта таъмирланган эски шаҳар обидаларини томоша қилиш учун ҳам келишади. Абилин Ёввойи Гарбнинг чегарасида жойлашган. Шу ерда Техасдан чиқған ва шарққа йўл олган машхур пода ҳайдаш йўли тугаган. Шу ерда маст-аласт ковбойлар (пода ҳайдовчилар) ўзаро ҳисоб-китобларни колтлар (тўппоғча) ёрдамида ечишган. Шаҳарнинг энг машхур жойларидан бири, Техас кўчаси ва Аламо салуни бўлган. Шаҳарнинг энг обрўли кишилари (ҳозир ҳам) биринчи шерифлар (полислар) — Том Смит ва Ёввойи Билл Хиккок эди. Биринчиси хуқуқ асосларини мушт ёрдамида, иккинчиси тўппонча ёрдамида тушинтирас эди. Биринчисини болта билан чопиб, иккинчисини пешонасидан отиб ўлдиришган.

Абилин шаҳри нон давридаги Канзаснинг биринчи фалла жўнатиши пунктидир. 1871—1872 йилларгача бу ерлар деҳқончилик учун яроқсиз, деб ҳисобланар эди. Лекин шаҳарнинг ёш мери Т.С. Генри кузги буғдой экишини беш акрда бошлаб, тезда фалла майдонларини ўн минг акрга етказди. Бугунги кунда штат 5 миллион гектарга буғдой экади ва ҳақли равища американинг “нон савати” деб номланади.

Канзас штатининг тамғаси марказида буғдой бошоғи тасвирланган. Канзасликлар фикри бўйича кузги буғдой бошоғи — “турки ред” — турк қизил бошоғи бўлиб, Россиядан келтирилган. Америка буғдой минақасидаги барча навларда “қизил турк”дан чиққан “қрим” ва “шаркоғ” (харков) каби номлар бор.

Йилига 450—600 мм ёғин тушадиган Канзас ва Небрасканинг Марказий қисмларида уч пайкалли “шудгор—буғдой—жүхори” ва икки пайкалли “шудгор—буғдой” алмашлаб экиш устуворлик қиласы. Уч пайкалли алмашлаб экиштә тупроқни механик ишлов беришдан кимёвий ишлов беришга алмаштирилади. Жүхори дон, силос учун экилади ва бу минтақада асосий ем-хашак экини ҳисобланади.

Нима учун фақат тоза шудгорга экин экиш амалиётда кенг тарқалган?

Маңаллий фермер деңқончилиқдаги юз йиллик тажрибаларидан шудгорда кафолатли ҳосил олинади деган холосага келди.

Шудгорсиз экин фермер ҳаётини қимор ўйинига ўхшатыб құяды: агар об-ҳаво яхши келса — ютасан, агар қурғоқчилик бўлса — ютқазасан. Мабода, қурғоқчилик йиллари кетма-кет такрорланса хонавайрон бўласан. Ворислар икки йилда бир ҳосил олишга рози бўлганликларича минглаб фермерлар хонавайрон бўлишди. Куруқ иқлимига эга бўлган бу ерлик фермерлар бугунги кунда деңқончилиknинг ҳозирги тизимини ўзgartиришга қайғурмайдилар ҳам.

АҚШнинг деңқончилиқ тизимини таҳлил қиласа, буғдой ғаллачиликда етакчи экин эмаслигини унитмаслик лозим. Биринчи ўринни маккажүхори эгаллаб, ўта қулай иқлимига эга бўлган (800 мм дан юқори) Маккажүхори минтақасида жуда юқори (40 центнер ва ундан юқори) ҳосил беради ва соя билан чорвачиликнинг омухта емга бўлган талабини қондиради. Соя уни ишлаб чиқариш 13 миллион тонна бўлиб, бу кўрсатгич мамлакатда дон оқсили ишлаб чиқаришдан ўн кара кўп.

Бу вазиятда мамлакатда буғдой донига бўлган талаб катта эмас. Ҳукумат ҳозирги вақтгача экинзорларни бузилишдан сақлаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар кўрди. Ана шу чора-тадбирлар дастури бўйича маълум бир экинзор майдони фойдаланишдан чиқарилади. Давлат шундай қарорга келган фермерларнинг ҳосилига қўшимча ҳақ ёки енгил имтиёз беради.

Америкаликлар ўз тизимининг ҳақчил эканлигини таъкидлашни яхши кўради. “Бизда эркинлик” — изоҳлашди ҳамсуҳбатларимиз.

— Фермер қанча шудгорга эга бўлишни хоҳласа, шунча ерни шудгор қиласди. Ҳоҳласа — эллик, хоҳласа — ўн фоиз.

— Юзинчи меридиандаги қанча фермерлар ҳукуматнинг бу дастурини қўллаб-қувватламади? Жавоб унча аниқ бўлмади.

— Бир — икки фоиз.


Ҳамма гап ана шунда. Ҳалқчиллик механикаси жуда аниқ: айтайлик дастурни қувватламаган фермер компанияга бир бушел (27 кг атрофида) ғаллани икки доллардан топширади, қувватлаган фермерга ҳукумат ҳар бир бушел ғалланинг сотув нархига бир доллардан устама тўлади. Ҳаммаси океи — гапиришади америкаликлар.

Ҳукумат дастурига (шудгор бўйича) қўшилмаган фермерлар сони жуда кам бўлган ҳолда, қўшилган фермерлар сони жуда катта рақамларни ташкил қиласди. Чаққон фермерлар шудгорнинг энг ёмон қисмини экиндан чиқариб, унинг учун ҳукуматдан тўлов олишга мослашишади. Айниқса кузги буғдой экувчи штат фермерлари айёрлик қилиб, баҳорда шудгорларни сет-эсайдга — экин экишдан чиқаришга топширади. Натижада бор майдон режаланган дастурдагига тўғри келмайди. Лекин қишлоқ хўжалик департаменти фермерларнинг тактикасини ўрганиди ва режани тузатиб боради. Масалан, 100 акр ғалла майдони қисқартирилишга режалаштирилган, демак амалда 30—35 акр кузги буғдой ва 70—80 акр баҳорги буғдой майдони экин экишдан чиқарилишини кутиш мумкин.

Кейинги йилларда аҳвол кескин ўзгарди. Буғдой доңига талаб ва экспорт ҳажмининг кўпайганлигидан ҳукуматнинг олдинги дастурлари бекор қилинди. Бу тадбирлар натижасида АҚШда ғалла майдони 1973 йилдан 1975 йилгача 8,4 миллион гектарга, жумладан буғдойзорлар майдони 6,1 миллион гектарга кенгайди.

Кўплаб американлик олимлар ҳайдаладиган ернинг ярмини тоза шудгорга ажратишнинг ҳеч зарурати йўқ деган саволни кўтармоқдалар. Уларнинг фикрича ердан икки пайкалли фойдаланишда об-ҳаво ёғинларидан самарали фойдаланиш даражаси унча юқори эмас. Бу ҳақда АҚШнинг тинч океани ғарби штатлари танқид қилинайпти.

Лекин АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти иқтисодчилари бу ҳақда ўз фикрини ўзgartирганича йўқ. Улар билан фермерлар ҳам бирдамликда. Аҳволни тўлиқ ту-



шунтириш учун ер эгаларининг тоза шудгорга муносабати ҳақида шимолда Канада билан чегарадош Монтана штатига саёҳатим таассуротларини ҳикоя қилмоқчиман. Фалла дони етиштириш табиий шароити кўп жиҳатлари билан Қозогистоннинг кўриқ ерлари шароитига ўхшайди. Бу ерда кузги буғдой майдонлари баҳорги буғдой майдонларини тобора қисиб бормоқда.

Мана, эътибор беринг. Монтанада профессор Хайден Фергюссон 30 минг гектарли майдондаги ноёб ҳодиса ҳақида гапириб берди. Гап, унча чуқур бўлмаган ерда сув ўтказмайдиган қатламнинг мавжудлигидан ернинг иккиламчи шўрланишга учраганлиги ҳақида боряпти. Об-ҳаво қулай келган йиллари намлик тупроқдаги тузларни эритиб сув ўтказмайдиган қатламга етиб боради ва тузлар грунт сувлари юқори жойлашган паст текисликларда тупроқ юзасига чиқади.

Энг ҳайрон қоларлиги шундан иборатки, тоза шудгор тупроқ намлигини оширади ва шу билан иккиламчи шўрланиш келтириб чиқариб, ернинг унумдорлигига салбий таъсир қиласи. Муаммо кучайиб бормоқда ва бунга қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши галаб қилмоқда.

Шунинг учун ҳам олимлар биринчи навбатда бу ерларда ерни тоза шудгор қилишни кескин камайтиришни тавсия қилмоқда. Лекин фермерларнинг бу тавсияларни бажаришга унчалик хоҳишлари йўқ.

Бу ҳақда биз, Боузман шаҳри университетидаги сұхбатдан билдик. Профессор Фергюссон биз томонларда бўлган, учрашувларимиз ташкилотчиси. Учрашувда у жуда ғалати қилиқ қилди. Жуда ҳаракатчан, сұхбатда кескин, оқ соchlари калта қилиб олинган бу олим кутимагандан сөқларини стол устига чалиштириб олди. Лекин, у пойабзалини намойиш қилиш фикридан тезда қайтди. Умуман американкларда бундай қилиқларни кўп учратиш мумкин. Лекин, менимча бизга жаноб Фергюссон ўз ҳаракати билан “Ўзингизни уйларингиздагидек ҳис қилинглар”, — демоқчи бўлди.

Қисқа муддатли сұхбатдан кейин Фергюссон далани айланиб келишни таклиф қилди.

Далага микроавтобусда чиқдик. Автобусни Фергюссоннинг ўзи ниҳоятда усталик билан бошқарди. Айтгандек, америка ташкилотларида машина ҳайдовчилар йўқ. Кат-

та юкларни махсус контейнер ташувчи юк машиналари ташийди. Енгил автомашиналар ва пикаплар рулига олим-ларнинг ўзи ўтиришади. Боузман шаҳридан унча узоқ бўлмаган, шамол эрозияси излари яққол кўриниб турган далада тўхтадик. Шудгор пайкаллари буғдойзор пайкаллари билан навбатма-навбат жойлашган, улар орасига шамол келтирган майда тупроқ уюмлари кўриниб турибди. “Бу ерда тупроқ эрозиясини қандай йўқотиш мумкин” — сўрадик биз америкаликлардан. Жавобни Молинарио фермасида олдик.

Молинарио — қора сочли йигит, рус аёлининг асраниди ўғли, Ветънам уруши қатнашчиси, фермер. Бу фермада фан доктори Поль Браун илмий тажрибалар ўтказади, фермерларни ташвишлантирадиган саволларга жавоб ахтаради. Беш йиллик тадқиқотлар натижага таяниб у енгил тупроқли майдонни шудгор қилишни қисқартириб, ўрнига баланд бўйли буғдойиқни кулислаб экиш йўли билан эрозия жараёнларини тўхтатиш мумкин, деб ҳисоблайди.

— Фермерлар бу маслаҳатларни қандай қабул қилишади?

— Ҳар хил, лекин асосий қисми барибир ерининг ярмини шудгорга ажратаяпти.

Эшиттанларимизни жамлаб, шудгорга боғланиб қолиш сабабларини куйидагича тушунтириш мумкин.

1. Ҳосилсизликдан қочиш ва ҳукумат имтиёзларидан фойдаланиш.

2. Тупроқни бегона ўтлардан тозалаш ва нитратлар тўпланишининг олдини олиш.

3. Ердан энг юқори ҳосил ва даромад олиш.

4. Ишчи кучини йил давомида тенг тақсимлаш ва имкони борича ишчи кучини тежаш.

5. Фермерларнинг бир неча авлодларининг ҳаётий тажрибаси натижасида асосан икки пайкалли экишнинг мустаҳкам ўрнашиб қолганлиги.

Суҳбатдан фермернинг иккиласмчи шўрланиш муаммосини кўра-била туриб шудгорни қисқартиришни истамаётганлигининг юқоридаги сабаблардан ташқари яна икки муҳим омили борлиги маълум бўлди. Биринчидан, шудгорнинг барча кўнгилсизликлар сабабчиси эканлигига ҳамма фермерлар ҳам қўшилавермайди. Иккинчидан, тепалик бир фермер майдонида бўлса, шўр — ери паст-

қамлика жойлашган иккинчи бир фермер шудгоридан чиқади. Шу сабли яхши ҳосил олаётган тепаликдаги фермер мавжуд муаммо хусусида бош қатиришга шошилмайди. Құшни фермернинг ерини шүр босиб, ҳосилдорлик камайиб кетаётгандығы билан унинг нима дарди бор.

Бұғдой етиштириш агротехникасида уруғ экиш меъерининг жуда камлиги бизни ҳайратда қолдирди. Монтана штатида бізга расмий мағлұмтотнома берілді: штат бүйіча ҳар бир гектарға ўртача 60 килограмм кузги бұғдой ва 67 килограмм бақорғи бұғдой экилар экан. Бақорғи бұғдойни сеялқа ёрдамида қатор ораларини 15—23 см қолдиріб әкишади. Америка фермери учун энг асосийси — қимматбақо уруғнинг бир килограммини ҳам беҳуда сарфламаслықдир. Кам экиш мүмкін, лекин күп экиш үнчаям мақсадға мувофиқ әмас — ҳаммасининг ҳисобкитоби бор. Кузги бұғдойни Канзас ва Небраскада ҳар гектарига — 40—50 килограмм әкишади.

Молинарио фермасида доктор Поль Браун қўринишдан оддий, шунинг билан бирга жуда ғалати буюмни кўрсатди. Бу унча катта бўлмаган, учлари айланғанда қилиб ўткирланған темир таёқча эди. Бу темир таёқча ерга қўйиб айлантирилғандан тупроқнинг нам қисмига худди мойга ботирилғандай ботади, намлик тугаб қуруқ қатлам бошлинишида тўхтайди.

Бу оддий темир таёқ ёрдамида тупроқнинг нам чукурлиги лаҳзада аниқланади.

Шўртангта қайттанимда мен профессор Догилевичнинг “Қишлоқ хўжалик фанлари ахборотномаси” (Москва) журналидаги мақоласини ўқиб қолдим. Муаллиф мақолада АҚШда шамол эрозиясига қарши ўрмон ҳалқалари әкиш кенг қўлланишини ёзган эди.

Канзасда пайтимизда Мюли фермасида биз майдон ўртасида қарийиб қуриб, сарғайиб қолған ўрмон ҳалқасига эътиборни қаратдик. Биздаги ҳайронлик аломатини сезган фермер бу ерларни экинзорга кўшганлигини, ўрмон ҳалқасини йўқотмоқчи эканлигини, лекин у қайтадан ўсиб чиқаётгандыгини айтди. Бу ҳодиса иқлим қулай, намгарчилик етарли шароитда юз бераяпти. Небрасканинг ғарбий қисмидаги қурғоқчил ҳудудларда фермер Бартел бизга ўн метр кенгликтеги ўрмон ҳалқасини кўрсатди. Бу ҳалқада ҳеч нарса ўсмаган эди. Дағдани ҳимоя қилувчи

ўрмон иҳотазорларига ҳатто самолётдан ҳам қараб кўзимиз тушмади.

Энди Монтана штатининг шимолий-шарқи ва Шимолий Дакотанинг шимолий-ғарбидаги қурғоқчил минтақани эгаллаб ётган Буюк Текисликларнинг Шимолий илмий-тадқиқотлар маркази директори доктор Френсис Сиддовейнинг бу борадаги сўзини эшитайлик.

— Ҳар ҳолда ўрмон ҳалқалари майдони миқдори анча катта рақамни ташкил қиласди. Бу ўрмон ҳалқалари майдонининг асосий улуши намгарчилик юқори бўлган туманларда жойлашган, бу ерда тупроқ шамол эрозиясига камроқ учраган, қурғоқчилик деярли бўлмайди.

Сўнгра у дала ҳимоя иҳота ўрмонлари ҳосил қилишдаги муваффақиятсизликлар сабабларини санай бошлидиди: иқлимга мос дараҳтлар нави кам, кўп йиллар мобайнида самарадорлик олиш қийин, кучли техника қўллаш мушкул, кўчатлар гербициздардан жароҳатланади, ўрмон ҳалқаси атрофидаги майдонларда ҳосил паст, ўрмон ҳалқаси атрофдаги экинзорлар ҳосилини ошириши ҳақида ишончли маълумотлар йўқ.

Профессор X. Фергюссон тақдим этган “кераксиз ҳолда ташлаб юборилсин” иловали маълумотлар билан танишар эканман, иқтисодчи Леро Д. Люфт тузган 1974 йил июндаги 1106 сонли маълумотномадан қизиқ хулоса чиқардим. Бу ҳужжатдаги рақамлар нарх-наво тизимини қўлда ушлаб турган монополиялар аслида бутун бир мамлакатни боқаётган фермерларни қай йўсинда тизгинлаб, эркин нафас олишларига имкон бермай келаётгандигини ёрқин кўрсатиб беради.

Мана, америкалик иқтисодчи ҳисоб-китобидан қисқа бир парча: бир гектар буғдойни экиш, етиштириш, шудгор ва ўрим-йигим харажатлари, ерга, уй-жойга солиқ ва бошқа харажатларнинг жами 250 долларни ташкил қиласди. Иқтисодчининг қабул қилган стандарти бўйича бир центнер ғалланинг баҳоси 11 доллар. Демак харажатларнинг тўлиқ қопланиши учун ҳар гектаридан 22,7 центнер ҳосил олиниши керак.

Энди Монтана штати бўйича 1972, 1973 ва 1974 йиллардаги ҳосилдорлик хусусидаги статистика маълумотларини келтирамиз: кузги буғдой — 18,2; 17,8; 19,8; қаттиқ буғдой — 21,2; 14,8; 12,8; юмшоқ буғдой — 17,5; 14,1; 12,8. Ҳаммаси тушунарли, фермер камбағал яшайди, бой

бўлиб ўлади, деган америкача мақолнинг маъносини ҳам энди англадик.

Фермерлар журналидаги бир ҳазил-ҳикояни эслаш жоиз. Унда АҚШ қишлоқ хўжалигидаги ҳодисалар йўналиши таҳлил қилинади. Гўё компьютер башорати бўйича 2053 йилда АҚШда бор-йўғи биргина фермер қолади. Мана, башорат қилинган вақт ҳам келди. Ниҳоят фермер бутун экин майдонларини эгаллаган, лекин у солиқлар туфайли ҳамон зўр-базур кунини кўради.

“Сиз янада самаралироқ ишлашингиз керак” — дейди йилига 285 минг доллар топадиган, қишини Ривъерада ялло қилиб ўтказдиган адвокат. Фермер бу ер ҳақида ўйинни бошлаганида орзу қилган эди. Шунда у қишлоқ хўжалик департаментига йўл олади ва унинг ҳайбатидан анграйиб қолади, унинг ҳамон 100 йил олдинги ишни қилиб ётганлигини кўриб эса ҳайратдан ёқа ушлайди. Штатлар икки фермер қолганда охирги марта кўпайтирилган экан. Мана энди бечора бой банкирга бориб қарз сўрамоқда, лекин унга банкдаги бор пулни унинг ўзи олиб бўлганлигини айтишиади.

Ишёнчим комилки, АҚШ Буғдой Минтақасидаги кўплаб фермерлар ачиқ ҳаёт ҳақиқати туфайли куладиган аҳволда эмас. Бундай ҳазиллар ҳам уларнинг кўнглини юмшата олмаса керак.

Мана, ниҳоят эрта тонгда Грейн Фолс (Катта шаршара) шаҳарчасининг деярли кимсасиз аэропортида профессор Фергюссон билан хайрлашмоқдамиз. Америкалик олимнинг чарçoқ юзларига энди бошқачароқ назар билан қарайман. У 44 ёшда эканлигини шу ерда билдик. Униг ҳаракатларидағи, қилиқларидағи жимжимадорлик, тумтароқлик сабларини энди тушунгандекмиз. Боузманлик профессорни камида 55 ёшларда деб ўйлагандик. Унинг анча тўзиб қолган жинсисига қараб, ўзимча ўйладим: “Ҳа, сен то тан олинмагунингча анча жинсиларни тўзитган бўлсанг керак, чек дафтарчасига эга бўлгунингча озмунча заҳмат чекмаган бўлсанг керак. Сен эрта қаридинг, кўринишинг ёшингга қараганда ўн ёш катта, энди ялтиллаган столга аёғингни туфлинг билан чалаштириб ўтиришингни кўрганлар сен ҳақингда нима деб ўйлашлари билан бир пуллик ишинг йўқ. Сен ўз нархингнинг доллардаги баҳосини биласан, бу дунёда эса бошқа ўлчовларни тан олишмайди”.

Анча ғамгинашган Фергюссонга яқынлашиб сүрадим: Айтингчи, доктор Хейден, Сизни бизнинг Шўртандга нима қизиқтиради? У кўпам ўйлаб ўтирасдан жавоб қайтарди: “Эспарцет. Аъло даражадаги дуккакли ўт, қурғочил, камбағал тупроқча мослашган, энг асосийси — чорва яхши ейди ва тимпанитдан озор чекмайди, беда билан озиқлантирилганда эса тимпанит чорва молларига кўп озор беради”.

Жавобдан ҳайрон бўлмадим. Америкаликлар бизнинг ўтларга қизиқиши бежиз эмас. Маълумки, Шимолий Америка қитъасида маданийлаштирилган эркак ўт ва волоснец наъмуналари биз томонлардан олиб борилган уруфлардан яратилган.

Канадада ва АҚШда волоснеңнинг икки турини “Рус ёввойи райграси” ва “Олтой райграси” деб аташади. Ҳақиқатга тўғри бўлиши учун тан олишимиз керакки, бизнинг боболаримиз америкаликларга ўзимизда тұяқорин деб аталувчи бегона ўтни ҳам “совға” қилишган. АҚШнинг шимолида бу ўтни “Рус осоти” деб номлашади.

Агар хайрлашаётган пайтда ҳам иш ҳақида гапирмаса Фергюсон Фергюсон эмасди. Эсладим, тўрт кун олдин Манхэттеннинг унча катта бўлмаган, ойнаванд аэропортида биз бошқа бир профессор — Нил Вудраф билан хайрлашар эдик. Камгап Вудраф деди: “Менинг фикримча биз бу кунлари ҳақиқий дўстлардек бўлиб қолдик. Афсус хайрлашамиз. Бундай лаҳзаларни ёмон кўраман”. Фергюсон ҳам шундай деди: — “Майк, уларга таржима қил. Ажралиш лаҳзаларини ёмон кўраман” — ва қадоқ босганд, бақувват дехқонча қўлларини чўзди.

Ташрифимизнинг охирги нуқтаси — Буюк Текисликларнинг Сиднейдаги (Монтана штати) Шимолий илмий-тақиқот маркази. Унинг раҳбари Ф. Сиддова ҳақида юқорида эслатган эдик. Бизнинг Сиднейдаги уч кунлик бошлиғимиз, биз томонларда ҳам бўлган Аллан Блек экан.

Блек қорасоч, қирқ ёшлардаги басавлат киши, менга у беозор феъли, оқ кўнгил инсондай туюлди. Шимининг қайиши агат тизими билан безалган. Дарвоқе, тошларни қайта ишлаш — кўплаб америкаликларнинг оммавий уй машғулотидир.

Кечкурун, ресторандаги кечки овқат вақтида Ал огохлантирмасдан, тўсатдан фойиб бўлиб қолди. Билсак у ўт ўчириш бўйича кўнгиллилар клуби аъзоси экан, ёнгин

бўлганлиги ҳақида ташвишли хабар билан чақириб олишибди. Бундан ташқари у “От тақаси” клубининг ҳам аъзоси экан. Сидней шаҳри ва унинг атрофидан клубнинг 100 аъзоси бор. Вақти-вақти билан улар оила аъзолари билан дўстлар даврасида тўпланишади, барбикью (америка шашлиги) ташкил қилишади, ходага тақа отиш бўйича мусобақалар уюштиришади. Меҳнат байрами кунида (4 сентябр) тақа отувчиларнинг расмий мусобақаси ўтказилади. Блек Монтана штатидаги бу мусобақаларда бир неча маротаба совринли иккинчи ўринни згаллаган.

Эрталаб “Холидей инн” меҳмонхонасида телевизорни қўйдим. Телевизорнинг бир каналида хоҳлаган вақтда об-ҳаво маълумотлари билан танишиш мумкин. Экранда сўнгти воқеалар пастдан юқорига қараб чиқади, об-ҳаво маълумотлари, ҳарорат, ҳаво намлиги аниқ вақт билан пастда — ўнгдан чапга ўтиш билан кўрсатилади. Манхеттен димлигидан ва Баузман намлигидан кейин, мўътадил ҳарорат ва меъёрдаги ҳаво намлиги бизни хурсанд қилди.

Эрталабки нонуштадан кейин илмий марказнинг Сиддовей, Блек, Аас, Холверсон, Нефф каби етакчи олимлари билан суҳбатлашдик. Бу минтақада илгарилари фақат баҳорги буғдой экиларди. Ҳозир буғдой экиладиган майдоннинг 40 фоизига кузги буғдой экилади. Кузги баҳоргидан ҳосилдорроқ, лекин дон сифати баҳоргига яхши. Демак, иқтисодий жиҳатдан улар қарийиб тенг бўлиб, иккаласини алмашлаб экиш қўйидагича — шудгор — баҳорги буғдой — кузги буғдой.

Ал Блек сомонни майдалаб тупроқ устига сепиш (экин экилгандан кейин) тажрибаларини кўрсатди, олинган натижалар бир хил эмас, лекин бу усул ўғитлаш тизими билан мутаносиб олиб борилганда ижобий натижа беради. Шу ерда биз алмашлаб экиш усуслари бўйича дала тажрибалари билан танишдик. Тажрибалар бир қайтарилишда эканлигидан ҳайрон қолганлигимни яшириб ўтирамайман (бизда камида уч қайтарилишда). Ижрочи тажриба учун ажратилган ер участкаси яхлит, пайкал бўлаклари етишмаслигидан такрорий тажрибаларнинг иложи йўқлигини тан олди. Маълум бўлишича бу илмий-тадқиқот марказининг тажриба даласи майдони бор йўғи 20 гектарга яқин бўлиб, бу кўрсаткич бизнинг ҳар бир ла-

бораториямизга тажриба учун ажратиладиган ердан анча кам экан.

Лабораторияларнинг ускуналар билан таъминланишига эса ҳавасингиз келади. Тупроқ ва ўсимликларда кечадиган кўплаб жараёнларни таҳлил қилиш автоматлаштирилган. Албатта, ҳамма ускуналар ҳам американики эмас, лекин улар шундай танлаб олинганки, ишлаш режимида нуқсон тополмайсиз. Америкаликлар нафақат чет давлатлар ускуналаридан, асбобларидан фойдаланадилар, балки кўплаб чет эл олимларини ҳам ишга таклиф қилишади. Сиднейда биз норвегиялик олим доктор Аас билан танишдик. Дастреб тез гапирганидан унинг гапларига тушунишим қийин бўлди, скандинавиялик эса ҳозиржавоб бўлмаган таржимонга мослашишни унчалик ҳам хоҳламади. Танаффусда ундан сўрадим: “Бу ер сизга ёқадими?”. Норвегиялик елкасини қисди. “Ватанингизга кетишни ўйламаяпсизми?” “Қаерда кўп тўлашса ўша ерга бораман”.

Далани айланар эканмиз катта-катта ҳарфлар билан ёзилган шиорга кўзимиз тушди: “Шу ерда, мана шу дала-да биринчи маротаба баланд бўйли буғдоийиқдан кулис қилиш кўлланилган”. Америкаликларнинг рекламани боплаб жойига қўйишига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Сидней марказида америкалик олимлар бизга мойли ўсимлик — масхарни кўрсатишди. Америкалик олимлар фикрича бу ўсимлик экинзорларни бегона ўтлардан то-залашда ҳар хил гербицидларни қўллашда қўл келади. Шунинг учун ҳам масхар баҳорги буғдой учун яхши олдинги ўтмишдош бўлиши мумкин. Демак, унинг селекцияси касалликка чидамлилиги бўйича тадқиқ қилинапти.

Мана, сафар ҳам тугади. Майнот ва Чикагода тўхтаб, Вашингтонга учаяпмиз. Самолётда мовий ранг кўзли стюардесса Хейесдан сўраётганини эшийтдим:

- Кимлар улар жаноб?
- Руслар.
- Яхши. Улар бизда нима қилишяпти?
- Қишлоқ ҳўжалиги билан танишишяпти.
- Яхши. Улар қаерларда бўлишди?
- Небраскада, Канзасда ва Монтанада.
- Маямида-чи?
- Йўқ.

— Унда улар Американи кўришмабди, жаноб!

— Сенингча Америка бу — Маями-ми?

Небраскалик, тупроқ ҳимояси хизмати агрономи саволини қизга очиқ истеҳзо билан берди. Шунда мен америкаликларнинг бир ҳикоясини эсладим. Ҳикоя мазмумни шундан иборатки, қандайдир Базили оиласи куттимаганда топилган катта бойликни нима қилиш ҳақида тортишиб қолишади. Жаноб Базили вақтни бой бермасдан Юкатан ибодатхоналарига боришни таклиф этади, Базили хоним эса Маямидан уйча сотиб олишни талаб қилади. Маълумки, мамлакатнинг жанубида жойлашган бу курорт шаҳарчада бўлиш кўплаб америкаликларнинг орзуси. У ерда кимлар дам олиб, кўнгил хушлик қилишади. Афтидан Маямини фақат тушида кўргувчи мовий кўзли стюардесса қиз ҳам эмас, бутун ҳаётида ўйиндан чиқиб қолмаслик учун табиат инжиқликлари ва монополиялар билан курашиб яшовчи Буғдор Минтақасилик фермер ҳам эмас.

Биз АҚШнинг Farbий Ўртасида бўлдик ва мен бу катта мамлакатнинг шу ўлкалари фермерлари, олимлари ҳақида ҳикоя қилдим. Чунки улар билан кўп сұхбатлашдик, бирга бўлдик. Аммо, бошқа қисқа танишувлар, учрашувлар ҳам бўлди.

Линcoln шаҳрида делегациямизни Небраска штатининг губернатори мистер Иксон қабул қилди. Уни бу учрашувимиздан кейин мистер Хейеснинг америкаликларнинг бирига: “Бизга 15 дақиқагина вақт ажратилган эди, лекин сұхбат кўрсатилғанидан уч баробар кўп вақтни олди. Қабулхонада эса мана мен деган раҳбарлар кутиб турарди”, — деб фуур билан уқтираётганлиги қулогимга чалинди.

Губернатор ҳарбийларга хос қоматли, бақувват киши экан. Биз томонларда бўлган эмас. У руслар билан охирги марта Линcolnда “Белорус” тракторини синаш вақтида сұхбатлашган. Делегациямиз бошлиғи Қозоғистон қишлоқ хўжалик вазири эканлигини билган губернатор бароқ қошларини саволли чимириди. “Бу Москвадан бир ярим мил шарқда, — тезда тушинтириди Билл. — Сибир билан чегарадош”.

Қозоғистондаги буғдор майдонлари ҳақида гап кетганда губернатор яна ҳайрон бўлиб, енгилгина қош чимириди. Бизнинг таржимонимиз хотиржамлик билан яна

тушинтира бошлади: "Ҳа, жаноб, бу Россиянинг энг йирик ғалла кони тумани. Биз у ерда бўлганмиз. Атроф кўз илғамас баҳорги буғдой майдонлари... Фақат полосали экиш бизнига қараганда бироз кам".

Бундай янгиликлар менимча губернатор Иксонни гаранг қилиб қўйди, лекин у ўзини тезда қўлга олди ва ишонч билан гапира кетди: унинг штати дунё қишлоқ хўжалиги юраги, Линcolnда тракторларни ва буғдой навларини синаш халқаро марказлари жойлашган, айнан шу ерда бейсбол бўйича мамлакатнинг энг кучли командаси "Маккажўхори қипиги" номи билан ўйнаяпти.

Кейин губернатор делегациямизнинг ҳар бир аъзосига Небраска штатининг фахрий фуқароси деган гувоҳномани топширди.

Сидней меҳмонхонасидаги яна бир воқеани эслайман. Президент Форд телевизор экранида ўн минутлар атрофидаги чиқиш қилди. У ҳориган киёфада эди. Бу гал у энергия инқирози ҳақида гапирди. У иш столида ўтирас, ёнидаги столда катта йил календари.

Жералд Форд қўлига кичикроқ китобчага ўхшаш хужжатни олди ва гапира бошлади: "Масалани жиддий ечишни хоҳласак, мана бу китобчада келтирилган тадбирларни ҳеч кечиктирмасдан амалга оширишимиз керак. Кейин у китобчани секин столга қўйди ва олдига календарни сурди. Календарнинг очиқ варафи феврал ойи эди. Сўнгра телетомошибинларга тик қараб давом эттириди: "Мен бу лойиҳани конгрессга феврал ойида жўнатган эдим — конгресс ҳеч нарса қилмади". Шу сўзлар билан президент календарнинг феврал ойи варафини йиртди ва бироз тинимдан кейин савол берди: "Ҳмм, шу масалада конгресс апрел ойида нима қилди?". Ўзи текис овоз билан жавоб қайтарди: "Ҳеч нима". Календарнинг навбатдаги варафи ни тортиб, Форд яна савол берди ва жавоб қайтарди — "Конгресс май ойида ҳам бирор нарса қилишни хоҳла-маяпти".

Америка матбуотининг хабарига кўра президент конгресс билан қишлоқ хўжалик дастури бюджети ҳақида ҳам шундай тортишган. У 1975 йилнинг 4 январида 225 миллион долларлик бюджетта имзосини қўйди, лекин тезликда ундан 42,7 миллион долларни қирқиши сўради. Бу таклиф рад қилинди. Конгресс ёрдамчи қумиталарида радиома тайёрлагунча президент Форд бюджетдан яна 85

миллион долларни қирқиши 1973, 1974 йиллар бюджет қолдиқларини сарфламаслигини сүради. Конгресс катыяят билан “йўқ” жавобини берди. Президент ҳам ўз навбатида конгресс тайёрлаб берган қонун ҳужжатига ўзининг қарши “чўнтақ” ветосини ёпиштириди.

Нега бундай тортишув юз беради? Шунинг учун ҳамки президентнинг оғир муаммоларни тартибга солиш ҳақидағи тадбирлари кўплаб йирик монополиялар фойдасига “тегиб” кетади. Бу монополияларнинг кўплаб гумаштлари эса, конгрессменлардир. Бу конгрессменлар ўз монополиялари манфаатига зид бўлган ҳар қандай қарорларни бузишади. Бу билан улар давлат манфаатларига зид, қарши бораётганликларига ҳатто эътибор ҳам беришмайди.

Қишлоқ хўжалигига ажратилаётган озгина бюджетнинг доимо қисқартилаётганлигига асосий сабаб ҳарбий бюджетнинг йилдан-йилга оширилаётганлиги эди.

Шўртанга келганимиздан кейин илмий ҳисобот тайёрладик. Кўрсатилдики, АҚШ қишлоқ хўжалигига сув ва тупроқ муҳофазасида жуда яхши тадбирлар, ишлар қилинган ва қилинмоқда. Бу соҳада жуда кўплаб тадқиқотлар дикқатга сазавор. Лекин бирор бир тадқиқот ёки тадбирни назарий ва амалий жиҳатдан текшириб кўрмасдан бизнинг шароитимизда қўллаш мумкин эмас.

Масалан, бъязи бир америкаликлар ёки канадаликлар фикрича бизнинг шароитимизда буғдой фақат шудгорда самара беради. Сўз йўқ, ҳосилдорлик ошади, лекин ғалла ишлаб чиқариш бутун майдон бўйича пасаяди. Бу ҳақда бизда кўп йиллик тажриба натижалари бор. Фаллачилик хўжалиги Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти маълумотлари бўйича тўрт далали алмашлаб экишдан икки далалига ўтиш баҳорги буғдой ҳосилдорлиги ўсишини ҳар бир гектар ҳисобига 2 центнерга оширади, лекин умумий ғалла майдони икки баробар қисқариши туфайли дон ишлаб чиқариш ҳар гектарига 3,3 центнерга пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, АҚШ ва Канада шароитида самара берган шудгор-буғдой тизими биз учун таназзулга олиб борувчи йўл эди.

Қайд қилинганларни ҳисобга олиб қуйидаги ҳақиқатга эътибор беришни хоҳлардим. Буғдой ҳосилдорлиги даражаси бўйича турли мамлакатларни бу борадаги улардаги мутлақ рақамлар билан таққослаш, била туриб хатога

йўл кўйишидир. Зеро шунчаки ҳосилдорлик кўрсаткичи эмас, умумий майдонга нисбатан ҳар бир гектардан қанча дон олиниши муҳим. Америкаликларда Буғдой Минтақасининг қурғоқчил қисмларида шудгорнинг ярми бўш ётибди. Демак, баҳорги буғдойнинг ҳосилдорлик даражаси Монтана штатида 1972—1974 йилларда гектаридан ўргача 14,8 ц, аниқ ҳисобда маҳсулдорлик бор йўғи ҳар гектардан 7,4 центнер фалла бўлди.

АҚШ баҳорги буғдой зонаси қурғоқчиллиги бўйича Қозоғистоннинг шимолига яқин, лекин ўртада анча тафовутлар ҳам бор: Буюк Текисликларда ойлар бўйича ёғинларнинг тақсимланиши қулай (энг юқори — июн), у ерда фалла ўрими мавсуми ҳам қулай, лекин иқлим исикроқ, тупроқ камбағалроқ. Қозоғистоннинг қўриқ ерларидаги ҳар гектар экин маҳсулдорлигини Монтана штатиники билан таққослаганда, албатта барча ўзига хос хусусиятларни эътибордан қочирмасдан, шундай хулоса қилиш мумкин: Монтананинг қурғоқчил қисмida баҳорги буғдойнинг ҳар бир гектар ҳисобига ҳосилдорлиги Павлодар вилоятида шу тарзда олинадиган ҳосилга teng; Монтананинг намгарчилик кўпроқ бўладиган ерларида экиладиган кузги буғдойи эса Целиноград, Кустанай ва Тўрғай вилоятларида кўтариладиган ҳосилга teng фалла беради. Кокчетав ва Шимолий Қозоғистон фалазорларининг ҳар гектар ҳисобига унимдорлиги Буюк Текисликларнинг ҳамма минтақаларида етиштириладиган буғдой ҳосилдорлиги ўртача даражасига teng.

Биз қурғоқчил бўлган 1974 ва 1975 йиллардаги жуда паст ҳосилдорлик учун унчалик уялмасак ҳам бўлади. Целиноград вилоятида бутун йил давомида 220 мм ёғин тушди ва баҳорги буғдойнинг ҳосилдорлиги ҳар гектаридан вилоят бўйича 6,2 центнерни ташкил қилди. Бунинг устига Қурғоқчилик йиллари Қозоғистон буғдойи беқиёс даражада сифатли бўлиб унинг уч центнери баҳоси намгарчилик йиллари шароитида олинадиган тўрт центнер буғдой баҳосига teng ҳисобланади.

Буюк Текисликлар гарбида ишлаётган америкалик олимлар ҳақиқий қурғоқчилик нима эканлигини яхши билишади, уларга йилда 220 мм ёғин дегани нималигини тушинтиришнинг ҳожати йўқ.

Нима учун буғдой ҳосилдорлиги бутун мамлакат бўйича нисбатан юқори даражада, ҳар гектаридан 20—22 цент-

нер бўлиб келмоқда? Бу саволга АҚШга 1977 йилнинг кузидаги иккинчи сафарим пайти тўпланган ахборотлар, кузатувлардан жавоб топдим.

Бу гал сафаримиз йўналиши куйидагича эди: Вашингтон — Амарилло (Техас) — Манхеттен (Канзас) — Сидней (Монтана) — Вашингтон.

Биринчидан, “чанг қозони” шимолий худудларнинг кам қисмини эгаллаб, мамлакатда ҳосилдорликнинг умумий даражасига сезиларли таъсир қилмайди. Бундан ташқари Техаснинг шимолий худудларида ер ости сувларидан сугоришида фойдаланишга жуда катта имкониятлар бор. Ҳозирнинг ўзида бу ерда 40% кузги буғдой сугорилмоқда. Иккинчидан, бир мансумда экиладиган буғдойзорнинг асосий қисми йилда 500—600 мм ёғин тушадиган ўтувчи миңтақада жойлашган бўлиб, тоза шудгорда экилганда ҳар гектаридан 15—20 центнер кафолатли ҳосил олиш имконини бераяпти.

Учинчидан, йилда 600—800 мм ёғин тушадиган шарқий ўтиш зонасида жойлашган ерларда фалла етиштирадиган фермерлар дон ишлаб чиқаришида муҳим ўринни эгаллади. Фалла етиштирувчи йирик фермерларнинг кўпчилиги марказий Канзаснинг жанубида ва Оклахоманинг марказида тўпланган.

Ҳаддан ташқари қулай намгарчилик, мақбул об-ҳаво, ҳосилдор тупроқ ва узоқ давом этувчи илиқ давр кузги буғдойни ҳар йили бир жойга экиш ва ҳар гектар жойдан юқори дон олиш имконини беради.

Бундай технологиянинг сири оддий экан: кузги буғдойни ўриш июл ойида амалга оширилади, кейин дала 4 ой мобайнида шудгор қилиб қўйилади ва октябр ойида яна экилади. Бундай ҳосилни йиғиштириб олиш, далани маълум муддат шудгор қилиб қўйиш ва яна экишни бир йил давомида бажарилиши учун ғоят қулай имконият ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бир хил экинни ҳар йили бир жойга экиш жами экин майдонининг учдан бир қисмини эгаллаб, мамлакатда умумий буғдой ишлаб чиқаришнинг қарийиб ярмини етиштириш кафолатини беради.

Канзасда бўлганимда билдимки, охирги 14 йилда штатнинг марказий жанубида жойлашган 104 фермер ўртасида дон ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни ўн уч марта фермер Самнер эгаллаган. У ҳар гектардан 22,5

центнер ҳосил күтариб 445 минг тонна буғдой етиштирди ва бу йили ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Бу "бирлик"нинг беш вакили (Самнер, Рено, Харнер, Седжавик ва Томас) 1977 йили 1,5 миллион тонна ғалла тайёрлади. Бутун Канзас эса ҳар гектардан ўртача 19 центнер ҳосил олиб жами 9,6 миллион тонна буғдой етиштирди. Бу штатда 5,3 миллион гектар экиннинг 6,8 фоизи, асосан ғарбий қисмлардаги буғдойзорлар яхши ўсмаганлиги учун ҳисобдан чиқарилди.

АҚШга қилган икки сафарим давридаги икки ярим йилда Буғдой миңтақасида кўплаб ўзгаришлар юз берди. 1975 йилнинг баҳорида биз АҚШ ни шиддатли ғалла ғалаёни ёқасида учратдик. Экин экишни чеклашнинг бекор қилинганилиги ва ғалла донига баҳонинг бир бушелга 5 долларгача (бир центнер ғалла — 18,5 доллар) ошиши фермерлар орасида кутимаган ҳаяжон-ташвишни кучайтириб юборди. Қарздор фермерлар ўша давр муҳбирлари ёзганидек девордан деворгача ғалла экишиди: Шимолий ва Жанубий Дакота, Орегона, Огайо ва бошқа штатлардаги фермерлар шудгор ерга уруғ сепишда алоҳида байроқдор бўлишди. Бу "иситмалаш"га ҳатто "чанг қозони" туманлари фермерлари ҳам мубтало бўлишди.

Лекин, байрам узоқча чўзилмади. 1976 йили кузидан бошлаб, ҳар бир бушел ғалла нархи 3 долларгача тушди ва жуда тезлик билан пасая бошлади. Ана шу вазиятда умидсизликка тушган фермер-ғаллакорлар АҚШ президентлигига номзод, Жоржия штатилик фермер Жимми Картер ташлаган "ваъда"га ёпишиб олди. Сайллов олди мусобоқаларида у ҳар бушел ғалла учун Форд тўлаган икки доллар 25 центни уч долларга кўтаришга ваъда берган эди.

Шундан кейин Америкада фермерларнинг Картер-Мондейл гурӯҳи учун овоз бериш ҳаракати ҳайрон қоларли даражада кучайди. "У пинат фермер бўлса ҳам, ҳар ҳолда фермер" — муҳокама қиласи фермерлар. "Пинат" сўзининг маъносига келсак асли маъноси — "ер ёнфоқ", кўчма маъноси эса "майда" дегани.

Айниқса одатда республикачиларга овоз берувчи Огайо штати фермерлари ҳайрон қолдирди. Агар, 1972 йили Никсонга штат қишлоқ сайловчиларининг 65 фоизи шаҳар сайловчиларининг 58 фоизи овоз беришган бўлса,

1976 йили Форд қишлоқда 19%, шаҳарда 9% овозни бой берди.

Лекин ҳокимият тегасига келган янги маъмурият сайловолди ваъдаларини бажаришга унча ҳам шошилмади. Бу вақтда ғаллакор штатлардаги фермерлар аҳволи ҳақиқатда ҳалокатли вазиятга келиб қолган эди. Қишлоқ хўжалик департаментининг баҳорги текширувлари кўрсатдики, Канзас, Небраска ва Оклахома штатлари фермерларининг молиявий ҳолати “жуда оғир” Колорадо, Шимолий ва Жанубий Дакота фермерлари молиявий аҳволи — “оғир”.

Бу сўзлар замираиди нималар яшириниб ётганилигини: “Нью-Йорк пост” газетасининг 1977 йил 10 август сони хабарларидан билиб олса бўлади. “Канзас штатидаги банклардан ғалла етиштириш учун қарз олган 32000 хўжаликларнинг молиявий аҳволи таҳдил қилиб кўрилганда улардан 3200 таси “қарзни уза олмаслиги”, 11600, яъни 35 фоизи “ўз активларини сарф қилиши”дан ўзга чораси йўқлиги маълум бўлди”.

Бу, содда қилиб айтганда, биринчи тоифадагилар хонавайрон бўлди, иккинчи тоифадагилар мол-мулкини сошиб, яна қайтадан баҳтини синаб кўриши мумкин дегани.

Бу орада ғалла баҳоси кузга бориб яна пасая бошлади. Август ойи бошланишида бушел буғдой энди 2 доллар турарди. Тўққизинчи сентябрда Канзасга АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Боб Бергланд келди. Мен унинг Манхеттен университетидаги “АҚШнинг озиқ-овқат сиёсати” деб номланган маъruzасини эшигандим. Маъзура мазмуни шундан иборат эдикӣ, Америка қишлоқ хўжалиги департаменти конгрессга озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича янги қонун ишлаб чиқиши таклиф қилиши керак.

Янги қонун лойиҳасининг асосий мақсади — ғалла, биринчи навбатда, буғдой етиштиришни барқарорлаштириш. Бунинг учун вазир ҳисоби бўйича 1979 йили буғдойзорлар майдонини 30 дан 25,5 миллион гектарга, яъни 15% га қисқартириш керак. Демак, бу фикр ҳамма фермерларга уқтирилиб, уларнинг ҳукumatнинг янги дастурига қўшилиши, яъни шудгор ёки дам берилётган далалярдан 20% майдонни экишдан чиқариш таклиф қилинади. Ҳамма фермерларга экиндан чиқарилган майдон учун ўртача ҳосилдорликка нисбатан камида 75% ҳосил-

дорликда бир бушел ғаллага бир доллардан түлов түлайди. Аникроғи “үлкө жонлар” учун гавон пули түланади.

Қызық ишлар бўлаяпти-ку! Мамлакатда ортиқча донишлаб чиқарилмоқда, натижада фермерлар хонавайрон бўлмоқда. Мамлакат ҳукумати ғалла экинлари майдонини қисқартиришдан бошқа тузукроқ чора-тадбир таклиф қила олмаяпти. Дунёда эса миллионлаб одамлар очликдан ўлаяпти. Ҳақиқатда, савол-жавоб пайтида кимдир сўраб қолди: “Ортиқча донни дунёнинг ахолиси қашшоқ худудларига сотсак бўлмайдими?” Вазир қатъиятлик билан жавоб қайтарди: “Биз хайр-эҳсон қилувчи ташкилот эмасмиз, жаноб. Оч қолаётган халқнинг бизнинг ғалламизга тўлайдиган ҳеч вақоси йўқ”.

Нима учун қонун лойиҳасида кўрсатилгандек, 15% майдонни камайтириш ўрнига шудгорнинг 20 фоизи экин экишдан чиқарилиши керак, деган саволга Боб Бергланд шундай жавоб қайтарди: “Баъзи бир фермерлар тадбирга қўшилмаслиги ҳам мумкин, умуман дастурга қанча киши қатнашади — ҳеч ким билмайди. Баъзи бир фермерлар буғдой ўрнига бошқа экин экишиб буғдой майдонини қисқартириши мумкин.

Қонун эса айнан буғдой экишини қисқартиришни эмас, балки буғдой экиш мўлжалланаётган майдондан келиб чиқиб экин майдонини экишдан чиқариб туришни кўзда тутади”.

Кечқурун телевидениеда министрга янги савол бериши: “Бюджет директори (молия министри), президентнинг дўсти Берт Ленс истеъфога чиқиши керакми?” Қайд қилиш мумкин бу кунларда бутун Америка президентнинг Жоржиядаги кўплаб банклари билан ҳамкорлик қилган бу давлат арбобининг ножӯя хулқи ҳақида янги хабарларни кутиш билан ўтказди.

Булардан ташқари Картер маъмуриятидаги биринчи шахслардан бири вақти-вақти билан “овердрофт” ни — яъни банқдаги ўз ҳисоб рақамидаги маблағдан кўп пулни “айлантириш”га қўйиб юрган. Бу пул кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас — ярим миллион. Мана шундай! Агар фермер қишлоқ хўжалик департаментининг хатоли режалаштириш натижасида олган қарзини тўлай олмайдиган аҳволга тушиб қолса бунинг жабрини ўзи тортади. Агар банкир ярим миллионндан фойдаланиб олса-чи, бу ерда ҳаммаси жойида.

Бергланд фикрича Ленс ҳар қандай вазиятда ҳам сенатдаги муҳокама қилишгача истеъфога чиқмаслиги кепрак. Москвага қайтишдан олдин телевиденияда сенатдаги “муҳокама”нинг бир қисмини күришга мусассар бўлдим.

Сенаторларнинг “овердрафт” ҳақидаги саволларига Ленс бу АҚШ банкларидаги меъёрий фаолият деб оддий жавоб қилди қўйди. Барibir ҳам Ленс истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Лекин расмий хабарларда ёзилишича у ҳеч қандай жиноят ва хато қилмаган.

Фермерлар жамоасида кучсизларнинг синиб, кучлиларнинг йириклиши жараёни пасайган эмас. Монтанаада 3000 гектарлаб шудгори бор ғаллакор фермерлар ўтмишдагидек ҳайратланарли эмас. Бундай катта майдонлар кенг қаторли агрегатлари бор кучли тракторни ишлатиш имконини беради. Бу тракторлар култиваторлари 26 м кенгликда, сеялкалари эса 20 метр кенгликда ишлайди. Ўрим-ийғимга ҳам ўта кучли комбайнлар ишлатилади. Фермер учун рақобатда майда-чўйда деган гап йўқ. Техниканинг доимий ўсиши билан бирга Буюк Текисликларнинг курғоқчи зонасидаги истиқболли ғаллакор фермерларнинг яна бир муҳим хусусиятини умумлаштириш мумкин. Америкаликларнинг фикрича у (фермер) “қалам айлантириш”ни билади. Бунинг маъноси шуки, олдин ҳар хил хуносаларни таҳлил қилиб, кейингина бир қарорга келади.

Бу “чайир йигит” ўзидан бошқа ҳеч кимга суянмайди. Одатда, у ҳамма асосий ишлар учун ўзига етарли техника бўлишини маъқул кўради.

У дори сепиш учун самолётни таклиф қилмайди, ердагиси арzonроқ; ўрим-ийғимдан олган ғаллани сақлаш, уни топшириш нархининг ошишигача сақлаш учун етарли пичан ғамлаб қўяди; уруғликни тозалаш ва дорилашни ўзи бажаради; доимо ҳар эҳтимолга заҳираси билан уруғ ғамлаб қўяди.

Шу жиҳатдан суғориш ривожланган районлардаги, фермерларнинг ўрмон ҳалқасига муносабатини мисол келтириш мумкин. Кенг қаторли ёмғирлатгич техникасини тадбиқ қилишда ўрмон ҳалқалари халақит бера бошлади. Эски ўрмон ҳалқаларини ёппасига кесиш бошланди. Тупроқни муҳофаза қилиш хизмати миллий ҳавф-хатар сигналини бор кучи билан тарқатди. Чунки баъзи бир штатларда дарахтларни кесиш, йўқ қилиш ваҳимали тус олди. Аммо, фақат маҳсус молиявий чора кўллаб дарахт-

зорларни кесиши тұхтатиш мүмкін эди, чунки фермер дараҳт туфайли құраёттан зарарини қопладыған тавон олғандагина уни кесиши тұхтатиши мүмкін.

Америка Күшма Штатларда ғалла ишлаб чиқариш кейинги йилларда әкін майдонларини кенгайтириш ұсабындағы үсди. Ҳосилдорлик маромлашды. Бұғдой ҳосилдорлиги 1950 йилга нисбатан сезилари даражада ошди. Мамлакат бүйічі 1970 йилга келиб, ҳосилдорлик ұар гектарига 11 дан 19 центнерга күтарилди.

Хозирғи вақтда АҚШнинг курғоқчыл Буюк Текисликларидаги илмий ташкилоттар бир қанча йұналишларда тадқиқот ишлери олиб бормоқда. Асосийларига тұхталағыз. Шулардан бириңчиси — тупроқни механик қайта ишлашда гербицидларни құллаш, сомонни майдалаб тупроққа сепиш, кулисли әкиш каби усулдарни құллаб, шудгорлаб қўйиш агротехникасини такомиллаштиришдір. Ҳамма ерда ҳам бир хил самарадорликка эришилмайды. Гербицидлар жанубда ва марказда, сомонни майдалаш — жануб ва шимолда, кулислар — шимол ва марказда күпроқ кутилған натижә беради.

Иккінчиси — анъанавий шудгор — бұғдой тизимидан фақат бұғдой тизимиға ёки янги үсимлик әкиш йўли билан ердан алмашлаб фойдаланишга ўтишга уриниш. Шимолликлар уч далали алмашлаб әкишга — шудгор — баҳорги — кузги бұғдой усулига күпроқ эътибор беришади. Бу ерда маҳсарнинг имкониятлари тадқиқ қилинмоқда. Марказда эса оммавий ҳолда шудгор — кузги бұғдой — жўхори, усули қўлланилади. Жанубда — кунгабоқарга қизиқиши кучли.

Техаснинг шимолий түмшүғида (америкаликлар бу жойни това дастагига ўшатиши) 1974 йилда 2 минг гектар жойға кунгабоқар әкишганди. Келгуси йилда кунгабоқар майдони — 120 минг гектарга етди, чунки бұғдойнинг нархи пасайиб кетганди. 1976 йили кунгабоқар майдони олдинги йилларға қараганда уч баробар қисқарди.

Бушлендда жойлашган Жанубий-ғарбий илмий-тадқиқот маркази кунгабоқар бүйічі үлкемелі тадқиқотларни 1975 йил бошлади. Ҳозир кунгабоқар селекцияси ва агротехникаси йұналишида иккі ходим: — генетик Томми Томпсон ва энтомолог Чарли Раджере ишләяпти. Умуман олғанда америкаликлар кунгабоқар билан жиіддий шуғулланиши. Шимолий Дакотада янги, бизнинг эр-

кин чангланадиган кунгабоқардан фарқ қиласидиган дуратай нав яратилди. Канзасда ҳам кунгабоқар селекциясида катта тадқиқотлар олиб борилмоқда. Американинг барча илмий тадқиқотларида ҳозир энергетика мажбурий йўлдош соҳа бўлиб қолди. Фермерлар маҳсулот ишлаб чиқаришга миллий энергия сарфининг 3% ини, яъни уй бекаларига нисбатан икки баробар кам сарфласада қишлоқ хўжалигига ажратиладиган энергияни 15% га қисқаришиш ҳақида кўрсатма бор.

Шу туфайли ерни жуда кам усувларда қайта ишлаш катта истиқболларга эга. Бу ҳақда менга Бушленддаги марказ директори доктор Бобби Стюарт, тупроқшунослик доктори Пол Ангер ва муҳандислик доктори Рон Аллен сўзлаб берди. Ерни шудгорлаш ва дискалаш юзалаб ҳайдашга алмаштирилганда нам яхши сақланиб, ҳосилдорлик ошиши, шу билан бирга ёнилғи ҳар гектарига 29—40 литргача тежалиши аниқланган. Шудгор гербицид бериш билан кўшиб олиб борилганда самара яна ҳам яхши бўлган. Ёқилғи сарфи гектарига 19 литр камайган, тупроқ намлиги сақланиши эса янада самарали бўлган.

Барни бир ҳам фермерлар далага плуг ва дискалаш агрегатини ишлатишади. Шу боисдан тадқиқотшунослик доктори Уэнделе Жонсон Шимолий Техасдаги З миллион акр ердаги тупроқ юзалаб ишлов берилганда, фалла ҳосили 5 миллион бушелга ошарди дейди куйиниб. Бу фикрни Пол Ангер қувватлаб, далани юзалаб ишлаш тупроқда органик моддалар сарфини камайтиради ва тупроқ эрозиясидан сақлайди дейди.

Қишлоқ хўжалигига илмий тадқиқот натижаларини жорий қилишнинг америкача тизими ўзига хослигини айтиб ўтиш жойиз. Бу ишлар билан “Икстеншн сервис” — жорий қилиш хизмати шуғулланади. Икстеншн мутахассислари университетларда ва тажриба станцияларида ишлашади. Улар илмий ишланмаларни жамлаб, таҳлил қилишади ва жорий этиш учун тайёр шаклларга келтиришади. Кинофильмлар, тавсияномалар, варақалар, расмлар ва ахборотномалар тайёрлашади. Фермерлар билан бевосита алоқани икстеншн — агентлар (вакиллар) олиб боришади. Тегишли ҳар бир ҳудудда бундай вакиллар бор. Кўп ҳолларда олимлар икстэншн-агентлар билан ҳамкорликда тўғридан-тўғри фермаларда илмий тадқиқотлар олиб

боришиади. Тупроқ муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни тупроқ ҳимояси хизмати агентлари жорий қилишади.

Жорий қилиш хизматининг тезкорлигига қарамай, унинг иши ҳамма вақт ҳам самара беравермайди. Кўп ҳолларда бу ҳаракатта жавобан фермерлар дунёни сув босса ўрдакка не заман қабилида иш тушишади. Лекин фермерни ҳам тушиниш мумкин. Тупроқни келажак авлод учун сақлаб қолайлик деган шиорлар фермерга иқтисодий самара бермаса, бу ишлар фермер учун бир пул. Чиройли қилиб ишланган чақириқлар, бюллеттенлар ҳатто бепул бўлса ҳам, унинг сехри фермерга унча таъсир қилмайди, унинг ўзи “каллани ишлатиши” керак. Одатда унинг хуносаси икстэншин-агент фикрига тўғри келавермайди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача фермерда ағдарма тишли плутни кўриш мумкин. Тупроқни муҳофаза қилиш хизмати яқинда матбуотда ҳиндуларнинг Дувалиш қабиласи бошлиғи Сиэтл исмли киши айтган қизиқ ҳикматларни зълон қилди. Улар биринчи маротаба 1854 йили ёзигб олинган. Сўз бошида айтилганки, консервейшионистлар (тупроқни муҳофаза қилиш хизмати ишчилари — М.С.) Сиэтл ҳикматларида кўплаб доно гапларни кўради. Мана унинг ҳикматли сўзларидан бири:

“Оқ одам ўзининг она-ери ва ўзининг осмон-акаси билан худди сотиб олинадиган, фойдаланадиган ёки сотиладиган кўй ва маржондек муомала қилмоқда. Унинг иштаҳаси тупроқни ютиб юборади ва ўзидан кейин фаят чўлларни қолдиради”.

Дикқатга сазоворлиги шундаки, америкаликлар миллий тадқиқот дастурида тупроқни шамол эрозиясидан сақлашдан келган фойдани, ҳосилдан олинган фойдани ҳисобга олмаган тақдирда ҳам 146 миллион доллар деб баҳолашади. Айни пайтда ўылаб ижобий жиҳатлар санб ўтилади: Булар — иҳотанинг ҳосилдорлик пасайишининг олдини олиши, тупроқ унумдорлиги сақланиши, йўл ва тўсиқларни, суфориш ва дренаж каналларини сақлашдаги кам харажатлар, электр линияларини бузилишидан сақлаш, ҳаво ифлосланишининг камлиги ва бошқалардир.

Бушлендда ҳам бошқа икки марказдагидек “Қозогистон шимолида тупроқни ҳимоя қилувчи деҳқончилик” мавзусида маъруза қилдим. Маърузага илмий ходимлардан ташқари Амарилло шахрининг “Глоб Ньюс” газетаси мухбири Ларри Сталнап ҳам келди.

Бир неча кундан кейин бу газетада унча катта бўлмаган мақола чиқди.

Менинг мърузамга ва савол-жавобларга америкаликларнинг қанчалик диққат қилганликларини тасаввур қилиш учун бу мақолада келтирилган баъзи бир ахборотларни ёътиборингизга ҳавола қиласман.

Сарлавҳа шундай эди — “Совет қишлоқ хўжалик эксперти АҚШ усулларини ўрганаяпти”. Фотосуратим тагидаги сўзлар ҳам америкача услубда: “Сулейменов Бушленд тадқиқот марказида ... қор русларни буғдой ўстиришдан тўхтата олмайди”.

Энди бир неча абзаzlар: “Казах штатидан келган турк олим семинарда Фаренгейт бўйича ўртacha бор-йўғи 36°C ҳароратда буғдой етиширишни таъкидлаганда фермерлар ва олимлар ҳайрон қолишиди”. “Институтнинг тажриба даласида буғдойнинг ўртacha ҳосили ҳар акрдан 25 бушел (гектаридан 16,6 ц). Бу Америка лалими буғдойи ўртacha ҳосилдорлигидан юқори”. “Кўрик ерда хўжаликларнинг ўртacha майдони 100 минг акр — деди у — шунингдек шўроларда оиласвий фермалар йўқ”.

“У қиши вактида қорли далада кучли тракторларни кўриш, унчалик ҳам ҳайрон қоларли воқеа эмас деб қўшимча қилди”.

“АҚШдагидек қишлоқ хўжалик фани Россияда ҳам фалла ишлаб чиқаришда асосий ўринни эгаллади”.

Умуман мақола бир қанча ноаниқликларни ҳисобга олмаганда, жуда хайриҳоҳлик руҳида ёзилган эди.

Американинг кўплаб олимлари билан учрашувлар ва сұҳбатлар дўстона вазиятда ўтди. Мугахассислар ўз тажрибалари билан яхши фикр алмашиши, кўплаб саволлар беришли ва ўзаро ҳамкорликка тайёр эканликларини билдиришиди. Бу ҳамкорликни ривожлантириш, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, жуда фойдали бўлади.

## МИССУРИ БЎЙЛАРИДА НОННИНГ БАДОСИ ҚАНЧА?

1986 йил 26 августдан 9 сентябргача мен академик Н.З. Милошэнко Сибир қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг иқтисод бўлими мудири Б.С. Кошелев билан АҚШда бўлдим. Мақсадимиз курғоқчилик ша-

роитида АҚШда ғалла етиштиришнинг иқтисодий мөхиятини ўрганиш эди. Биз Вашингтон, Монтана, Шимолий ва Жанубий Дақота ҳамда Небраска штатларида бўлиб, фермерлар, олимлар, қишлоқ хўжалигининг турли хизматлари ҳодимлари билан учрашдик.

Мен бу визит чоғида олган таъсуротларим, фикрларимни баён қилмоқчиман. Бу ҳикояда кўплаб рақамларни келтиришдан қочиб бўлмайди. Чунки иқтисодий муаммоларни рақамлар тили билан тушунтириш осонроқ. Афсуски америкаликлар метр ўлчов тизимига ўтишини жиддий равишда хоҳлашаётган бўлса ҳам ҳанузгача бушел (27 кг буғдой), фунт (453 г), акр (0,4 га), мил (1642 м) каби ва бошқа анъанавий ўлчов бирликларидан фойдаланишади. Мен эса рақамларни имкони борича метр ўлчов тизимида беришга ҳаракат қилдим.

Машиналар, ғалла ва бошқа нарсаларнинг баҳосини бизниги мутлақ рақамлар билан солишишишнинг маънози йўқ. Бироқ америкалик фермер аёвсиз рақобат муҳитида қандай қилиб бошини бошига кўшиб келаётганлигини билиб қўйиши эътиборга лойиқ ва фойдалидир. Америка фермаси ҳаётининг бальзи бир томонлари қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилишдаги бугунги изланишларимизда мақбул бўлиши мумкин. Америка фермерининг юқори даражадаги ишлаб чиқариш манбаи ўтмишдаги оиласи анъаналарга бориб тақалади. Биз Фарбий Европа, Скандинавия ва Россиядан келиб америкалик бўлиб қолганларнинг учинчи ва тўртинчи авлодлари билан учрашдик.

## ВАШИНГТОН

Америка Кўшма Штатларида бизни камтарона даражадаги “Велменгтон” меҳмонхонасига жойлаштиришди. Йўлакда навбатчилик қилаётган қорамагиз норгул йигит юкларимизни олиб беришга ёрдамлашмоқчи бўлди. Лекин бунинг уддасидан чиқа олмади. Гуруҳда мен таржимон, америка ҳаёти қиёфаси бўйича маслаҳатчи ва ҳазиначи эдим. Шунинг учун ҳам мен ҳамкасларимга ҳар бир қадам неча пул туришини яхшилаб тушинтирган эдим. Меҳмонхона бошлиғи билан келишиш 1 дақиқа вақтни олди. Бизнинг имкониятимизни ҳисобга олиб бир кунга

у — академик учун 80 доллар, бизга эса — 60 доллардан белгилади. Лекин, биз 67 долларга бир ўринли ва киши бошига 39 доллардан тўланадиган икки ўринли хона олишга келишдик. Вашингтон меҳмонхонасиning Москва меҳмонхонасидан афзаликлари нимадан иборат? Кондиционер ва кроватлар бир ярим-икки баробар кенг, чойшаблар ва сочиқларни ҳар куни алмаштиришади, икки жуфт қат-қат гулли сочиқ, тўртта ҳар хил ўлчамдаги арtingич, совун, шампун ва муз.

Қишлоқ хўжалик вазирлигига гуруҳимизни чет эллар қишлоқ хўжалиги бўлими мудири ўринбосари Лео Майер кутиб олди. У етти хизматдан иборат бўлган Вазирлик таркиби ҳақида гапириб берди. Бу бўлимлар қуидагилардан иборат: иқтисод, истеъмол ва озиқ-овқат саноати, маҳсулотни сотиш ва назорат қилиш (инспекция), чет эл қишлоқ хўжалиги, кичик қишлоқлар ва қишлоқни ривожлантириш, миллий бойликлар ва атроф муҳит, фан ва маориф. Бу бўлимларда 10 минг, мамлакат бўйича 90 минг ходим ишлайди.

Учрашувни албатта ҳазил билан бошлиш ҳар бир америкалик учун хос одат. Шунинг учун ҳам АҚШ буғдой ассоциацияси президенти Уинстон Вилсон сұхбатни огоҳлантиришдан бошлади: — Кечкурун сизлар Ёввойи Фарбда, Биллижсда бўласизлар! Елкангизни деворга тираф туришга урининг! — Кейин у ҳазилсиз жиддий гапга ўтди: технологияларни алмашгандан кўра халқларнинг бирбирига яқинлашгани муҳимроқ.

Ассоциация буғдой етишириувчи фермерлар маблағи ҳисобидан ташкил қилинган, шулар ҳисобидан ва қишлоқ хўжалик вазирлиги ажратган бюджет маблағи ҳисобидан ишлайди. Ҳар бир бушел сотилган буғдойдан Ассоциация жамғармасига ярим цент ажратилади. Шунинг учун ҳам бу ташкилотнинг мақсади битта — буғдой донини экспорт қилишга ёрдамлашиш. У чет элда 13 идора ва штатларда 14 та буғдой комиссиясига эга. Бу комиссияларнинг кўплаб ходимлари билан мамлакат бўйлаб саёҳатимиз давомида учрашамиз.

Навбатдаги сўзни Дэвид Хоулдер олди. У фан ва маориф бўлимига кирувчи Жорий қилиш хизмати миллий дастури бошлиги.

У ўз сўзида америкаликлар ўз жорий қилиш тизими билан фахрланадилар, чунки америка фермери 1963 йил-

да 63 кишини бокди, 1983 йилда эса 79 кишини. АҚШ да жорий қилиш 73 та қишлоқ хұжалик дорилғунында ташкил этилған бўлиб, бу тизимлар илмий тадқиқотлар ўтказиш, жорий қилиш фаолиятини бажаради. Бундан ташқари жорий қилишнинг кооператив хизмати мавжуд бўлиб, у ҳар бир округдаги агентлари орқали фаолият юритади.

Жорий қилиш деганда америкаликлар семинарлар, конференциялар ташкил қилиш, радио ва телевидениеда чиқиш қилиш ва чиройли қилиб безатилган тавсиялар, амалий қўлланмалар чиқариш орқали илм-фан ютуқларини тарқатишни тушинишади. Шунинг учун ҳам америкалик олимлар илмий-тадқиқот ишлари ёки ўқитувчилик вазифасини жорий қилиш фаолияти билан биргаликда олиб боришади. Бу табиий ҳол ҳисобланади ва олимлар икки манбаадан маош олишади.

Жорий қилиш хизмати болалар билан ҳам шуғулланишади, уларга қишлоқ хұжалигини бошқариш асосларини ўн ёшидан бошлаб ўргата бошлайди. Хоулдер фикрича болаларда раҳбарлик қила олиш туйғуларини тарбиялаш жуда муҳим. Бу уларни мустақил қарор қабул қилишга ўргатади. Болалар компьютер техникасини жуда енгил ўзлаштиради ва кўп ҳолларда ўз ота-оналарини компьютердан фойдаланишга ўргатишади.

АҚШда ғалла етиштиришнинг баъзи бир томонлари ҳақида Иқтисодий тадқиқот хизмати ўсимликшунослик сектори мудири доктор Мак Лиф гапириб берди. Ғалла ишлаб чиқариш озуқа донига мослашмоқда ва бу кўрсаткич унинг умумий ҳажмининг 75 фоизини, макажӯхорининг — 62 фоизини ташкил қиласди. АҚШда дон ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишчилар сонининг қисқариши ҳисобига юз бераяпти. Масалан, макажӯхори ишлаб чиқаришда унумдорлик — 2,3 баробар, буғдои ишлаб чиқаришда — 1,4 баробар ошди.

Мак Лиф АҚШ шимолий хұжалиги иқтисодий ҳолатини баён қилиб берувчи бир неча жадвалларни кўрсатди. Сафаримиз шу тарафга мўлжалланган эди. 1982 йилги рўйхатлаш маълумотлари бўйича Монтана, Шимолий Дакота, Жанубий Дакота ва Небраска штатларидаги ўртача ферма майдонлари қўйидагича — 1014, 435, 448 ва 234 гектар; бир гектар ер баҳоси — 610, 1095, 865 ва 1542 доллар. Штатлардаги экин майдонлари: Монтана — 6580, Шимолий Дакота — 11264, Жанубий Дакота — 7535, Не-

браска — 8973 минг гектар. Бир мавсумда экиладиган ерга қараб фойдаланиш даражаси штатлар бүйича қуйидаги-ча: 3746, 8123, 5773, ва 6830 минг гектар.

Қизиққан ўқувчи шудгор майдонларини миқёсини осонгина ҳисоблаши мүмкін, масалан, у Монтанада ҳаддан ташқари катта — 8234 минг гектар.

Бу штатларда бүгдой асосий экин. Монтанада унга экин майдонининг 54% ини, Шимолий Дакотада — 48%, Жанубий Дакотада — 24%, Небраскада — 22% и ажратиласди. Монтанада аҳамияти жиҳатидан иккинчи экин — арпа (15%), Шимолий Дакотада — кунгабоқар (15%), Жанубий Дакотада — сули (13%), Небраскада — маккажұхори (21%). Барча штатларда умумий экинзорларнинг түртдан бири пичанзор учун ажратылған.

Түртала штатда ҳам 1983 йил дала экинларининг ҳаммаси (арпа ва сулидан ташқари) фойда берди, 1984 или маккажұхори, кузги бүгдой, арпадан зарар күрилди, қат-тиқ бүгдойдан яхши фойда олинди.

Курғоқчиликда деңқончилик қилиш бүйича илмий та-дқиқотлар миллий дастури раҳбари Жеймо Пар фикрича, илмий дастурлар фермерларнинг фикри ва сўровларни ўрганиш натижасида тузилди.

Доктор Ж. Парнинг үзи асосий вақтини мамлакат бўйлаб илмий сафарда ўтказади. Унинг навбатдаги сафа-ри шимолий-ғарбий Техасдаги фермер Роберт Якобсон даласида ўтди. Бу фермер муаммоси сув таъминотининг қисқариши билан боғлиқ зди. Олимлар унга тупроқни ўта кам қайта ишлаб лалими деңқончиликка ўтишни мас-лаҳат беришди. У бу усулни олимлар билан бирга синаб кўраяпти ва ҳозирча у фермерни қониқтираяпти.

Ерни асрар хизмати тупроқни ҳимоя қилиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш соҳаси раҳба-ри сұхбат сўнгидага гапга аралашди. Бу хизмат қишлоқ хўжа-лик вазирлигидаги энг катта ташкилотлардан бири бўлиб унда 13 минг киши ишлайди. Мамлакат бўйлаб тупроқни муҳофаза қилиш ва энг кам қайта ишлашни ташвиқ қилиш бўйича кўплаб клуб ва комитетлар тузилган.

Улар ижодий ишлашади. Масалан, тупроқни кимёвий ишлашни хоҳламайдиган фермерларни кимё компаниялари орқали рағбарлантиради. Айова штати Жоунс окру-гида соя экишга мўлжалланган кузги шудгорлашга қарши кампанияни авж олдиришди.

Мукофот олиш учун анкета қоғозчасига ўтган йилда экилган соя майдонини ва маълум бир майдонда кузги шудгордан воз кечганлигини кўрсатиш кифоя эди.

“Ерга рекреация ишлови бериш” деган сўз пайдо бўлди. Бу бекорчиликдан далага чиқ дегани эди. Ерни рекреацион қайта ишлаш ҳақидаги ўнлаб фикрлар, хулосалар, мисоллар ёзилган очиқ хат юборилади. Улар орасида шундайлари ҳам бор: ҳамма қўшнилар аллақачон далада; об-ҳаво яхши, бир айланиб келиш керак; қўшнилар дангаса деб ўйлаши мумкин; текис бўлиши учун яна бир ма-ротаба ўтиш керак; агар, бу супринди тупроққа аралаштирилмаса сеялкалар тишини ишдан чиқаради.

Ерни асраш хизмати ва кўплаб фидоийлар меҳнати тупроқни анъанавий қайта ишлашдан қайтиш жараёнига шубҳасиз ёрдам боради. Ўн йил мобайнида ерга тупроқни ҳимоя қилишга қаратилган ишлов бериш майдонлари икки баробар кўпайди ва 35 миллион гектарга етди. Лекин барибир ҳозирги кунда ҳам 77 миллион гектардан кўпроқ ер плуглар ёрдамида ҳайдалаётганлигини эсдан чикармаслик керак.

Қишлоқ хўжалик вазирлигидан биз тўғри миллий аэрапортга қараб йўл олдик. Америкаликлар гапи бўйича соқчимиз (эскорт) ёш Йигит Давид Миллер бўлади. У чет эл қишлоқ хўжалик хизмати ходими бўлиб, бўйи қарийиб икки метрли бақувват йигит экан. У япон тилини билади, русчани жонли гапиради, Россияда бўлган.

## МОНТАНА

Америка ҳақидаги билимларимиз жуда чегараланганд. Масалан, Монтана ҳақида нимани биламиз? Бу сўзга минглаб кўйлаклардаги тамғачаларда кўзимиз тушган холос, лекин уларнинг ҳам кўпи американники эмас.

Монтана Америка штатларидан бири эканлигини кўпчилик билади. Лекин уларнинг аксарияти унинг географик ўрнини ҳам билмайди. Масалан, танишларимдан бирортаси ҳам Американинг буюк дарёси Миссури худди шу штат ерларидан бошланишини билмади.

27 август куни соат 12 да Шимоли — гарбий авиакомпаниянинг 69-рейси билан Вашингтондан учдик ва Мин-неополис орқали тоғ вақти бўйича соат 16 да Беллингсга

етиб келдик. Төгөн вақти Вашингтон вақтидан 2 соат, Москва вақтидан 10 соат фарқ қиласди.

Монтана жанубидаги шаҳарлардан бири бўлган Бееллингс аэропортида бизни ҳеч ким кутиб олмади. Дастурда шундай эди: расмиятчилик учрашувларининг кераги йўқ. Шунинг учун ҳам Миллер аэровокзал биносида жойлашган "Херти" автомобиллар ижараси фирмасига йўл олди. У 10—15 дақиқадан кейин машина қалитини олиб келди, автомашинани номерига қараб бир зумда топди. "Шертон" меҳмонхонасида 24 долларли хоналардан тўрттасининг қалитини биз 5—6 дақиқада олдик.

Дастуримизга биноан кечки овқат норасмий ўтиши керак. Мен Давиддан бунинг маъносини сўрадим.

— Маҳаллий олимлар билан бирга овқатланамиз. У-бу ҳақида гаплашамиз.

Мен Николай Захаровичга тушинтирдим: Қандайdir ресторонда кечки овқат қиласми. Менимча ҳар ким ўзи тўлайди, 10—15 доллардан тушса керак. Борамизми?

— Борамиз, — ҳеч иккиланмасдан масалани ҳал қилиди гуруҳ раҳбари.

Ярим қоронғи залда бизни уч америкалик кутиб олди: Жим Жонсон — қишлоқ хўжалик дорилфунуни жорий қилиш хизмати иқтисодчиси, Генри Бан — жорий қилиш хизмати фермашунослик ва иқтисод кафедрасининг доценти ва Аллан Бикет — иқтисодчи. Официант кимга гўштни яхшилаб, кимга ўртача ёки яхшироқ қовуриш кераклигини аниқлади.

Мен америкалик иқтисодчиларга разм солдим: Жонсон бақувват, боксчиларга ўшиш қовоқли, ҳамюрларига қараганда содда ва улфатроқ, Бан нуфузли ва вазмин, келишган, Бакет асосан жим, баъзи-баъзида суҳбатга аралашади. Шундай қилиб суҳбат бошлианди. Ҳамма саволларга Жонсон жавоб қайтарди, баъзида Бан гапга кўшилиб турди, Бакет иложсиз ҳоллардагина суҳбатга аралашди. Суҳбат келаси кун ҳам давом этди. Саволларимизга берилган жавоблардан Монтана қиёфаси намоён бўлди. Катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда, аҳолиси сони бўйича пастдан учинчи — 800 минг киши атрофида, майдони — 37 миллион гектар.

Монтана төг ва даштлар мамлакати, ялов ва пичанзорлари экинзорларнинг учдан икки қисмини — 27,2% ни ташкил қиласди.

Асосий экини буғдой. Кузги буғдойни тоза шудгорга — 1 миллион гектарга экишади. Баҳорги кечки буғдой ҳам асосан шудгорга (700 минг гектар) ва 50 минг гектар ерда ўтган йилда экилган жойга экишади.

Ҳатто арпани ҳам асосан шудгорга (500 минг гектар) экишади ва қолдиқ ерга икки маротаба кам экишади. Қолдик ерга экиш кейинги йиллари пайдо бўлди.

Бу мълумотларни баҳолаш учун АҚШ да фалла ишлаб чиқариш шароитини яхши билиш керак. Бизнинг одамларнинг мулоҳазаси оддий: америкаликлар бутун дунёга фалла сотаяпти — демак улар бу соҳада революция қилишибди ва ҳар қандай шароитда юксак ютуқларга эришишади. Ҳақиқатан ҳам дунё фалла савдосининг ярмини АҚШ фалласи ташкил қиласи. Лекин, бу мамлакатнинг асосий дон заҳиралари ем бўладиган фалла бўлиб, асосан йилда 800—1000 мм ёғин ёғадиган, йиллик ўртача ҳарорат 12—14 градус бўладиган жуда қулай об-ҳаво шароитига эга Маккажўхори минтақасида етиштирилади.

Бу ҳудудларда америкаликлар маккажўхори ва соя экишиб, ундан бир маромда юқори ҳосил оладилар. Ишлаб чиқариш жўхори дони билан бирга 250—300 миллион тонна. Жами фалла етиштириш 350 миллион, ички бозор эҳтиёжи эса 200 миллион тонна атрофиди. Буғдойни мўътадил қуруқ ҳудудлардаги 30 миллион гектар майдонга экишади. 22—25 миллион тонналик ички эҳтиёжни қондириши учун ҳар гектаридан 7—8 ц ҳосил олиш етарли. Мўл-кўлчилик ҳақида тасаввур пайдо бўлиши сабаби шу, аслида бу кўрсаткичлар унчалик юқори эмас.

Монтана фалла хўжалиги фаолиятини статистик мълумотлар асосида таҳлил қилиб кўрайлик. Аввало тупроқ иклим шароитлари ҳақида. Кўпинча буғдойни қора ва тўқ, кўнғир тупроқ ерларга экишади. Асосий фалла туманларига ўртача 340 дан 400 мм ёғин ёғади, бу даража нам билан тамилланганлик бўйича Шимолий Қозогистон қора тупроқли зоналарига тўғри келади. Ёгинларнинг тақсимланиши қуйидагича: максимум май-июнда, қурғоқчил пайти июлдан августгача. Кузги буғдой июл охирига келиб пишади ва уни августнинг биринчи чорагида — қуруқ об-ҳавода йифиштириб олишади. Баҳорги буғдойни асосан май ойининг биринчи ярмида экишади ва августнинг иккинчи ярмида ўриб олишади. Шундай қилиб ёғин-

ларнинг тақсимланиши ва ҳарорат режими ғалла экинла-ри учун жуда қулай.

Монтана деҳқонлари нималарга эришдилар? Мен биринчи маротаба бу ерда 1975 йилда бўлдим, кейин 1977 йилда иккинчи сафар бўлдим. Шунинг учун таққослар асосида баъзи хulosаларни чиқариш мумкин. Баҳорги буғдойни 1975 йили асосан шудгорга экишиди, йил ўртача бўлди ва ҳосилдорлик ҳар гектарига 17,1 центнерни ташкил қилди. 1977 йил қурғоқчил келиб ҳосилдорлик шудгорда 14,4 центнергача пасайди. Баҳорги буғдой учун 1976 йил жуда қулай келди ва ҳар гектаридан 20 центнердан ғалла олинди. Қолдиқ жойларда буғдойни кам майдонга экишиди ва ҳар гектардан 1977 йил — 10,3 ц, 1976 йили — 15,1 ц ҳосил олишиди.

Ўша вақтдан бўён нима ўзгарди? Баҳорги буғдойни ғалла ўрнига экиш деярлик тутатилди; агар бу кўрсаткич 1975 йилда — 13% бўлган бўлса, 1984 йили — 7%. Худди шундай ҳол кузги буғдойда ҳам. Умуман олганда буғдой майдони ошди, ҳосилдорлик ўзгармади. Охирги беш йилдаги об-ҳаво энг қулай келган 1982 йили баҳорги буғдой шудгорда ҳар гектаридан 20,0 центнердан дон берди, қурғоқчил келган 1984 йили ҳосилдорлик ҳали кўрилмаган энг паст даражада — 10,6 ц бўлди. Бу йилларда ғалла ўрнига экилган майдонлардан гектарига тегишли равишда 19,4 ва 8,7 ц ҳосил олинди.

Монтанада ҳалокатли қурғоқчил йил деб ҳисобланган 1984 йили йил давомида шарқда — 215 мм, марказда — 245 мм ва фарбда — 350—400 мм ёғин ёққанлигини таъкидлаш жоиз. Худди шундай об-ҳаво Шимолий Қозогистоннинг катта қисмлари учун одатдаги ҳолдир. Кўриб турибмизки, Монтанада қурғоқчилик билан курашишда ҳеч қандай мўъжиза қилинмаган; шудгордан гектарига 10 ц ҳосил олинган ҳолос.

Бизда деҳқончиликнинг шудгор тизимини асослашда америка ва канада тажрибасини манба қилиб олиш одат бўлди; мана қаранглар фермер нима қилиш кераклигини билади, улар машаққатли тажрибада деҳқончиликнинг бу тизимиға эришиди. Бизга маълум бўлган ҳақиқатлар асосида бу масалани ҳам кўриб чиқамиз.

Охирги ўн йилда Монтанада шудгор далаларида баҳорги буғдойнинг ҳосилдорлиги гектарига 16,4 ц ни ташкил қилди. Бу ғалла ўрнига экишдан олинган дондан гек-

тариға 3,4 ц күп. Савол туғилади, нима учун фермерлар фақат шудгорга әкишни маңқул күришади, қолган қарийиб ярим майдондан фойдаланишмайды?

АҚШга қылган биринчи сафаримда мен ғалла әкінларини қисқартыриш бүйича сет-эсайд (тұхтатиши, узиш) деб номланған давлат дастурини күриб қолдым. 1983 йили эса пик ёки пейменд-ин-кайнд (әзгуликка тұлаш) деган дастур жорий қилинди. Бу дастурларнинг мазмұны шундан иборат әдіки, ғалланинг улқан заһиралари түгләниб қолаёттанлыги боис давлат бүгдой әкишни маромлаштироқчи ва ҳар хил йүллар билан унинг майдонини қисқартыроқчи эди. Ҳукуматнинг янги дастурлари бүйича әкін майдонининг маълум бир қисмими қисқартырган фермерларга давлат кафолатланған харид баҳоси белгілайди, яғни харид баҳоси билан бозор нарыхи ўртасидаги фарқға тұлов пули тұлайди. Америкаликлар, фермерлар қанча, қачон ва қаерга әкишни ўзи билади деган фикрни тақрорлашни яхши күришади. Лекин, ҳукумат ўз дастурлари орқали уларни ўзи истаган талабларға мос ҳаракат қилишга мажбур қиласы. Мен ҳукумат дастурига күшилмайдиган, ўз хоҳиши бүйича иш күрадиган фермерлар сони қанчалигига қизиқдим. Уч америкалик күлди ва уч хил жавоб қайтарди; оз, деярли йўқ ва тентаклар йўқ.

Америка фермерининг шудгорга боғланиб қолғанлигининг яна бир сабаби шундаки, ғалла ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик күрсаткышлари уни умуман қизиқтиrmайди. Унинг учун бош масала — сарф қилинған маблағдан катта даромад олиш. Масалага шундай ёндошишда әкинзорнинг ярмини шудгорга қолдириш фойдали. Мана шу тартибда фермер әкиш-тикиш ишларини ўзи уddyлайди, ўримга эса ёлланма ишчилар таклиф қилиши мүмкін. Яна бир нарсаны ёдда тутиш керак: Монтанада ғалла ишлаб чиқариш чорвачилик билан қўшиб олиб борилмайди, демак фермер учун шудгорга озуқабоп әкінлар әкишнинг ҳечам қизиғи йўқ.

Монтанада 1975 йилгача майда фермерларнинг хона-вайрон бўлиш жараёни юз берди. Уларнинг сони 1920 йилдаги 58 мингдан, 1975 йилда 23 мингтагача қисқарди. Охирги 10 йилда уларнинг сони деярлик ўзгармади. Бу ҳолатда ўрта фермер ери кенгайиб 1985 йилда 2581 гектарга етди. АҚШда фақат деҳқончилик ёки деҳқончиликни мол семиртириш билан қўшиб олиб боруви фермерлар-

ни фермер дейишиди. Иши яйлов ва пичан билан боғлиқ бўлиб, қорамол бокувчиларни ранчер деб аташади.

Чорвачиликда яйловда қорамол боқиб гўшт етиштириш устивор. Бу ерда 3 миллион бош қорамол бор, шулардан ярми сигирлар. Диққатга сазовор жойи шундаки, Монтанадай катта штатда 27 минг бош соғин сигир бор ва 90 минг бош мол сўқинга боқилади. Америкача ихтиносослашибирининг моҳияти ҳам мана шунда — ҳеч қандай универсалликка ўрин йўқ.

Монтана аҳолиси сони 800 минг. Шулардан 67 минги фермаларда яшайди, ҳар бир фермага ўртacha 2,8 киши тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги штат миллий даромадининг 30% ини беради. Халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқлари нефт-газ, кон ва ўрмон саноати, транспорт ва туризм.

Жонсон Монтана фермаларида ғалла ишлаб чиқариш иқтисоди ҳақида маъруза қилди. Унинг маърузасидан бир гектар шудгорда баҳорги буғдой етишибирининг харажатлари нималардан иборатлиги маълум бўлди. Бир гектардан ўртacha 18 ц ғалла олиш учун 345 доллар харажат қилинади. Бунда ўзгарувчи харажатлар экилган йили 117 доллар ва шудгор қилинган йили 37 доллар бўлиб, қолганлари белгилаб кўйилган харажатлардир. Ўзгарувчи харажатларда биринчи ўринда ўғит ва ўрим, кейин уруғ ва суғурта, учинчи ўринда ойлик маош харажатлари, химикатларни сепиш, ёнилғи ва кундалик (оператив) харажатлар “манфаат” (фоизли миқдор) харажати туради.

“Манфаат” нима дегани? Америкача тушунча бўйича пулни ҳамиша пул топади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай пул миқдори йил давомида маълум фоизга кўпайиши лозим. Ҳозирги вақтда бу фоиз 13,5 га teng. Ана шу фоиз харажатларга кўшилади.

Бизни ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, манфаат фоизи оила аъзолари, ишчилар маошларига шунингдек, бошқарув иши билан боғлиқ тўловларга қўшиб ҳисобланади. Жонсоннинг гапига қараганда бу имконият баҳоси деб аталади. Унинг ҳисоби бўйича ишлаб топилган пулдан манфаат фоизини ҳисоблаш нотўғри. Қойилмақом қилиб уддаланган меҳнатни баҳолаш маъқул бўлар эди. — Агар шаҳарда электрчи бўлиб, бир соатда 18,50 доллар топиш ёки шудгорда ишлашни танласангиз, бу ҳолда имконият баҳоси шудгорда бир соат ишлашга 18,50 доллар-

га тент. Сүхбатга ўз мисоли билан Генри Бан қўшилди: Агар сиз шудгор учун 4 соат вақт сарфладингиз ва ўз вақтида 100 бош ҳўқизга озуқа бермаганингиз учун 2 фунт кўшимча семиришдан қолдирдингиз, бу тахминан 120 доллар бўлади, яъни ҳар соатда 30 доллар. Ана шу имконият баҳоси бўлади. Бизнинг америкача ҳисоб-китобни тушинища қийналаётганлигимизни кўриб, Алан Бакет тушинтира бошлади. — Агар танлов шудгор қилиш билан карта ўйини таққосида бўлса, сиздаги имконият баҳоси пул ҳисобида белгиланган нарҳда бўлади.

Бу гапларнинг маъносидан тушиндимки, америкача бизнеснинг асосий қоидаларидан бири шундай: ҳар бир киши ўзининг қобилияти ва малакаси энг кўп пул топишга имкон берадиган иш билан шугулланиши керак. Бир сўз билан айтганда американда трактор ва комбайнларда, бу ишни бошқалардан яхшироқ бажарадиган одамлар ишлашади.

Белгилаб қўйилган харажатлар ичида энг кўп ҳисса ер нархи ва техниканинг эскириш (аммортизация) харажатига тўғри келади. Техника ва қурилишга қизиқиши, шунингдек солиқ ва сугурта харажатлари ҳар ҳолда кам ревжалаштирилади. Ана шунинг учун ҳам Монтана фермерлари юқори ҳосил билан мақтана олмасалар-да, меҳнат унумини оширишда ҳақиқатда мисли кўрилмаган натижаларга эришдилар. Бир центнер ғалла ишлаб чиқариш учун 12—15 дақиқа вақт сарфланади. Бунга қандай эришилади, бу ҳақда фермерлар билан сұхбатлашиш давомида яна тўхталамиз. Диққатга сазовор жойи шундаки, харажатлар таркибидаги 345 доллардан меҳнатта ҳақ тўлашга 15 доллар бошқарувга бир ярим доллар сарфланади. Ғалла ишлаб чиқаришда кам меҳнат сарфланишининг ечими шубҳасиз ана шу ҳақ тўлаш тизимиладир.

Фермер Лес Ауэр қароргоҳига биз икки машинада келдик. Биринчисини Миллер, иккинчисини Бан бошқарди. Баланд бўйли, ўзига ишонган, озода кийинган, (жинси ва ковбой камзулли) қирқ беш ёшлардаги фермер осто насига қадам қўйдик. Унинг нимаси бор? Шудгори — 600 гектар, ғалла экилган майдон 600 гектар, 335 от кучига эга бўлган трактор, 24 метр кенгликда дори сепувчи штанга, сеялка, култиватор, “ландмастер” гербициди. Бори шу. Ўғит ишлатмайди. Унинг айтишича шудгорга фақат гербициidlар билан ишлов беради ва бу ишларни

якка ўзи бажаради. Экишга битта ишчи, ўримга эса тўртта комбайнчини комбайнлари билан ёллайди. Фалла омборлари фаллани янаги мавсумдаги ўримгача сақлашга етади.

Лес Ауэр деҳқончилигини қандай тавсифласа бўлади? Анъанавий икки далали экиш усули ва шудгорни гербицидлар билан қайта ишловчи замонавий технология. Ўғитларни ишлатмаслигининг сабаби шундаки, қурғоқчилик йиллари ўғит ўзини қопламайди. Бу ерда илфор деҳқончилик сезилмайди, Лес Ауэрнинг ўзи ҳам бунга интилмайди. Энг кам харажат қилиш, ерга энг кам ишлов бериш — унинг қоидаси шу. Комбайнерларга вақтбай ҳақ тўлайди. Комбайнлар аммортизацияси ва ёқилғи-мойлаш ашёларига ҳам худди шу тартибда ҳақ тўланади. Комбайнчиларга вақтбай ҳақ тўлаш адолатсизлик, ноҳақлик эмасми деган саволимизга у шундай жавоб қайтарди. — Комбайнер ўрувчи сеялка кенглиги ва комбайн тезлигига қараб гектарни ўради. Тўхтаб қолиш деярли йўқ, таъмиrlаш учун комбайн нархига қараб белгиланган мейрлар бўйича ўзим тўлайман.

Ха, Лес Ауэр ишини илфор дейиш қийин, лекин у вазиятни ҳисобга олиб етарли даражада самарали ишлайди. Бу ҳақда шундай маълумотни келтириш мумкин. 1984 йилги қурғоқчиликдан кейин унинг қўшниларидан бири хонавайрон бўлди. Лес Ауэр унинг ерини сотиб олди.

— Афсус, шундай, ора ер бўлиб қолди — тъкидлайди Ауэр, — лекин бу ишни тузатса бўлади. Фермер ора ер орқали қўшнисига қарайди, яна қанча вақтгача чидай олар экан. Ҳар ҳолда ора ерларнинг кўпайиши фермерлар учун яхшилик белгиси эмас.

Ўйлайманки, Лес Ауэр нафақат яхши ишлай билади, шу билан бирга компьютерни унча хуш кўрмаса ҳам ҳисобкитоб қилишнинг уддасидан чиқади, эртанги кун талабини ҳис эта олади. У қўшниларидан фарқ қилиб, компьютерсиз ҳам ютуқ ўз вақтида тўғри қарор қабул қила билишда эканлигини тушиниб этди. У ўғитни ишлатишдан воз кечди, комбайнини сотди, дори сепгич сотиб олди ва шудгорни култивация қилиш ўрнига гербицидларни сепишига ўтди. Шу билан бирга у ерга экишдан олдин ишлов бериш ва экинга ишлов бериш бўйича анъанавий технологияни сақлаб келаётди. Икки йилда у экин майдонини қарийиб икки баробарга кўпайтирди, ҳар бир бушел фалла экиш харажатларини камайтирди. Бу ҳар қандай

шароитда фермернинг маҳкам оёқда туришига асос бўлмоқда.

Лес Ауэр одат тусига кирган бир пиёла қаҳвага ҳам таклиф қилмади. Биз Бринкил фермасига йўл олдик. У ерда бизни Монтана ғаллакорлар Ассоциацияси томонидан ташкил қилинган зиёфат кутарди. Жаноб Бринкл олтмиш беш ёшлардаги, озғин киши экан. У бизни очиқ чехра билан кутиб олди ва хотини, икки қизи билан танишитирди, сўнгра уйга таклиф қилди. Ҳовлида гўшт қовириларди. Бизга дастлаб пиво беришди. Қайд қилишим керакки, америкаликлар зиёфат вақтида умуман спиртли ичимликлар ичишмайди. Зиёфатда менинг ёнимда Хантли тажриба станциясининг директори жаноб Стоддард ўтирганди. Мен ундан Лес Ауэр фермасида бўлганимни ва Монтанада ўғит ишлатишдан воз кечиш қанчалик аньянавийлигини сўрадим. Бу — аньянавий эмас, — деди директор. Умуман олганда азотли ва сувсиз аммиакни ишлатиш кўпайиб бормоқда. Фосфорли ўғитлар ҳақида ги саволимга у суперфосфат ишлатиш қисқармоқда, аммофос тобора кўпроқ ишлатилаяпти, чунки тупроқда азот кам, деб жавоб қайтарди.

Бу орада чап ёнимдаги, ўттиз беш ёшлардаги фермер бир неча банка пиво ичгандан кейин суҳбатга қўшилди. — Черненконинг иши қандай? — Ўлди. — Мен атом станциясида ҳалокат юз берган шаҳарни сўраяпман. — Агар Чернобил бўлса, у ерда ҳалокат оқибатларини тугатиш бўйича ишлар бажарилаяпти.

Кечки овқатдан кейин ҳаммамиз ҳовлига чиқдик ва уй бекаси мендан ўзим, оиласи ва ишларим ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Йигирмага яқин киши тўпланди. Улар гапларимнинг ҳар бир маъносига зътибор бериб тинглашди. Бринкел хоним ва бошқа аёллар оиласи ҳаётимизнинг майда-чийдаларигача жуда қизиқишиди. Улар "руслар" оиласи, болалари, катта ёшдагилари ҳам ота-онаси билан яшаши ҳақида, уларнинг ўқиши тўғрисида кўплаб саволлар беришди. Фермерлар эса биздаги тракторлар, комбайнлар қандайлиги, ҳосилдорлик қандай, экиш ҳақида ким қарор қабул қиласи, ким ўради, америка буғдойини сотиб оламизми деган саволларга жавоб олишиди.

Эрталаб биз Беллингсдан Молт деган шаҳарчага йўл олдик. У ерда бизни АҚШ Ғаллакор фермерлари ассоци-

ацияси президенти Бад Лютхолд кутиб олди. Машинадан тушар эканмиз қирқ беш ёшлардаги оғир вазнли, усти боши ҳар хил мой дөгли жинси ва ковбойлар кийими кийган киши билан ҳам сўрашдик. Лютхолд бир-икки фермага кириб чиқиш ва тушликни унинг уйида қилишини таклиф қилди.

Бир оз вақт ўтгандан кейин биз фермер Дейву Келси билан сұхбатлашардик. У фермани отаси билан бирга бошқаради. Дорилфунунда ўқирди, тутата олмади. Қарип қолган отаси чақириб олди. Ҳозир асосий ишларни ўзи бажаради. Ферманинг 1000 гектар ери бор, шундан 640 гектари экинзор. Шудгорнинг ярими тоза шудгорга ажратилиган, 190 гектари кузги буғдой, 16 гектари баҳорги буғдой ва 125 гектарига арпа экилади. Шудгорланмаган ерлар шўрланиб бормоқда, бу ерларга беда экишади. Бундан ташқари хўжаликни тургунроқ тутиш учун 50 бош гўштдор мол боқиласди.

Ўғит ишлатади: сувсиз аммиакни ҳар гектарига 56 кг, экишда ҳар гектарига 20 кг фосфорли кислота сепишади. Гербицидлардан раундап ва 2,4-Д ни кўллашади. Ерни нўлли қайта ишлашга унчалик ҳам шошилмайди. Кузги буғдой бу йили гектарига 20,7 ц, баҳорги буғдой — 24,7 ц, арпа — 33,3 ц ҳосил берди. Кўрдимки, ҳосилдорлик бўйича округда биринчи.

Тўлиқ ишончли бўлиш учун яна нималар етишмайди? — сўрадик биз. Йигит иккиланди ва журъатсизроқ; — Менга Баднинг комбайнидай комбайн керак деди. — Менини отам фойдаланган, ўроғи тўрт метрли эски комбайн. Бадники эса Жондир фирмасиники, тўққиз метрли ўроғи билан.

Алан Нордалда 1200 гектар ер бор, ярими экинзор. Ҳамма қатори буғдойни шудгорга экади. Шудгорнинг чеккасига 100 гектарга арпа экади, анғизнинг 30 гектарига ҳам арпа эккан. Ана шу хўжалик ва 70 бош сигир билан Аланинг ўзи, тоғаси ва күёви шуғулланишади.

Саволларга қирқ ёш атрофида, тишлари сигаретадан сарфайиб кетган, баланд бўйли, мускулли Алан жавоб берди.

Тоғаси мойли камзулида ёнимда жим ўтиради. Кам ҳосил олдик, аслида илғор технологияни кўлласак ҳам шундай бўлди, шудгор кимёлашиб кетди, ўғитларни қаторлаб кўллаймиз, 450 от кучли 180 минг доллар турадиган тракторимиз бор. Буғдойнинг 16 центнер, арпанинг 8

центнер ҳосил берганлигини билиб, нега бунча кам ҳосил олинди деб сўрадик биз. — Чигирткалар еб кетди. — Инсектицидлар қўлламадингизларми? — биз ҳам жим турмадик. — Йўқ. — Жавоби шу бўлди. Мен америкалик-ларга разм солдим: Жонсон шапкасини фижимлай бошлади, Бак соқолини сийпаларди, Бакет эса тиниқ осмонни томоша қиласди. Бад Лютхолд укувсиз фермернинг елкасига қўл ташлади: — Хўп, омон бўл, биз кетдик.

Президентнинг фермаси майдони жиҳатидан қўшни-лариникидан фарқи йўқ экан, 400 гектар шудгор ва яна шунча ғаллазор. Лекин, унинг техникалари янги, ҳамма-си Жондир турида, уруғ омборлари бир ярим минг тоннани қабул қиласди, бу омборларда ғаллани янаги мав-сумгача сақлаш мумкин. Ўзи ишлайди, икки ўғли ёрдам беради, ўғилларининг бири дорилфунун студенти, иккин-чиси ўн беш ёшли ўқувчи.

Тушликни анча тетик, сочларини озода қилиб жинга-лак қилган саксон ёшли онаси тайёрлабди. Онахоннинг ўзи ўн кишига бемалол хизмат қилди. Стол бошида Бад-нинг қария отаси ўтирди. Президентнинг ёнидан унинг бақувват кичик ўғли жой олди. Катта ўғлингизнинг бўйи-басти қандай, — гап ташлади, Милашенко. — У 370 от кучига эга бўлган трактор кабинасига зўрга жойлашади. Бобойнинг жавоби тугар тугамасдан умумий кулги кўта-рилди. Овқатланиш олдидан қария дуо ўқиди. У худодан ўзларининг, жумладан бизларнинг ҳам барча ишларимиз яхши бўлиши учун ёрдамини аямаслигини сўради. Лют-холдларнинг учала авлоди вакиллари ҳам гапдонликда, сұхбатдошлиқда унча чечан эмасди. Чунки уларнинг бу-тун умри далада, трактор ва комбайнда ўтган, ён қўшни-лар эса анча узоқда туришади. Лекин, оиланинг аҳил ва мустаҳкамлиги шундоқ сезилиб туради.

— Агар, сиз фермада ишласангиз, сизнинг ассоциа-циядаги президентлик фаолиятингиз нимадан иборат? — савол туғилди. Мен экишдан ўримгача даладаман. Бўш вақтларда биз олдимиздаги масалаларни муҳокама қила-миз ва ҳукumat учун таклифлар тайёрлаймиз. Ассоциа-ция номидан бу таклифларни мен Вашингтонда муҳока-мага киритаман ва ҳимоя қиласман.

Биллингста қайтишда биз ғаллани сотиш, тарқатиш муаммолари бўйича етук мутахассис Генри Бан билан сұхбатлашдик. У борча масалалар хусусида профессорча-

сига ўта аниқлик ва ҳисоб-китоб билан, айтганларини рақамлар ёрдамида асослаб гапириб берди. Унинг сўзи бўйича фермер учун ғаллани фойдага сотишни уddaлаш ҳосил етиширишдан муҳимроқ.

Фермерлар олдида қаерда ва қачон ғаллани сотиш ташвиши доимий муаммодир. Баъзида ғаллани етишириш даврида ўзаро шартнома асосида сотиш усувлари ҳам учрайди.

Тайёр ғаллани сотиш учун жуда кўп усувлар мавжуд. Масалан, ғаллани маҳаллий ғаллахонага, темир йўлдаги катта ғаллахонага, тўғридан-тўғри портга, маҳаллий тегирмонга ёки ғалла озуқаси билан шуғулланувчи савдо-гарга сотиш мумкин.

Ғаллани сотиш учун бушел-мил, яъни тонна-километр усулини қўллашади. Бир бушел-мил баҳоси қўйидагича ҳисобланади: бир соатлик транспортда ташиш харажатлари 15 доллар (3,65 доллар таъмирлаш учун, 6,35 доллар ёнилғи маҳсулотлари учун ва 5 доллар меҳнат учун), тезлик соатига 50 мил, машинанинг юк кўтариш кучи — 300 бушел (5 тонна атрофида). Бундан келиб чиқадики, бир бушел-мил нархи 0,2 центта тенг.

Фермер, масалан, ғалла ташишни қўйидаги талаблардан келиб чиқиб ҳал қиласди: А ғаллахонасигача 65 мил, таклиф қилинган пул ҳар бушелга 3,82, Б ғаллахонасигача — 20 мил, таклиф қилинган пул эса ҳар бушелга 3,74. Бу ерда фермер ҳар икки ғаллахонага ғалла олиб бориш қанчага тушишни ҳисоблади. Генри ҳам бизга бу масалани ечишимизни топширди. Ҳисоб-китоб натижаси қўйидагича бўлди. А — 3,69 доллардан, Б — 3,70 доллардан. Маълум бўлдики, фермер ўз ғалласини иккинчи ғаллахонага олиб боради.

Бундан кейин фермер ғалласини қачон сотиши масаласи билан шуғулланади. Ғаллани сақлашда ҳар бир бушел учун 4 цент харажат қилинади. Ўрим учун харажат — 3,60 долларни ташкил қилган бўлса, сақлаш харажатларини қоплаш учун у 48 цент қиматроқ бўлиши, яъни 4,08 доллар бўлиши керак. Қарор қабул қилгунча ғалла нархи келгуси ойларда қандай бўлиши кераклигини фермер аниқ билиши лозим. Бу масалада компанияларнинг ўнлаб агентлари шуғулланишади.

Аэропортда Миллер машинани Хертц агентлигига топширди ва биз ўн ўринли самолётда Шимоли-шарқий

Монтанага, Сидней шаҳрига учдик. Парвозимиз Уйелоустон дарёсининг тоғли қирғоқлари бўйлаб ўтди. Бу дарё Валойинг ва Монтана оралиғидаги ушбу дарё билан бир хил номланувчи дунёга машхур Уйелоустун миллий боғи узра ўтиб, штатнинг жануби-ғарбий ва шимоли-шарқий қисмини кесиб Миссури дарёсига қўшилади. Бир соатдан кейин биз маҳаллий тажриба станцияси директори Жерри Бергман билан саломлашдик. У очиқ кўнгилли, қора сочли, эллик ёшлардаги киши эди. Ёнида ўн икки ёшли ўғли. Мен бу станцияда 1977 йили ҳам бўлган эдим. Танишларимни суриштира бошладим. Билдимки, станциянинг олдинги директори Сиддовей вафот этибди, етакчи тупроқшунос Алан Блэк Шимолий Дакотадаги Мендан тажриба станциясида директор бўлиб ишляяпти, тупроқшунос Крисс Аасе хизмат сафарида. Бергманинг ўзи масхар билан шуғулланади.

Станция атрофи ҳам округдай бўм-бўш. Одамлар кетиб қолаяпти. Нефт васвасаси тугади, энди ҳаммаси жойига тушади деди Бергман. — Ўғлим машинани келтиради. Майли сизларнинг ихтиёрингизда бўлсин. Бизнинг ёшгина, нозик ўсмирга ишончсизлик билан қараганимизни сезган Жерри тушунтира кетди. — Йўқ бу эмас, менинг катта ўғлим ҳайдайди, айтгандай эртага у футбол ўйнайди, келинглар стадион меҳмонхонадан узоқ эмас.

— Мен ҳам машина ҳайдайман, — гуур биран гапирди, ўсмир, — фақат гувоҳнома олганим йўқ. Айтиб ўтиш жоиз, бутун Америка аҳолиси машина ҳайдашни билади, ҳайдаганда ҳам бири-бирини ўта ҳурмат қилиб, ҳалақит бермай ҳайдашади. Шунинг учун ҳам АҚШда енгил автомашиналарга ҳайдовчи олишмайди. Вазир, директор, профессор барча-барчаси машинани ўзлари бошқаришади. АҚШ ва Канада сафарларидан кейин менга Москвадаги вазирликлар олдидағи қатор қора рангли хизмат машиналари ичидаги куни билан машина ичидаги ухлайдиган ёки қарта ўйнаб вақт ўтказадиган девқомат йигитларни кўриш ўта кўнгилсиз ва хунук туюлади.

Меҳмонхонада биз ҳар кунига 25 доллар турадиган хона олдик. Бу ерда биздан бошқа меҳмонлар йўқ эди. Эрталаб станция директори тажриба далалари бўйлаб қисқа экскурсия ташкил қилди. Жерри масхар ҳақида жуда зўр иштиёқ билан гапира бошлади. Тан олиш керак, масхар бўйича унинг фаоллиги мақтовга сазовор. Бу мой берага

диган мұхым ўсимлик майдони 100 минг гектардан ошди. Геландай шаҳрига борища бүгдой ва шудгор далалари орасыда вақти-вақти билан сариқ гулли ўсимлик далала-ри — масхарзорлар учраб туради. Бу далалар ҳар гал учраганда директор қувонч билан кулиб м-а-с-х-а-р деб такрорлар эди.

Глендайда Жерри машинани ресторанга бурди. Чунки у ерда мағаллий фермерлар билан учрашув тайинланган. Жим Сквайр қирқ беш ёшлардаги бақувват киши экан. У ранги ўчган жинси кийган ва уни тез-тез күтариб турарди.

У катта панҗалик құлларини чўзиб, келиб чиқиши бразилиялик бўлган қорамагиз хотини билан таништириди.

Танишганимиздан сўнг ҳар қайсимиз ўз таъбимиз ва иштаҳамиз бўйича тавоқчалар ўлчовига ва таом турлари-га қараб буюртма бердик. Столга ўтирганимиздан кейин маълум бўлди, бизларники 8,5, америкаликларники эса 5 доллардан тушибди.

Фермага борища Сквайр шудгорланган дала олдида машинани тұхтатди, даладаги шамол ва сув эрозияси изларини машинадан тушмасдан кўрдик. Сквайр йигирма қадамча юрди, 45 ўлчами этикларининг изи тупроқда аниқ кўриниб турарди. \_ Бу ердан тракторчи камида олти маротаба күлтиватор билан ўтган, бу билан у тупроқнинг шамолда тўзғиши ва сувда тез емирилиши учун ҳамма шароитни яратган. Мана бу чуқур сувли хандақлар яқиндагина бўлиб ўтган ёмғирдан кейин ҳосил бўлган. Менинг даламда бу ҳолни кўрмайсизлар, чунки мен тупроқни қайта ишлашдан воз кечганиман.

Сквайр фермасига борганимизда Стайгер фирмасининг курдатли трактори, чанглаттич ва Милдер фирмасининг улкан, танкка ўшшаб кетадиган сеялкаси кўз олдимизда намоён бўлди. Кўп тоннали сеялка бир қанча: экиш, сувсиз аммиакни тупроққа бериш, донадор ўғитни аралаштириш, пестицидлар сепиш каби жараёнларни бажаради. Қолган ишлар чанглаттич зиммасига. Муаммолар ҳақидаги саволимизга Жим, бегона ўтлар, масалан, ит узум пайдо бўла бошлади, илгари уларга кўзим тушмаганди, деб жавоб берди.

Экин майдони 1000 гектар атрофида, шундан ярмини шудгор эгаллайди. Жим бир ўзи ишлайди. Баъзида унга ўн тўрт ва ўн олти ёшли ўғиллари ёрдам беришади.

— Болалар неча ёшдан бошлаб тракторда ишлай бошлишаради?

— Ўн бир — ўн икки ёшлардан.

Жим уйида шахсий компьютердан қандай фойдаланиши намойиш қилди. Унда йигирмадан зиёд компьютер дастури бор экан. Олдимиизда дастурлардан иккитаси билан ишлади.

Шартли сўзлар орқали у Грейт Фоллсдаги марказ билан алоқа боғлади. Экранда жавоб сўзлари пайдо бўлди: — Салом, Жим, хуш келибсиз. Бугун 1986 йил август ойининг 30-инчи куни. Сен 94 маротаба мурожаат қилдинг, охиргиси 28.08.1986 йил соат 21<sup>41</sup> да. Шундан сўнг Портландаги фалла баҳолари ҳақида аҳборотлар ва декабр оидаги прогнозлар пайдо бўлди. Охирида эса тавсия ва таклифлар: биз сенга фалла бозорига ҳозир чиқмаслигингни тавсия қиласмиш. Сўнгра чет элларда фалла сотиши: Тайванда, Бразилияда, Португалияда, Канадада дон ҳосили ва ҳоказолар ҳақида аҳборот берилди.

Иккинчи дастурда фермернинг ҳар бир ой бўйича амалга оширган даромадлари ва таҳлили, маълумотлари бор эди. Масалан, буғдой сотищдан тушган фойда 56097 доллар, арпадан — 2529 доллар, давлат дастуридаги иштироки учун кўшимча тўлов 34416 доллар, сақлаш учун — 2632 доллар, кўшнисида ишлашдан — 1720 доллар, нималарнидир сотгани учун — 4070 доллар.

Ўзига ойлик маошни январ ойидан бошлаб 2291 доллар 67 цент қилиб белгилади. Уруғга харажат — 4412 доллар, ўғитга — 3976 доллар, ёлланма ишчи учун — 129 доллар 44 цент, хайр-эҳсон ва ўйин кулги ишларига — йўқ, меҳмонхона ва сафарга — 1064 доллар, билим олиш учун — 193 доллар, телефонга 285 доллар ва ҳоказо. Май ойининг охирида даромади — 110586 доллар 61 цент, харажати 100462,0 доллар. Фойда харажатлардан — 10124 доллар 61 цент кўп. Бундан ташқари ҳисоб китобни ўзи олиб боради. Харажатларда ёлланма ҳисобчига январда — 950 ва март ойида 55 доллар тўлагани кўрсатилган. Кўплаб фермерлар шахсий компьютердан фойдаланишадими? Жим бу соҳадаги кўрсаткич 10-12% эканлигини айтди.

Якшанба куни эрталаб директор бизга хотини ва ўғиларини таништириди. Қаҳва ичдик, харитада Москва, Омск ва Шўртанни белгиладик, расмга тушик. Жерри учает-

ган тарелкага отиш бўйича округ чемпионатидан олган дипломини кўрсатди ва менга ўзи тўқиган буюм совфа қилди, бизлар ҳам унга совфа қолдирдик. У бизни ўз машинасида Шимолий Дакотадаги Виллистон шаҳрининг “Эл Ранчо” меҳмонхонаси гача олиб бориб қўйди.

## ШИМОЛИЙ ДАКОТА

“Эл Ранчо”га маҳаллий тажриба станцияси директори Эрни Френч келди. У Виллистон атрофидан Миссури дарёсига қараб сафарга чиқишин таклиф қилди. Шаҳарнинг чиқиши чегарасидан бошлаб, йўл ёқасида пишиб етилган буғдойзорларни кўрдик. Бизга маълум бўлдики, Шимолий Дакота 1985 йили баҳорги юмшоқ буғдой (миллий ишлаб чиқаришнинг 44 фоизи), қаттиқ буғдой (85%), арпа (31%), зигир (72%) ва кунгабоқар (70%) етиштириш бўйича мамлакатда биринчи ўринни эгаллади.

Бу ердаги тупроқ-иқлим шароитлари Монтанага қаратанды анча қулай. Энг яхши ерлар штатнинг шимоли-марказий ва шарқий қисмида жойлашган. Виллистонда, Шимолий Дакотанинг шимолий гарбидаги тупроқлар қора тупроқли ерлар ҳудудига киради. Бу ерда ҳам буғдойзорлар даласи тоза шудгор дала билан алмашив боради. Биз бир неча савол билан мурожаат қилдик:

- Баҳорги буғдойни экишни қачон бошлайсизлар?
- Апрелнинг бошларида.
- Қачон тутгатасизлар?
- Майнинг охирида.
- Баҳорги буғдойнинг ўрим-йигим мулдати қанча?
- Ўрим августнинг бошларида бошланади ва одатда сентябрнинг ўрталарида тугайди. Баъзида ўзгаришлар ҳам бўлади. Ўтган йили ёмғир кўп бўлганлигидан ўрим октябргача чўзилди. Ҳосилнинг бир қисмини қор ёғанидан кейин йигиб олдик.

— Эрталаб тажриба станциясига Шимолий Дакота буғдойчилик ҳайъатига ВНЭ микроавтобусида бордик. Машинани шу ҳайъат ишчиси Майк Жоунс бошқарди. Америкаликларнинг тажриба станцияси дегани тажриба даласи экан. Бу ерда директор ва у билан бирга яна олти киши ишлашади. Тажриба станциясининг 256 гектар ери бор, яна 194 гектар экинзор. Дириектор, илмий ходим ва

аграном дуккақли дон экинлари — масхар, кунгабоқар, маккажұхориларнинг навини синаш ва ғалла экинлари уруғчилиги, ерга ишлов бериш усуллари билан шуғулла-нишади. Станция ҳисобида түрттә тажриба базаси бўлиб, Округ Ассоциацияси билан биргаликда, дала экин тизи-мини мукаммаллаштириш, нав синаш ишларини бажа-ради. Бу ишларга округ агентлари ва фермерлар ҳам қат-нашади.

— Охириги икки йил қурғоқчил келди, — дейди стан-цияда йигирма йилдан кўп ишлаган, оппоқ сочли Эрни Френч. — Ўртача кўп йиллик ёғин миқдори 350 мм, ўтган қишлоқ хўжалик йилида фақат 300 мм ёғин тушди.

Мен ёзги ёғин миқдори ҳақида маълумот беришини сўрадим. Мана натижалари: май — 35 мм, июн — 27 мм, июл — 37 мм, август — 62 мм. Бу ёғиннинг тақсимланиши бизнинг кўриқ районларимиздагига ўхшайди. Шунинг билан бирга ҳаво ҳарорати ҳам унча юқори бўлмади ва ойлар бўйича: май — 15,5, июн — 15,5, июл — 22,2 гра-дусни ташкил қилди.

Хўш, ғалла экинлари ҳосили қандай? Кейинги икки йилда ўртача ҳисобда шудгордан баҳорги буғдой ҳосил-дорлиги гектарига — 20 ц, арпа — 33,3 ц. Ангизга ғалла ўрнига ғалла экишдан буғдой гектарига — 12,4 ц, арпа — 19,1 ц. Хулоса шулки, Монтанада ҳам Шимолий Дакота-да ҳам об-ҳаво шароити бизнекига ўхшашиб, ҳосилдорлик даражаси ҳам бизницидай.

Станцияда одатдаги шудгор ва кимё асосидаги шуд-гор синаб кўрилаяпти. Аниқландикси, кузги буғдойнинг яшовчанлиги кимёли шудгорда бирданига амалга ошади. Шунинг учун ҳам бундай шудгорларда кузги буғдой ҳосил-дорлиги анча юқори (совуққа чидамсиз навлар бундан мустасно).

Виллистонда Шимолий Дакота ғалакор-фермерлар Ассоциацияси президенти Пит Нигяд, унинг рафиқаси ва тажриба станциясининг ходимлари билан тушилик қил-дик. Басавлат, соддадил Эрни Френч ва семизликда ун-дан қолишмайдиган аграном Нил Ривелэнд ёнида пол-вонсифат, ўрта бўйли, ўтирганларга нисбатан олганда келбати олимларга ўшаган киши бор эди. Буғдойчилик президенти лавозимига тайинланган фермер худди шу киши бўлиб чиқди. Ҳисоб-китобни биз учун ҳам Эрне тўлади, биз унга рус аёли кўтирчогини совға қилдик. Майк

Жоунс автобусини жанубга ҳайдади ва ярим соатдан кейин президент фермасида тұхтатди.

Пит Нигярд фермерлар сулоласидан зди. Унинг отаси фермерликни 1930 йили бошлаган. Пит ота-боболари ишлатган техникаларни йигиб очиқ ҳавода музей ташкил қылды. Унинг ўзи 1974 йили ферма әгаси бўлди, ҳозир унда 4 минг гектар ер бор, шулардан 3200 гектари экинзор.

— Менинг отам, — ҳикоя қиласи Нигярд, — қирқинчи йилларда ерни Ноблов юза қирқар плуги билан окрутда биринчи бўлиб ишлаган, мен эса мана саккиз йилдирки ерни умуман қайта ишламайман.

Фермер ерни фақатгина эрозиядан муҳофаза қилиш учунгина эмас, балки шудгор майдонини қисқартыриши учун ҳам қайта ишламайди. У ишонадики, анғизда-тупроқда ўтган йилги сомон ва чим қолдиқлари бўлган майдонда қор яхши тўпланади ва нам яхши сақланади. У курсоқчил зонада фақат шудгорга экин экишдан биринчи бўлиб воз кечган дастлабки фермер зди. Ҳар йили у умумий майдоннинг тўртдан бир қисмини шудгорга ажратади. Бу шудгорга кузги буғдой ва озроқ баҳорги буғдой экади. Баҳорги буғдой ва арпанинг қолганини қайта ишланмаган анғизга (ўтган йилги ҳосил жойига) экади.

Улкан майдонда Пит бизга 450 от кучига эга бўлган, баҳоси 180 минг долларлик оғир фиддиракли “Биг-Бад” тракторини ва оғирликда ундан қолишмайдиган, анғизга уруғ экадиган “Илдер” сеялкасини кўрсатди. Бу сеялкани биз Монтанадаги Жим Сквайр фермасида кўрган эдик. Бу модел эса кучлироқ бўлиб, қамрови 6 метр зди. Оғирлиги 4,5 тонна ва қўшимча бир неча тонна уруғ ва ўғитни олади.

— Асфалтга ҳам экиши мумкин, — ишонч билан гапирди фермер. Ишлаб чиқариши унчалик юқори эмас, соатига 5,6 гектар, лекин ерни қайта ишлашга ҳожат йўқ. Кечаю кундуз ишлаб уч ҳафтада экиб бўламиз.

Шудгорга у оддий сеялка билан экади. Бунинг учун 225 от кучилик “Стайгер” маркали трактор бор. Тўққиз метрлик ўроғи бўлган комбайн. Омборчиси бор, икки ишчи доимий, ўрим учун бешта комбайнчини комбайнни билан ёллайди. Иккита юкни ўзи афдарадиган машинаси бор, бири беш тонна, иккинчиси 15 тонна юк кўтаради. Фалла қуритгич, шамоллатиш механизми бор 5 минг тонна сифадиган фаллахона қурилган. Шудгор бўлмаган ер-

ларга гектариға 60 кг азот, 20 кг дан фосфор ва калий беради. Күзги буғдой ҳосилдорлиги шудгорда гектаридан 19 центнер бўлгани ҳолда бевосита анфизга экилган баҳорги буғдойдан — гектаридан 26,0 центнер, арпадан эса 40 центнер ҳосил олди.

Пит Нигяднинг ишилари ҳайрон қоларлик даражада диққатга сазовор. Менинг фикримча у ўз қўшниларидан анча илгарилаб кетди. Бундай ишлар ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди ва ҳар ким ҳам ундагидек қиммат-баҳо техникани сотиб ололмайди. Бу ҳақдаги статистик маълумотлар куйидагича: Шимолий Дакотада ўртача фермер 400 гектар ерга эга, шундан ярми шудгор. Америкача бизнес механизми аниқ ишлайди. Йирик фермернинг янги қиммат техникага капитал қўйиш маблағларига катта имкониятлари бор. У бунга мажбур.

Масала фақат нимага қўйишда. Пит Нигяд маблағни ерни энг кам ишлайдиган техникага қўйди ва бундан ҳозирча кўнгли тўқ. Ҳозирча дейишимнинг боиси бу муаммонинг ҳамма томонлари ҳам ҳали яхши ўрганилмаган, ишлаб чиқариш шароитида синалмаган.

Майк Жоунс машинани жанубга ҳайдади ва биз Диксон шахрининг “Хоспитэлити ипп” меҳмонхонасида ту nab, эрталаб 20 мил узоқликдаги маҳаллий тажриба станциясига жўнадик. Етиб келганимизда станцияда ҳеч кимни тополмадик. Майк билан Давид ўн беш минутлик сўраб-суриштиришдан кейин, бизни бошқа жойда шаҳар яқинидаги тажриба даласида кутишаётганлигини аниқлади. Тасаввур қила олмайман. Бордию бизда бир гуруҳ чет элликлар бошловчилари билан учрашув жойини икки соат излашса. Бундан кейин нималар бўлиши ҳаммамизга маълум.

Ниҳоят учрашув юз берди. Суҳбатни тажриба станциясининг директори, ёши анчага бориб қолган кўнгилчан Том Конлон бошлади. У табрик сўзини қишлоқ хўжалик фанлари соҳасидаги ўзаро тажриба алмашиб, иккала давлат ўртасидаги илмий алоқаларни мустаҳкамлайди, — деб бошлаб Вавилов, Докучаевлар номини тилга олди, Россиядан келтирилган эркак ўт, волоснец, жавдар ва просалар ҳақида гапирди. — Сизлар чорвадор мамлакатга келдингиз, — давом этди Том Конлон, — Шимолий Дакотада 5,2 миллион гектар табиий ва 400 минг гектар экма (асосан эркак ўт ва қисман волоснец) яйловлар мавжуд. Шунинг учун ҳам иккита илмий ходим озуқа ишлаб чиқариш муз

аммолари билан шуғулланишади. Мен эса ерга ишлов бериш бўйича дала тажрибалари билан шуғулланаман.

Ёмғир ёғаётгани учун биз тажриба станцияси далаларини машинада айландик. Фикримизча бу битта дала бўлиб, майдони 280 гектар экан. Бу даладаги маккажўхорининг 85 кунда етиладиган эртапишар дурагай нави дон учун экилар экан.

Тажриба станциясидан кейин бизни ўрта ёщдаги фермер Арт Риддл кутиб олди. Унинг отаси богомялик. Арт Риддл билан рафиқаси Дороти ва икки ўғли Арт ва Курт бирга эди. Ўғиллари 16 ва 18 ёнда. Учинчи — катта ўғли уйланган. Ўзининг фермаси бор. Артнинг фикрича бу жойларда кўп тармоқли хўжалик юритиш якка тармоқга нисбатан афзалроқ. Отаси 1927 йилда сут-товар фермаси ташкил қилди. Арт бу ишни 1969 йилгача давом эттирди. Ҳозир у деҳқончилик билан шуғулланади.

Унинг фермаси далаларида 720 гектар буғдой, 200 гектар арпа, 120 гектар сули, 240 гектар кунгабоқар, 160 гектар маккажўхори, 140 гектар беда эркак ўт билан экилади. Бундан ташқари, 160 гектар шудгор ва 88 гектар табиий пичанзор бор. Қишига 160—180 килограммлик, 1000 бош хўқизча сотиб олиб, вазни 300—320 килограммга етганда сотади. Хўқизчаларнинг кунлик вазн ўсиши 906 г. У асосан ўғиллари билан ишлайди.

Тушлик маҳаллий банк ҳисобидан бўлди. Эсадалик учун молия ходимлари билан расмга тушдик ва Шимолий Докота буғдой ҳайъати идораси жойлашган Бисмарк шаҳрига йўл олдик.

Майк Жоунс бизни бошлиғи жаноб Майер билан танишитирди. Олдимиизда ҳам фермер, ҳам тажриба станциясининг директори турарди (бу киши ҳақида олдинроқ эслатгандик). У ташқи кўриниши жиҳатидан бошқа фермерлардан фарқи йўқ, оқ кўйлак, бўз костюм кийган, сийрак соchlарини текис тараган, кўзлари тугмадек қора, чараЬлаб турибди.

Жаноб Майер сўзи бўйича комиссиянинг вазифаси буғдойни экспорт қилиш учун имкони борича қулагай шароит яратиб бришдан иборат. — Бу йилги аҳвол енгил эмас, — давом этди у. — Худога шукурки, буғдой етиштириш ўтган йилга нисбатан 4,6 миллион тоннага, 1982 йилга нисбатан 10,3 миллион тоннага камайди. Лекин, 1982 йили 47,8 миллион тоннани сотишнинг улдасидан

чиқдик, бу йили эса фақат 24,3 миллион тонна сотдик. Шундай қилиб, мисли кўрилмаган миқдорда — 51 миллион тонна дон тўпланиб қолди. Шимолий Дакотада тўпланиб қолган дон — 3,7 миллион тонна

— Нима учун ҳар хил дастурлар бўлишига қарамасдан фалла ишлаб чиқаришни камайтиришнинг иложи йўқ?

— Биласизми, ҳар бир янги дастур фақат бир йил ишлайти, шу йили ҳам кутилган натижаларни бермайди. Фермерлар дастурга жуда тез мослашадилар, энг ёмон ерларини фойдаланишдан чиқариб, хукумат дастурига қўшилган бўладилар, қолган ҳолларда ҳосилдорликни кўтариб юборадилар, буғдой экиш майдонларини тиклаб борадилар. 1983 йили Шимолий Дакотада ПИК дастури бўйича буғдой экиш 4,3 миллион гектардан 3 миллион гектарга қисқарди, лекин келгуси йил ярим миллион гектар қўшилди.

Биз жаноб Мейерни ўз муаммолари билан бирга қолдириб, Хертц фирмасидан ҳар жиҳатдан қулай бўлган олдсмобилда йўлга тушдик. Бу машинада Жанубий Дакота ва Небраскадан ўтишимиз керак. Рулга таржимонимиз Давид Миллер ўтирида, машинани тўғри жанубга, 83 сонли йўл билан Пирр шаҳрига — Жанубий Дакотанинг пойтахти томон ҳайдади. Биссмаркда биз Миссури дарёсини икки марта кесиб ўтдик. Энди у катта йўлнинг чап томонида қолди.

## ЖАНУБИЙ ДАКОТА

Шимолий Дакотадан узоқлашганимиз сари баҳорги буғдой майдонлари сийраклашиб борарди. Кунгабоқар экилган далалар улуши ҳам сезиларли камайиб, маккажӯхори пайкаллари бошланди. Кузги буғдой ўриб олинган анғизларда ерга тўкилган дондан униб чиқсан қалин майсалар, Америка комбайнлари ҳам кўплаб дон нобудгарчилигига йўл қўйишидан далолат бериб турарди. Майдонларнинг катта қисмida бошоқли экинлар сомони ўрим-ийғим пайтида сочилиб кетсада, ҳар бирининг оғирлиги ярим тонна келадиган исканжаланган сомон ўрамлари ҳам кўзга ташланади. Ўрамларнинг айримлари экин экиладиган жойларда қолдирилган. Америкаликлар бундай ўрамларда дағал хашаклар ҳар қандай об-ҳаво шаро-

итида узок сақланишини ҳисобга олгани ҳолда, пичан ва сомон ўрим-ийғимининг шу таҳлид технологиясини афзал кўришади.

Ён атрофда ёввойи ўрдаклар билан тўлиб-тошган табиий сув ҳавзалари тез-тез кўзга ташлана бошлади. Н.З. Милошенко айтидан ашшаддий овчилардан бўлса керак, ўтирган жойида жим туролмасдан “Ў-ў, ўрдакларга қаранглар, ўрдакларга!” — дея қичқириб юборди.

Миллер машина тезлигини соатига 55 милдан оширмагани ҳолда, бошқариб борди ва тўрут соатлардан кейин олдсмобил Пирр шаҳрининг кўчаларидан бирида пайдо бўлди. Фарангларнинг Пьер исми билан аталувчи, штат марказидан овлоқ бир манзилда жойлашган шаҳар номи америкаликлар талаффузида шундай жаранглайди.

Номи улуғвор бўлишига қарамасдан, “Қиролизода” мотелида (меҳмонхонасида) биздан ҳар бир кечакундуз учун 36 доллардан пул олиши. Ресторан ҳожатхонаси эшикларига “Қирол учун” ва “Қиролича учун” — деган баландпарвоз сўзлар ёзилган таҳтача илинганини ҳисобга олмаганда, мотелда ўзига хос ҳолда ажралиб турадиган ҳеч бир нарса деярлик кўзга ташланмасди.

3 сентябр куни эрта билан Жанубий Дакота буғдойчилик ҳайъатининг ижрочи директори, ковбойлар кўринишидаги, ўрта ёшли Бен Хендкок келди. Машина рулида штатнинг қишлоқ хўжалик Вазирлиги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўлими зобити Ренди Инглунд эди. Бен бизга ҳайъат нишони ва “Жанубий Дакота”, деб ёзилган йирик тўғали камарларни топширас экан, биз ҳозир Блюмхард исмли фермернига борамиз, деб кўшиб кўйди.

Ренди йўл бўйлаб Майло Шанценбах фермасига қайрилди. Кўшимча хизмат вазифаси бўйича, унинг буғдойчилик ҳайъатининг вице-раиси эканлигини бизга маълум қилишди. Фахрий вице-раис буғдой ассоциациясининг чет эл агентлигига ҳам ишлаган экан.

Ўтган йили унинг фермасида Волгаград вилоятидан келган Анатолий исмли рус йигити иш ўрганган экан. Кўпчилик фермерлар ўзларининг фермаларида рус йигитларининг меҳнат қилишларини жуда-жуда хоҳлашадилар. Унинг устидан ҳам, кўрик-танловига ўхшаш бир тортишув келиб чиқди.

— Йигит бизга жуда ёқиб қолди, — дея давом эттирди Шанценбах.

— У техникани жуда тез ўзлаштириб олди, инглиз ти-лида гаплашишни ҳам ўрганди. Гарчи, Анатолий бу ҳақда сўз очмаган бўлсада, биз унинг ўз уйини, Россияни жуда соғинганини дилдан ҳис этардик.

Мен Американинг чекка бир жойидаги фермердан бир шўро йигити ҳақидаги илиқ сўзларни тинглар эканман, ўзимча хаёлга толдим. Бизда эса АҚШнинг шўроларга қарши тарғибот қилиши ҳақида кўплаб гапириларди, яъни гўё америкаликларни шўроларга нисбатан кўролмаслик руҳида тарбиялашади.

Мен ўнлаб америкаликлар билан юзма-юз бўлар эканман, ҳеч қачон бу каби нафрат белгиларини учратмадим. Айни пайтда мен 1975 йилда ҳам, 1986 йилда ҳам улар муносабатидаги фарқни сезмадим. Улар бизларни қандайдир ғалати одамлар сифатидагина қабул қилишади, кўра олмаслик ҳиссисдан эса ному нишона йўқ.

Фермер Вилберт Блюм Хард ўзи ихтиро қилган култиватор-сейлка олдида бизни кутиб тураг эди. Кўк куйлак ва кўк жинси кийган, ўрта ёшлардаги, бақувват бу киши ўз ютуғидан фахр тўйғуси билан турарди. Шу лаҳзада телевидение ходимлари ҳам етиб келишди. Яқиндагина ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг ер жуда намиққан эди. Шунга қарамасдан тракторни бошқараётган фермернинг ўғли анғиз бўйлаб сейлкани енгил тортиб кетди. Фермер култиватор панжалари олдига кескин энгашиб ўтириди ва унга ёпишган лойларни тозалаб, уруғ ва суюлтирилмаган аммиакнинг қаерга тушаётганлигини бизга кўрсатди.

— “Мен ҳамма вақтда ерга нул даражали ишлов беришни орзу қиласр эдим, мана ниҳоят орзуимга эришим!” — бу унинг ҳаяжонли сўзлари эди.

— Ерга ҳалиям шудгорлаш орқали ишлов берадиганлар кўпми?

— Ҳа, ҳозир ҳам шундайлар бор. Ҳайдашади, ҳатто қияламасига ҳам. Бу ерларда тупроқ у қадар унимдор эмас, шу сабабли барча чўкиртак поялар ва сомонни қолдириш ҳисобидан унинг унимдорлигини ошираман. Менинг дадламдаги дон ҳосили ҳам кўшниларни киға қараганда ҳамма вақт 5-6 центнерга юқори бўлади.

Мен фермердан немис тилида сўрадим:

— Бу атрофда фақат немисларга кўзим тушаяпти, сиз — русий немис эмасмисиз?

— Бизларни бу ерда русий немислар ҳам, немис руслари ҳам деб аташади. Менинг отам аслида Одессадан келган.

Күп ўтмай биз ким ошди савдоси ўтказиладиган жойдаги қаұвахонада нонушта қылдик. Гарчи, ҳеч ким бу ҳақда сүз очмаган бўлсада, Блюмхард аввал-бошданоқ ҳамма учун тўлашга чўнтагининг курби етмаслигини айтди. Аммо, нонуштага Бен Хендкок бамайлихотир ҳақ тўлаганинги олдиндан айтиб кўяй.

Нонуштадан кейин, ерга нул баробар ишлов бериш Ассоциацияси Президенти Рик Хайнцманнинг хузурита ташриф буюрдик. Президент ўрта ёшлардаги, бақувват фермер экан. У турли хил жадвалларни намойиш қилиш баробарида, ерга нул баробар ишлов беришнинг афзаликлариға бизни зўр бериб ишонтиришга киришди. У 1985 йил ўсимликларнинг ўсиши даврида бор-йўғи 200 мм ёгин ёқсанлигини, авваллари бундай шароитда унинг отаси ҳар гектар ердан 5—6 центнер кузги буғдой йигиб олганлигини такидлади. Ўзи эса ўтган йилги ҳосил мавсумида 40 центнердан хирмон кўтарган, ерни ҳайдаб ишлов беришдан воз кечганлигидан курсанд.

Тупроқшуносликнинг янги концепциясига отангизнинг муносабати қандай, деб сўраганимизда, отам барibir ҳам янгиликни маъқулламаяпти, дея тан олди Рик.

Кечки пайт буғдойчилик ҳайъати Пирр шаҳрида но-расмий қабул ташкил қилди ва унда Жанубий Дакота штати қишлоқ хўжалик Вазири Марвис Флорис иштирок этди. Вазир Блюмхард фермасига қилинган ташриф ҳақидаги сўзимизни тинглаб, кутилмаган савол берди: “Сиз Америка фермерига нималарни маслаҳат қилган бўлар-дингиз?”. Бу саволга Н. З. Милошенко жавоб берди: “Биз Америка фермери тупроқ емирилишига қарши янада яхшироқ курашишини тилаймиз”.

Дон етиштиришни жадаллаш дастури ҳақидаги ахборотимизни эшитган вазир, бизни одатдан ташқари саволга тутди: “Давлат хўжалиги директори ва хўжалик механизатори маоши ўртасида қандай фарқ бор?”

Юқори малакали механизатор директордан ҳам кўпроқ маош олишини эшитган вазир ҳайрат билан сўради: “Бўлмаса, ким сизларда директор бўлиб ишлашга розилик беради?”

Бирнече бутерброд ва бир пиёладан қаҳва билан сийланган қабулдан сүнг, вазир бизларни шаҳарда ижарага турган хонасига таклиф этди. Пирр шаҳридан 100 мил нарида жойлашган ва ҳозир бир ишчи ишлаётган ранчоси ҳақида сўзлаб берди. — Ўзим ҳам шанба ва якшанба кунлари тинмай тер тўкаман. Қадоқ қўлларимга бир қаранг, — дея қўлларини узатди вазир, — 400 гектардан буғдой ва шудгор, 1200 гектар яйлов ва 300 бош молга эзалик қиласман. Менинг ранчом орқали тўрт мил узунликда йўл ётқизиши, ер эвазига пул олдим, йўл четидаги ариқ бўйларига беда экдим ва ҳозир 325 боғдан пичан ўтиб олаяпман.

Вазирнинг хотини бизни дастурхонга таклиф қиласар экан, тарвуз ва қовундан татиб кўришимизни сўради, аммо улар унчалик ҳам мазали эмас экан. Марвис Флорикс саволга тутишда давом этди. Бизнинг ҳар бир жавобимиз уни ҳайратлантиргани учун ҳам кутилмаган пайтда янги янги саволлар берар эди.

Бизни мотелга кузатар экан: “Пирр жиноятчиликдан анча ҳоли бўлган америка шаҳарларидан бири, бу хилватгоҳдаги шаҳар аҳолиси ўзи уйларининг эшикларига қулф солишмайди”, — дея қўшиб кўйди вазир. Кейин у барibir ҳам, аниқлик киритишни лозим топди: “Истисносиз қоиданинг ўзи бўлмайди. Мана яқиндагина марихуанна етиштираётган йигитни тутиши — менинг ранчомдан 1 мил нарида содир бўлганлигини тасаввур қилишингиз мумкин”.

Эрталаб бизга Миссисури қирғоклари бўйлаб чўзилган, майдони 4800 гектар келадиган, суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланувчи йирик фермани кўрсатишиди. Унинг асосий экин тури — маккажўхори. Шунингдек, соя, ловия ва картошка ҳам етиштирилади.

Фермада йигирма чоғли ишчи, бошқарувчи, маслаҳатчи-аграном фаолият кўрсатади. Суғориш 89 та ёмғирлатувчи қурилмада амалга оширилади. Урим-йигимда комбайнлари бўлган пудратчи комбайнлар жалб қилинади.

Ишлаб чиқариш кўлами жуда йирик: фақатгина электр харажатларининг ўзи ойига 200 минг долларни ташкил қиласади. Ферманинг соҳиби бўлмаганлиги туфайли, у ҳақда бошқарувчи Тим Бредли ҳикоя қилиб берди.

Нонуштадан кейин, биз ўзимизнинг олдсмобилимизга ўтириб, жануб томонга қараб қўзғалдик ва бир соатдан

кейин Мурдо шаҳрига етиб келдик. У ерда бизни маҳаллий фермер, буғдойчилик ҳайъати аъзоси, қадди-қомати билан машхур оғир вазнли полвон — Жаботинскийни эслатадиган Боб Вилсон кутиб олди. Биз унинг даласи бўйлаб борар эканмиз, маккажӯхорининг кўз олдимиздан йўқолганига эътиборни қаратдик. Вилсоннида кўпроқ ушланиб қолмасликка қарор қиллик, бир пас қаҳва ичиб, қоврилган жўжа тановвул қилдик. Минераллардан намуна тўплаб ўтирган Бобнинг хотини билан танишганимиздан кейин, хайрлашиб йўлга чиқдик. Чунки олдимизда узундан-узоқ йўл — Небраска штатидаги Норт Платт шаҳрига элтувчи жанубий 83 йўл бўйлаб, 200 миллион масофа кутиб турган эди.

## НЕБРАСКА

Норт Платте шаҳрида маҳаллий тажриба станцияси илмий ходими Боб Кляйн бизни Небраска штати зироатчилигининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди. Америкаликларни мен уларнинг ўзларининг таомили бўйича атамоқчиман. Америкада инсон исмини тўлалигича атамаслик урф бўлган.

Небраска штатида шарқдан ғарбга қараб қурғоқчилик ортиб боради. Шарқда йиллик ёгин-сочин миқдори 600—800 мм бўлса, ғарбда бу кўрсаткич 350—400 мм атрофилади. Нот Платт штатнинг қоқ марказидан ўрин олган шаҳар. Ёғингарчилик миқдори 450 мм бўлган бу жойларда буғдой шудгор қилиниб бир йил дам берилган майдонларда этиштирилади.

Боб Кляйннинг ҳикоя қилишича, зироатчиликнинг янги тизимига биноан, уни экологик ёки экозироатчилик деб номлашади. У ерга ишлов беришдан бутунлай воз кечган ҳолда, бегона ўтларни гербициздлар билан йўқ қилишга асосланган. Бунда кузги буғдой ва жўхори жуфтлиги, уч далали алмашлаб экиш имконияти туғилади. Кузги буғдойни ўриб-йиғиб олгандан кейин, июл ойидан келаси йилнинг май ойигача ерга дам берилади. Эко зироатчилик тарафдорларининг диққати асосан шу даврга қаратилган бўлади.

Кузги буғдой ўриб-йиғиб олингандан кейин, анъана-вий тизим бўйича бугун куз даврида ерга юзаки ишлов

бериш амалга оширилади. Бу ишлар келгуси йилнинг кузги буғдойини эккунинг қадар давом эттириларди. Энди эса буғдойни ўриб-йигиб олишганидан кейин далага гербциidlар билан ишлов берилиб, баҳорда ерга азотли ўғитлар солинади ҳамда талабга қараб жўхори экилгунинг қадар ва экилганидан кейин яна гербциidlар қўлланади. Ерни тайёрлашнинг бундай тизимини экошудгор деб аташади. Экошудгор тупроқни емирилишдан сақлаш муаммоларини тўла ҳал этиш имконини беради, қор тўпланишини яхшилайди ва энг мұҳими тупроқ намлигининг йўқолишини кескин камайтиради, — дея таъкидлари Боб Кляйн.

— Маълумки қодатдаги шудгорлаш технологиясида атмосфера ёғинларининг тупроқда тўпланиш коэффициенти 25 фоизга тенг, экошудгор тизимида эса уни 40—60 фоизга кўтариш мумкин.

Бунга тула ишонч ҳосил қилишимиз учун, американлик олим бизни далага бошлади. Норт Платтадан ғарб томонга қараб, бир соатлар чамаси юрганимиздан кейин, Боб Кляйн машинани дала йўлида тўхтатди. Йўлнинг бир томонида чўкиртак поялар ва сомон қолдиқлари билан қопланган шудгор йўлаклари ястаниб ётса, иккинчи томонда бирор дона ҳам хас учрамайдиган қорайган майдон кўзга ташланарди. Чўкиртак пояли бўлакда унинг тажриба даласи эканлигидан далолат берувчи ёзув тахтакачи қадалган эди. Боб орқа-ўнгига қарамасдан, кумли тупроқ бўйлаб йигирма қадамлар ташлади. Унинг кўлида ингичка сим шаклида ясалган металл таёқча пайдо бўлди. Биз Бобнинг орқасидан етиб боргунимизча, у кўлидаги таёқчани шарсимон дастасигача тупроққа тиқишига улгурди. Ялтироқ қора дастакдан кўз ўзмас экан, учларида юмалоқ шар билан ишланган таёқчанинг нам тупроққа енгил суқилиш сабабини тушинтириб берди. Сомон остига бурканган тупроқнинг нами бир метр чуқурликкача етади. Шундан сўнг, Боб йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиб, қорайган шудгорга таёқчани ботиришга ҳаракат қилиб кўрди. Таёқчани зўрга 20—30 сантиметрга ботира олган Боб, бўйи икки метр келадиган Давид Миллерни ёрдамга чақирди. Лекин Давид ҳам таёқчани ундан чуқурроқ ботира олмади. Гарчи, ҳаммаси ойдиндай бўлсада, нима учундир бу усул Небраска фермерлари томонидан жуда секинлик билан ўзлаштирилмоқда. Бунинг сабабларини мен 1986 йил феврал ойида бўлиб ўтган эко-

дәхқончилик бүйича конференция мақолалари ва чиқишлиари түплемидан билиб олдим.

Конференцияда Боб Кляйннинг ўзи раислик қилган эди.

Жория хизмати муҳандиси Смит экин майдонларида сомоннинг бир текис тақсимланмаганлиги билан боғлиқ бўлган муаммолар тўғрисида гапирди. Гап шундаки, ҳозирги замон комбайнлари фаллани 8-10 метр кенгликда ўради ва ўз орқасида кенглиги икки метр ҳам чиқмайдиган гарамларни қолдириб кетади. Буғдои ҳосилдорлиги гектаридан 27 центнер бўлганида, ҳар бир гектар ерда 13 тонна сомон йўлка бўлиб уюлиб қолади.

Бунинг оқибатида, қуйидаги муаммолар келиб чиқади: бегона ўтлар уруғи ва тўкилган донлар бир жойга тўплашиб қолади, гербицидлар унда ушланиб қолади, сомон уюми остида касалликлар қўзғатувчилар ва зараркунандалар йифлади, ишлаб чиқариш воситалари ҳаракати ёмонлашади, сеялкалар вазни мажбурий оширилади, уруғ тупроққа ёмон аралашади ва бошқалар. Шу сабабдан ҳам фирмалар сомон ва хасларни бир текисда тақсимлаб сочадиган махсус мосламалар ишлаб чиқаришди.

Гербицидларни қўллаш қоидаси билан боғлиқ қўплаб муаммолар мавжуд. Тижорат аппликатори Ваддел “Мен экошудгорни қўллашга уриниб кўрдим, лекин у иш бермаяпти”, — дея гапираётган фермерларни учратганлигини сўзлади.

Баъзи фермаларда унинг нима учун қўл келмаётганлиги сабаблари Ведделнинг фикрича қуйидагилар: фермер етиштираётган ҳосили қанча харажатга тушаётганлигини тўла англаб етганича йўқ; чўкиртак поялар орасига уруғ қадайдиган махсус сеялкалар йўқ; у кутилгандан кўра камроқ ҳосил олган; унинг дунёқараши унча кенг эмас ва у қўшнилар изидан бораяпти, холос; у олимлар, округ агентлиги ва фермерлар (техника, ўғит, химикат сотовчилар ва бошқалар) маслаҳатига муҳтоҷ.

Дивиз округилик америкача исм ва украинча фамилияли тижорат аппликатори Жим Нешхлеб сувнинг сарфланиш меъёрларига аниқ риоя қилиш ва монитор ёрдамида доимий босимни бир хилда ушлаб туриши ҳамда ёмғирлатиш муддатларининг ўта муҳимлиги тўғрисида ҳикоя қилди.

Кузги ёмғирлатишга кетган харажатлар механик ишлов беришга қараганда анча қимматга тушиши мумкин, —

деди у, — бироқ бунинг эвазига сиз қўшимча намлика эришганлигингидан хурсанд бўласиз, бунинг ўзи ҳам катта гап. Бунинг устига тупроқ эрозиясидан тўла қутиласиз.

Чиппел округилик фермер Милтон Петерсон мулоҳазалари мана бундай: — Экодеҳқончилик билан 8 йилдан бўён шуғулланаман. Дастробкий иллари натижа яхши бўлдию, харажат ҳам йўқ бўлди. Ҳозир эса аппликаторларга муҳтоҷлигим йўқ, ҳаммасини ўзим бемалол уdda-ляяпман. Ўтган йили “Шимолий Дакота самолёти” — 24 метр кенгликни қамровчи тўсинли пуркагич сотиб олдим. Икки йўналишда ва икки типдаги чанглатгичлар билан ярим дозада икки бора пуркашни маъқул кўраман. 160 гектар ерни пуркаб чиққан пайтимда, ўзимни баҳти ҳисоблайман.

Мана унинг тадбиркорлигига тавсифий мисоллар: Бир акрга сарфланган маркер-бўёқлар харажати 5 центга тенг, монитор эса 350 доллар туради, ноаниқ мослаш ва доза миқдорини нотўри ростлаганда минг доллардан ажраб қолиш ҳеч гап эмас. Ишни ўзим бажарганим натижасида 5—10% гербицидни тежаб қоламан, бу 3714 акр ердан тежалган маблағ пуркагич баҳосига тенг дегани.

Саксонинчи йўл бизларни Небраска штатининг фарбий чегараларида жойлашган Панхенди (това дастаги) тажриба даласида учрашув мўлжалланаётган Скотсблафф шаҳрига олиб борди.

Гап шундаки, штат ўзининг ҳудудий шакли бўйича товани, унинг шимолий-фарбий қисми эса, унинг дастагини эслатади.

Директор мувовини Берт Вайхеналнинг сўзларига қарандан тажриба даласида 20 нафар илмий ходим фаолият кўрсатиб, уларнинг бир қисми илмий-тадқиқот ишларини жорий қилиш билан биргаликда олиб боради. Бу ҳудудда гўшт йўналишидаги чорвачилик кент ривожланган (272 минг бош мол семиртиришда, 500 минг бош мол гўштга ва бор-йўғи 3 минг бош соғин сигир), сугориладиган озуқа этиштириш (дон учун 90 минг гектар, силос учун эса 16 минг гектар маккажўхори этиштирилади) ва шунингдек, 50 минг гектар ловия ҳамда 24 минг гектар сугориладиган қанд лавлаги ва 200 минг гектар ўриладиган пичанзор мавжуд.

Илмий ходим Лен Нелсон қишлоқ хўжалигининг маҳаллий муаммолари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Бу муаммолар биринчи навбатда қурғоқчилик шароитида етиштирилаётган лалмикор бүдой етиштириш билан боғлиқ. Тоза шудгорга фермерлар анъанавий ҳолда кузги бүгдойни экишмоқда. Олимлар бүгдой ўрнига етиштириш мумкин бўлган бошқа ўсимлик намуналарини излашмоқда. Тажриба даласида лалмикор дәҳқончилик учун тариқ, маҳсар, кунгабоқар, арпа, сули ва маккажӯхори каби ўсимликлар тадқиқ қилинмоқда.

Фермерга келадиган бўлсак, ҳали бүгдойни алмаштирувчи ўсимликларни экишга шошилмаяпти. Ҳатто улар икки далали алмашлаб экишдан уч далали усулага ўтишини ҳам хоҳлашмаяпти.

Нелсон фермерларнинг бошқа ўсимлик турларидан юз ўтираётганлигига кўп йиллик одатлари асос бўлмоқда, деб ҳисоблайди. Жуда кўпчилик фермерлар ота-боболар нима билан шуғулланишган бўлса, улар ҳам шу иш билан шуғулланажагини айтишади. Уларда бунинг учун билим, тажриба, техника ва донни сақлаш учун эса омборхоналар бор.

Бундан ташқари, Лиман элеваторига ҳам ташриф бўйордик. Ёмғир ёғаётганлиги туфайли бошқарувчини инглиз тилида чиқадиган “Правда” газетасини ўқиб ўтирган жойида, операторлар хонасидан топдик.

— Йигитлар, мен ҳаммасига тайёрман, муҳими сизлар мендан бүдой сотиб олсаларинг бўлгани. Кеча бир эшелонни Тайванга жўнатдим. Айтинг, ахир сизларнинг навбатингиз қачон келади? — деди у.

Бошқарувчи доннинг оқсил миқдори ва намлигини тезкор аниқлашни намойиш қилди, экранда зудлик билан 10,7% ва 12% рақамлари пайдо бўлди. Дангалини айтадиган бўлсак, оқсил миқдори жудаям паст. Маълумки, кўпгина америка стандартлари буғдой донининг тозалиги бўйича жаҳон стандартлари талабига жавоб бермайди, шунга қарамасдан, элеваторда бу муаммо бўйича жон койитаётганларини сезмадик.

Етмишинчи йилларда темир йўлга қараганда автоуловларда дон ташиш фермерларга арzon тушиши туфайли, бунга интилиш кенг тарқалган эди.

Саксонинчى йилларда оралиқ элеваторларни камида 48 вагонни бўшатишга мўлжаллаб қайта қуриб чиқдилар.

Элеваторлар бу ишни бир кечакундуз ичида бажаришга мажбур. Шу туфайли донни юклаш ва ташиш ха-

ражатлари жиддий равишида камайиб, темир йўл қадимги юк ҳажмини яна ўзига қайтариб олди.

Тўртта штат бўйлаб ўтказилган сафаримизга якун яса-лаётган бўлсада, биз Денвергача боришимиз керак эди.

Макдоналс қаҳвахонасида нонушта қилдик, овқат тақ-симлаш жойида ўсмирлар бизга бир лаҳза ичидаёқ тайёр овқатлар улашишди, биз уларни истеъмол қилиб, овқат қолдиқларини бир марта ишлатиладиган идишлари билан биргалиқда яшикларга ташладик.

Скотсблаффдан Денвер сари икки йўл кетган: биринчи, Шиен орқали 220 миллик ва иккинчи, Кимболл орқали 200 миллик йўллар. Анча қисқа йўлни танлаган бўлсакда, икки баробар узокроқ йўл юришга тўғри келди. Гап шундаки, икки соатлар йўл босганимизда тасодифан Миллер тажриба даласидаги машинада ҳужжатлар солинган жилдни қолдириб келганини эслаб қолди. Ортга қайтишга тўғри келди. Яхшиямки телефон рақамлари ва манзилгоҳ кўрсатилган визит варақалари бор эди. Аммо шанба кечаси бўлганлиги сабабли Берт Вайхенталнинг телефонлари жавоб бермади.

Кимболладан Миллер Лен Нилсонга қўнфироқ қилишга муваффақ бўлди ва содир бўлган ҳодиса ҳақида гапириб берди. Машинанинг калити Вайхенталда бўлиб, у эса ўз уйида йўқ экан. Биз ўтирган олдсмобил тажриба даласида пайдо бўлган пайтда, Нилсон ва унинг таниш полициячи шериги эшик дастагига трасс сим боғлаб, очишга уринаётганлигининг устидан чиқдик. Бу ишни уддалаш илгарироқ Нилсонга насиб этди. Бизнинг сабр билан чурқ этмай тоқат қилганимизни Миллер ўзича Макдоналс қаҳвахонасида ўз ҳисобидан кечки овқат билан сийлашга қарор қилди. Бу сафар машинани майдончадаги микрофон ўрнатилган устинча ёнида тўхтатди ва тўрт кишилик макнагиц (шанхайчасига қовурилган парранда гўшти) ҳамда қаҳва буюрди. Кейин бизнинг соқчимиз машинани овқат тақсимланадиган туйнукча сари йўналтириди, буюртмани олди ва биргина қўл узатиш билан ҳисоб-китоб қилди.

Денвер тайёрагоҳида Миллер беш кун ичидаги 5 минг мил йўл босган олдсмобилни топширди. Шунча вақт давомида Давид бирор марта ҳам машина копотини очиб унинг тагига қарамади. Америка йўллари бўйлаб қилган сафаримиз шундай якун топди. Энди эса Континента

388 авиакомпанияси рейси билан Денвердан Вашингтонга учишимиз керак эди. Бүйи икки метр келадиган соқчимиз Денверда қолди, Даллас номли Халқаро тайёрагоҳда бизни АҚШ қишлоқ хўжалик Вазирлигининг Америка — Совет ҳамкорлиги гуруҳининг қўғирчоқмонанд ҳодими Мери Симонофф кутиб олди.

Канада шаҳри Гандер орқали Аэрофлот самолёти билан тайёрагоҳ вакиллари учишимиз бир соатга, кейинроқ яна икки соатга кечикирилишини эълон қилишганидан сўнг, ниҳоят уйга қараб учдик.

Галла ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бўлган турли хил агентликлар ҳодимлари, олимлар ва фермерлар билан учрашар эканмиз, нималарни кўрган ва эшитган бўлсак, шуларнинг таассуротлари тўғрисида мукаммал ўйлаш фурсати келди.

Маккажўхори донини етиштириш бўйича америкаликларнинг ютуқлари маълум ва машҳур. Ҳудди шу гапни жўхори ва соя етиштириш борасида ҳам айтиш мумкин. Бу жабҳада америкаликлар даражаси энг юқори жаҳон стандартларига тўғри келади. Буғдой донини ишлаб чиқартиришга келадиган бўлсак, Шимолий Текисликларда уни етиштириш ўзининг интенсивлиги билан ажralиб турмайди. Билакс, кузги буғдойнинг ҳосилдорлик дараҷаси гектарига 18 дан 27 центнергача, баҳорги буғдойники эса гектаридан 12 дан 20 центнергача, тоза шудгорда экилганда амалда олиниши мумкин бўлганидан паст. Буғдой етиштиришнинг ўта экстенсив кўрсаткичи, шудгорда экиладиган галла улушининг юқорлиги билан изоҳланади.

Жаҳоннинг ҳеч бир ерида, ҳатто Канадада ҳам бу қадар бўш ётган ҳосилдор ерлар учрамайди.

АҚШнинг Шимолий Текислиги штатларида бир гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига амалда, 10—12 центнер буғдой дони олинади.

Шуни тан олиш керакки, шудгор — буғдой тизими ҳеч бир илмий асосга эга эмас ва у юқори даражада дон етиштиришнинг имконини бермайди. Бундай муносабат ички бозорда буғдойга бўлган талаб ўта паст даражадалиги билан изоҳланади. Ҳатто энг кам ҳосилдорликда ҳам улкан дон заҳираси юзага келади ва экспортга буткул қарамлик сақланади. Шу сабли Америка ҳукумати экин майдонларини қисқартирганларни рағбатлантириш йўли

билин ғалла етиштиришни жиловлаб туришга ҳаракат қиласы.

Шунингдек, америка фермери учун паст ҳосилдорлик күрсаткичи ҳеч қандай ахамият касб этмаслигини ҳам ёдда тутиш керак. Агар паст ҳосилдорлик кам харажатда юксак даромад мейерини таъмин этса, унда фермер ҳеч бир иккиланиб ўтирмасдан ушбу йўлни танлайди.

Шунинг учун ҳам қурғоқчил ҳудудларда буғдой етиштиришнинг америкача технологияси ердан тежамкор фойдаланишга мисол бўла олмайди. Айни вақтда максимал иқтисодий самара билан дон етиштиришга асосланган америкача ёндошув юксак баҳоланади. Дон етиштиришда юқори меҳнат унумдорлиги бизларда саноқли ҳолларда бўлса, АҚШда бу доимий мейёр бўлиб, ким ана шундай меҳнат қиласа, унинг ошиғи олчи бўлади.

Америка фермасидаги меҳнат унумдорлигининг юқори-лиги нималар эвазига юзага келади? Буғдой етиштирилалиган қурғоқчил чўл туманларида қоида бўйича фермер фақат ғалла билан шуғулланади. Ғалла етиштириш ҳеч қачон сут йўналишидаги чорвачилик билан бирга қўшиб олиб борилмайди. Шудгор тенг иккига бўлинади ва унинг тенг ярмига уруғ қадалади. Иккинчи ярми эса шудгорга қолдирилади ва у ёзинг бўш дамларида экин экиш учун тайёрлаб борилади. Бу каби тизимда, 1000 гектар атрофидаги ер майдонига эга фермер ўрим-йигимдан ташқари барча дала ишларини битта ўзи уddeлайди.

Шудгорга қолдирилаётган тенг ярим ер тизими ҳеч қаерда максимал буғдой, айниқса баҳорги буғдой етиштириш имконини бермайди. Лекин, тасаввур қилайлик фермер шудгор учун 20% ерни, яъни 200 гектарнигина қолдиради. Бу ҳолда у экиш учун икки ишчини ёллаши, унга қўшимча битта трактор, култиватор ва сеялка бўлиши керак. Йигим-терим ҳам бир мунча қийинлашади ва тўртта комбайнни ёллашга тўғри келади. Айни вақтда ёзги мавсумда шудгор учун битта трактор ҳам ортиқчалик қилали. Бир сўз билан айтганда доннинг таннархи кескин кўтарилади, меҳнат маҳсулдорлиги тушиб кетади.

Ишончли қишлоқ хўжалик техникаси — юксак меҳнат унумдорлигининг гарови. Ҳозирги замон америка техникалари жуда қиимат, лекин унинг ишончлилиги кафолатланган. Қуйидаги тафсилот тавсифлидир: ғалла етиштиришда меҳнат ҳақи вақбай. Бир қарашда бу тенг-

лаштиришга олиб келади, чунки бизнинг ўлчамлар бўйича икки комбайнер бир хил миқдордаги фалла майдонини ўриб ололмайди, ёки бир хил миқдордаги донни ҳам йигиштира олмайди.

Ёлланган комбайнерга бериладиган меҳнат ҳақи хусусида америка фермери мана қандай фикрлайди: у комбайннинг қамров қенглиги ва ҳаракатланиш тезлиги қанча имконият берса шунча ўради ва бу меҳнат баҳоси қанча турса шунча ҳақ олади. Демак комбайнер малакали, техника ишончли бўлиши керак. Эҳтиёт қисмларнинг келишини кутиш учун вақт сарфлайдиган комбайнерни фермер ишга жалб этмайди.

Бизнинг фаллачилик хўжаликларимизда меҳнат унумдорлиги пастлигича қолаяпти. Ҳозирги вақтда бу муаммони ҳал этиш учун биринчи навбатда меҳнатни ташкил этишнинг илфор шакллари: бригадалар, звенолар, оила пудратларига ўтилаяпти. Лекин техникани таъмирлашга жуда катта харажат ва меҳнат сарфланаяпти. Шу сабабли қишлоқ хўжалик техникасининг сифатини кескин ошириш зарур.

Оила пудрати шак-шубҳасиз механизаторлар малакасини оширишга ва уларнинг техникага эҳтиёткорона ҳамда тежамкор ёндошицига олиб келади. Оила пудратининг ижобий натижаларидан бири, деб болалиқдан қишлоқ меҳнатига жалб қилинаётган фаллакорлар сулоласининг ривожланишини айтиш мумкин.

Экологик дехқончиликка бўлган интилиш диққатга сазовор. Америка олимлари гербицидлар ёрдамида бегона ўтларга қарши кураш йўли билан ерга механик ишлов беришдан бутунлай воз кечиш усулини таклиф этишади.

Бир қарашда гербицидларни қўллашнинг кенг тус олиши дехқончиликка бўлган экологик ёндошишга номувофиқдай туюлади. Лекин ушбу ҳолатда чўкиртак поялар ва сомон қолдиқларининг далада тўла сақланиши тупроқнинг ўғитлар билан биргаликда шамолда учеб ва сувда ювилиб кетишининг олдини олади. Иккинчи тарафдан қултиватордан чанглаттичга ўтиш меҳнат унумдорлигини оширади. Экологик ёндошиш деганда, америка олимлари икки далали алмашлаб экишдан уч далалига ўтиш йўли билан шудгор майдонларини қисқартириш имкониятини ва фалла экинларини бир неча йил узлуксиз экишни тушишишади.

Бизнинг сафаримиз нафақат фалла етиштиришнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганиш режаси учун фойдали бўлди, балки биз америка жамияти турли табақаларининг вакиллари билан ҳам фикрлашиш имкониятига эга бўлдик. Оддий одамлар билан бўлган учрашувларимиз алоҳида таассурот қолдирди. Юз йил ичидаги америка жамияти Янги Дунёга келган оврўпаликлардан анча тадбиркор, об-ҳаво ва иқтисодий қийинчиликларга чидамли, соғлом йигитларни саралади ва улар ўзларининг яшаб қолиш сънатини авлоддан-авлодга авайлаб етказмоқдалар.

Гандердан Москвагача учишимиз учун 10 соатлик вақтимиз кетди, лекин мен самолёт чегарамиз устидан учеб ўтганидан кейингина уйқуга кетдим. Тушимга олдсмобилда кетаётib темир йўлни кесиб ўтиш жойида йўлни беркитиб турган вагонлар эшелони турганлиги туфайли, кутиб қолганимиз кирибди. Вагон томидан ковбойлар қиёфасидаги катта шляпа ва ранги ўчган жинси кийган, ҳамда қўлларида иккита тўппонча тутган йигит сакраб тушганмиш. У ўзини Жим Неешхлеб дея таниширибди. Эшелонни Портлендга ҳайдаётубман. Генри Бан сўзларига қараганда, агар биринчи сентябргача улгуролсан, ҳар бир бушелдан 1 центдан фойда оламан. Жим машина томонга қаради ва кутилмагандан аёлларга хос овоз билан рус тилида сўзлади: Ўз жойларингдан қимиrlаманглар! Чиқиш вақтида ҳаммангизни таклиф этишади! — Мен уйғониб кетдим. Самолёт эса оҳиста Шереметова тайё-рагоҳига қўнмоққа ҳозирланарди.

## МАККАЖЎХОРИ МИНТАҚАСИ

1992 йилга қадар каминага Америка Кўшма Штатларида бўлиш тўрт маротаба насиб этган — 1975, 1977, 1986 ва 1989 йилларда.

Ҳар бир сафаримиз Буюк Текислик туманларидағи курғоқчилик ва шамол эрозияси шароитларида буғдой дони етиштиришга асосланган, тупроқни сақловчи дәҳқончиликкун ўрганиш билан боғлиқ эди. АҚШнинг асосий фалла маҳсулотини ишлаб чиқарувчи Маккажўхори Минтақаси ҳақида кўп эшитгандим. Мана ниҳоят, 1992 йилда Маккажўхори Минтақасининг Иллинойс ва Айова каби энг муҳим штатларида бўлиш имкониятига кетма-кет икки

маротаба мушарраф бўлдим. Энди мен шу ҳақда ҳикоя қилмоқчиман. Албатта, биз бозор иқтисоди йўлини танлаган эканмиз, капиталнинг энг кучли мамлакати ҳақида муайян билишимиш керак-ку ахир.

26 апрел куни мен Қозоғистон қишлоқ хўжалиги фанлари Академиясининг президенти, академик Фани Калиев билан биргаликда Иллинойс штати дорилфунуни Жория хизматининг таклифига биноан, мазкур хизматнинг фаолияти ва фермер хўжаликларини ташкиллаштиришни ўрганиш мақсадида, Москва шаҳридан Вашингтон томон учдим.

Вашингтонда бизни қишлоқ хўжалиги вазирлигига қабул қилишди ва унинг тузилиши билан қисқача таништиришди. Эҳтимол, вазирнинг вице-вазири, икки нафар биринчи ўринбосари ва еттита ўринбосари борлигини билиш, бизнинг ўқувчи учун қизиқарли туюлса ажаб эмас. Биринчи ўринбосарларнинг биттаси Халқаро ишлар ва ишлаб чиқаришни бошқариш дастурини юритади.

Бизларда эса, аксарият ҳолларда бозор бошқарилмайди, деб кўп гапирилади. Йўқ, у бошқарилади, фақаттинга бизларнинг усуllар билан эмас. Бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиш.

Биринчи ўринбосарнинг навбатдагиси эса, қишлоқ туманлари ва кичик қишлоқларнинг ривожлантирилиш дастури бўйича маъсул.

Шуни англаш лозимки, бизнинг тасаввуримиздаги қишлоқлар АҚШда йўқ. У ерда ҳар бир фермер ўзининг алоҳида қўрғончаси (хутори) да истиқомат қиласи. Қишлоқлар, бу — шаҳар туридаги масканлар бўлиб, уларда черков, банклар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа маъмурий бинолар бўлади. Албатта, бундай маконларнинг ҳовлиларида ҳеч қандай сигирлар, жўжалар, фозлар, картошка ва помидорларни учратмайсиз. Ниҳоят, ҳовлиларнинг ўзи йўқ. Майсазорларда дараҳт у ёқда турсин, манзарали буталарга ҳам кўзингиз тушмайди.

Мен американклардан нима учун томорқа мойдонларига эга эмаслиги ҳақида сўрадим. Саволга куйидаги жавоб беришди: “Чунки, дўкондан сотиб олиш арzonга тушади!”. Америкача фалсафанинг асосий мазмuni шунда — нимаики иқтисодий жиҳатдан фойда келтирмаса, у иш билан шуғулланма. Яхшиси фаол дам олиш керак, бироқ унумсиз ишни қилмаган маъқул.

Колган еттита ўринбосарлар эса, куйидаги масалалар билан машғул: маъмурий, иқтисодиёт ва энергетикага оид,

Конгресс билан алоқа ўрнатиш, маркетинг ва назоратга оид, табиий заҳираларни сақлаш, фан ва маорифга оид масалалар.

Вазирликда қишлоқ хўжалигининг ҳолати тўғрисида ахборот бериши. Қишлоқ хўжалиги 21 миллион кишини иш билан таъминлайди, шу жумладан, бевосита икки миллион фермерни ҳам. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига бир миллионга яқин ёлланган ишчилар ва 600 минг фермерлар оиласарининг аъзолари меҳнат билан банд.

АҚШда катта ер эгалари ва хизматкорлар деган тушунча йўқ, яъни фермадаги асосий ишчи кучи — фермернинг ўзи ҳисобланади.

Қизиги шундаки, АҚШда фермерлар ёки улар кўпинча айтиладиганидек, операторлар гуллаб-яшнаётган одамлар тоифасига кирмайди. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринга, тайёр озуқа баҳосининг бор-йўғи 16 фоизигина ишлаб чиқарувчига тегади. Америкача урф-одат бўйича овқат ҳисоби учун 15 фоиз пулни официант ўзига қолдиришта ҳаққи бор. Америка оператори дўконда сотилган гўштнинг 57 фоизини, сут баҳосининг 50 фоизини ва нон баҳосининг кўпи билан 6 фоизини кўлга киритади, холос.

Бундан, нон галлага нисбатан 16 баробар қиммат эканлиги келиб чиқади! Бизларда эса, аксинча дондан кўра нон арzonроқ баҳоланади. Ҳақиқатан ҳам ҳаммаси худди беъманилар томошагоҳидаги каби. Бу — бичилган матоҳнинг қийқимидан кўра, тикилган кийим арzon бўлишидай бир гап.

АҚШ қишлоқ хўжалигининг бир меҳнаткаши 1988 йилда 100 кишининг, шу жумладан, АҚШ аҳолисидан 74,5 кишини ва 25,5 кишидан иборат чет эл фуқароси эҳтиёжини қондирадиган озиқ-овқат ва хом ашё ишлаб чиқди. Меҳнат унумдорлиги кейинги қирқ йил ичida (1947 йилдан 1987 йилгacha) 8 баробар ўси. Қишлоқ хўжалигидан банд бўлганларнинг микдори шу қирқ йил ичida уч баробарга қисқарди.

Фермалардаги ишчи кучининг ўртача 30 фоизини ёлланган ишчилар ташкил қилади. Кейинги вақтларда буюртма бўйича белгиланган дала ишларини бажарувчи сервис хизмати ишчиларидан фойдаланиш анъанаси кучайиб бораёттанилиги кузатилмоқда. Меҳнат харажатларидаги уларга тегишли бўлган улуш бугунги кунда 8% га етди.

АҚШда ёлланма ишчиларнинг иш ҳаққи мавсумий бўлиб, соатига 5,36 долларни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш харажатларидағи иш ҳаққининг улуши 1989 йилда 8,3% ни ташкил қилди. У сабзавотчилик ва боғдорчиликда бирмунча юқори, ғаллачилик ва чорвачилик фермаларида эса — 8 фоиздан ошмаяпти. Агар солиштирадиган бўлсак, бизда иш ҳақи улуши энг камида 8 фоиз бўлиб, 10 фоиздан 20 фоиз оралиғида ўзгариб туради.

Кишлоқ хўжалигига бўлган жами харажатлар ўн йиллар давомида таҳминан 10 фоиз атрофида ўзгармоқда. Сўнгти йилларда харажат элементлари баҳосининг камайиши, экин майдонларининг қисқариши ва маблағлар сарфини кўплаб тежаш туфайли, уларнинг пасайиш анъанаси кузатилмоқда. Техника ва ишчи кучлари харажатлари камайди, агрехимикат, озуқа ва чорвани сотиб олиш харажатлари ошди.

40 йил мобайнинда АҚШда ўғит ишлатиш узлуксиз ўсиб бориб, 1981 йилда рекорд даражасига — 23,7 миллион тоннага етди. Шундан кейин, экин майдонларининг ортиши ёки камайиши билан боғлиқ бўлган кескин ўзгаришлар кузатилди ва 1989 йилда уларни қўллаш ҳажми қарийиб 20 миллион тонна атрофида бўлди.

Энг кўп ўғит маккажўхорига сарфланаяпти (40%). Араваш ўғитларни ишлатиш аввалги қараганда камайиб бораляпти (39%). Махсус халталанган ўғитлар улуши ҳам камаймоқда (9%). Суюлтирилган ўғитлар улуши 39, куруқлариники 52 фоизни ташкил қиласди.

Ўғитларни қўллаш соҳасида бизнинг аҳволимиз (Қозғистоннинг аҳволи) кишини ранжитадиган даражада. 1990 йилга солиштирганда, бу йилда ўғитлар ҳажми 5 баробарга қисқарди, қадоқланган ўғитлар бизда умуман йўқ, суюлтирилган ўғитлар ҳам амалиётда учрамайди.

Кейинги 60 йил ичидаги АҚШнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 2,6 баробарга юксалди, капитал маблағларнинг миқдори эса 8,7 фоизга камайди.

Ишчи томонидан бир соат ичидаги ишлаб топилган пул (солиқ ушлангунга қадар) ҳисобидан сотиб олинган озиқовқат миқдори самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида хизмат қилиши мумкин. 1970 йилда у қўйидаги кўринишида эди: 6 кг оқ нон, 3,6 кг жўжа, 17,6 литр сут, 16 кг картошка, 5,3 дюжин (1 дюжин — 12 дона) тухум ва 2,3 кг мол гўшти қиймасига тўғри келди. Орадан йигирма

йил ўтиб, бир соат ишлаш ҳисобидан — 6,5 кг оқ нон, 5 кг жўжа, 13,7 литр сут, 12,3 кг картошка, 9,9 дюжин тухум ва 2,9 кг қиймаланган мол гўшти сотиб олиш мумкин.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, ойлик иш ҳақининг ўсиши, меҳнат маҳсулдорлиги ва кўпгина озиқ овқатлар таннаххи, 20 йил ичida параллел кўтарилиди ва америка фуқаросининг фаравонлигига жиддий таъсир етказмади. Шунинг билан биргаликда, паррандачиликдаги меҳнат унумдорлигининг сезиларли ошиши, 20 йил олдиндагига қараганда, бир соатлик иш учун икки баробар кўп миқдорда тухум ва бир ярим баробар кўп парранда гўшти сотиб олиш имконини беради.

Бизнинг узлуксиз ўзгариб турган ойлик иш ҳақимиз ва нарх-навомизни барқарор американники билан солишибтириш мушкул бўлсада, солиштирма таҳлил имкони мавжуд. Агар, бизнинг ишчимиз бир соат ичida 100 сўм иш ҳақи олади деб, қабул қиласидаги бўлсак, у ҳолда ишчи бу пулга американликка нисбатан жўжаларни 30 баробар, сутни — 7 баробар, картошкани 3 баробар, тухумни 15 баробар кам сотиб олар экан. Аммо бизнинг ишчимиз нонни американликдан ҳам кўпроқ сотиб олиши мумкин!

Айниқса, ноннинг бир қадар қимматлилиги кишини хайратда қолдиради. 1 кг нон донга нисбатан 16 баробар, 1 литр сутга нисбатан 4 баробар, 1 кг шакарга қараганда 2,5 ҳисса, парранда гўштидан эса 1,5 баробар қиммат, у фақат мол гўштидан 2 баробарга арzon, холос.

1989 йилда американклар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 516 миллиард доллар ҳисобида, ўртача олганда, аҳоли жон бошига 2 минг доллардан андак кўпроқ ёки солиқлар тўла ушланганидан кейинги соф даромаднинг 11,8 фоизини истеъмол қилишган. 1962 йилда озиқ-овқат учун қилинган чиқимлар 15,3 фоиз, 1975 йилда — 14,1 фоиз соф даромад ҳисобида қайд этилди.

Уйда ва уйдан ташқарида овқатланиш учун умумий харид сарфлари ҳаммани қизиқтиурса ажаб эмас. Америка фуқароси 1986 йилда уйда овқатланиш учун соф даромаднинг 8,5 фоизини, яъни канадалик, австрялик, немис ва японга нисбатан анча кам қисмини, уйдан ташқарида овқатланиш учун эса, у соф даромадининг 6,1 фоизини сарфлаган.

Америкалик бир йилда ўрта ҳисоб билан 1 тонна озиқ-овқат истеъмол қиласиди. Бу ўртамиёна хитойлик ва афри-

каликка нисбатан икки баробар кўп демакдир. 1989 йилда АҚШ аҳолисининг жон бошига 64,5 кг лахм гўшт (асосан мол ва чўчқа гўшти), 41 кг парранда гўшти, 44 кг янги узилган мевалар, 45 кг янги узилган сабзавотлар, 9 кг қовун ва тарвуз ҳамда 258 кг сут маҳсулотлари тўғри келган.

Америкаликларнинг озиқ-овқати таркибида жиддий ўзгаришлар кузатиласпти. Кейинги беш йил ичидаги, қаймоғи олинмаган сутни истеъмол қилиш 18 фоизга, шунингдек, лахм гўшт, ҳайвон ёғи, тухум, қаҳва, консервланган сабзавотлар, картофел чипслари — 3—8 фоизга камайди. Бир вақтнинг ўзида америкаликлар 22—26 фоизга кўпроқ парранда гўшти, ёғисиз сут, янги узилган ва музлатилган сабзавотлар, ҳамда 10—18 фоиз кўп миқдорда ёнфоқ, янги узилган мевалар, ун ва ёрма истеъмол қилишиди.

Айниқса, америкаликларнинг ёғли гўшtlарни истеъмол қилмасликлари яқдод кўзга ташланади. Ёғли гўшт ишлаб чиқаришни рафбатлантирадиган мол ва чўчқа гўштларига бўлган стандартларга қаттиққўлилк билан ёндошилмоқда. Чўчқа ёғи истеъмолга яроқлилигини америкаликлар бутунлай унтишган, ҳозирги ёшлари эса буни ҳатто тасаввур ҳам қилиша олмайди. Уларга мен биз томонларда ёғни гўштга нисбатан анча қиммат сотишади, бундан ташқари, тузланган чўчқа ёғи кўпчилик учун тансиқ таом эканлиги ҳақида сўз очганимда, улар менинг гапларимни ҳайрат билан ишонишмай тинглашди. Мени икки маротаба биргаликда кечки нонушта қилишга таклиф этган Профессор Жон Ван Эсга бу ҳақда сўзлаганимда, у менга кейинги кечада стейк (очиқ оловда қоврилган гўшт) тайёрлаб берди ва биргаликда овқатланаётганимизда у устакорлик билан гўштнинг ёғини ажратиб, ахлат қутисига улоқтириш учун бир четга қўйди, чунки ёғтанамиз учун зарарли эмиш.

Америкаликлар дастурхонида шакар, сариёв ва ёғи олинмаган сутнинг улуши сезиларли камаймоқда, чўчқа ёғи сингари қаймоқни ҳам унтишмоқда. Қайнатма ва шўрваларни улар деярлик тайёрлашмайди, қозонга биронта ҳам суяқ ташлашмайди. Қоврилган кўзичоқ гўштини ҳисобга олмагандан, қўй гўшти ҳам истеъмолдан чиқарилган. Қўйнинг калла гўшти каби тансиқ таомларни улар ҳатто тасаввур ҳам қилиша олмайди, худди шунингдек от гўшти, қимиз ва шубат ҳам шулар жумласига киради.

Улар овқатнинг таъми ҳақида баҳслашишмайди, лекин бир нарсага шубҳа қилмаймиз: американликлар илмий асосланган тавсиялар билан мос келувчи мақбул овқатланишга интилмоқда. Натижа эса шундоқ кўриниб турибди — гарчи у нафақат озиқланиш билан, балки соғлом ҳаёт тарзи билан белгилансада, АҚШда инсон умри сезиларли узаймоқда. Бу ҳақда кейинчалик сўз юритамиз.

АҚШда ем учун етиштирилган доннинг фақат 28 фоизи жойларда истеъмол қилинади, қолган қисми эса савдо тармоқлари орқали тасарруф этилади. Бир йилда барча озуқа турларининг 470 миллион тоннаси чорва ва паррандаларга сарфланди. Кейинги 20 йил ичидаги озуқа миқдори 15 миллион тоннага камайди, озуқа сифати ҳам аҳамиятли даражада ўзгарди: концентрат озуқалар миқдори бирмунча ошди, бир вақтнинг ўзида дағал хашакларни истеъмол қилиш камайди.

1990 йилда концентратларнинг озуқадаги улуши 45 фоизга кўпайди (бизда улар 20—30 фоиз даражасида белгиланади). Концентрат озуқалар ичидаги асосий улушни маккажӯхори дони эгаллайди, бизда эса у арпа ва буғдойга тўғри келади. Пичаннинг миқдори бир хилда сақланиб турибди (11,9%) ва ҳатто озгина кўпаймоқда ҳам. Гарчи, мөҳияти пасайиб бораётган бўлсада, озуқа улуши ҳисобидан олиб қаралганда, яйловларнинг аҳамияти катта (39,9%). Қолган дағал хашаклар (сомон, силос) миқдори ҳам деярлик аҳамиятсиз бўлиб — 3,9 фоиз эканлиги тавсифга лойиқ. Бир вақтнинг ўзида оқсили донлар умумий озуқа миқдорининг 9,6 фоизини ташкил этади. Биз томонларда эса силос ва сомон 30—50 фоиз бўлса, оқсили дон озуқалари деярлик бўлмайди. Бу Американинг умумий кўрсаткичи, Маккажӯхори Минтақасидаги мавжуд вазият тўғрисида эса, ҳар бир деталигача алоҳида гапириб ўтамиз.

АҚШда дон ва дағал хашакларни истеъмол қилувчи ҳайвонларнинг ҳисоби, шартли равишда алоҳида олиб борилади.

20 йил ичидаги дон истеъмол қиладиган ҳайвонларнинг бирлик миқдори 2 фоизга ўди, дағал хашак истеъмол қиладиганлари сони 11 фоизга камайди. Дон истеъмол қиладиганларнинг ичидаги эса паррандаларнинг ҳиссаси бир қадар ошди (28%), дағал хашак истеъмол қиладиганлар орасида соғин сигирлар ва бузоқлар миқдори камайиб, гўшт йўналишида боқилаётган моллар ҳиссаси ортди.

## ИЛЛИНОЙС

Вашингтонга биздан икки кун кейин учиб келган Қозғистон Ҳукумати делегацияси таркибиға F. Калиев ҳам кирганилиги туфайли, Иллинойс штатига менинг бир ўзим учишимга түфри келди. Питтебург шаҳри қўналғасида бошқа тайёрага алмашиб, Шампейн шаҳри томон йўл олдик. Шаҳар қўналғасида мени Иллинойс Штати дорил-фунунунининг фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш Хизмати директори, Дон Ютман исмли новча, полвон қомат, тепа сочи бир оз камайиб бошлаган, америкаликларга хос табассум юзида ифода этиб турган жентелмен кутиб олди.

У мени ўзининг уйига, алоҳида ҳовлисига бошлаб борди. Уйининг ертула қаватида кенг ва шинам болалар хонаси, иккита ётоқхона, ваннаси бўлган юваниш хонаси ва ҳожатхоналар мавжуд, биринчи қават эса меҳмонхона, емакхона, кенг ошхона, икки ёки учта ётоқхона ҳамда ҳожат ва юваниш хоналарига ажратилган. Хоналарда иккита катта ойнаижаҳон, бир неча совутгич ва музлатгичлар кўзга ташланади. Уйга бир жуфт автоулов сифадиган гараж туташтириб қурилган.

Деннинг 3 нафар фарзанди бўлиб, қизларининг ёши 16 ва 14 да, ўғли эса энди 12 баҳорни қаршилаётган ўсмири. Рўзгор бошлигининг бир йиллик даромади 100 минг долларни, беканики эса 30 минг долларни ташкил этади. Шунга қарамасдан, тўнгич қиз бўш вақтларида яқин ресторонлардан бирида официантлик ёки идиш тавоқ юувучи фаррош сифатида ишлаб, қўшимча пул топади.

Мени қизиқтирган саволга у америкаликларга хос оҳангда жавоб қайтарди:

— Ўтган ўқув таътилида қизимиз Олмонияда (чунки, у мактабда чет тилларидан немис тилини ўрганмоқда) бўлиб қайтди. Йўл харажатларининг ярмисини унинг ўзи кўтарди, бундан ташқари, дорилфунунга кириш учун тайёргарлик қўраяпти, ўқиш эса пуллик. Ҳеч бўлмаса тўловларнинг бир қисмини ўзи амалга оширса, яхшироқ ўқийди.

Дон менга болалар хонасидаги диванга жой қилиб берди. Америкада меҳмонни тунаб қолиш учун ўз уйига таклиф қилиш одат тусига кирган, чунки бир томондан меҳмонхоналар нархи жуда юқори бўлса, иккинчи томондан уйлари бирданига бир неча меҳмонни қабул қила олиш имкониятига эга.

Иллинойс штати дорилфунуни А. Линколн томонидан 1862 йилда тасдиқланган Моррилл қонуни бүйича, федерал ерларни сотиш ҳисобидан ташкил қилингандыр. Унинг 180 та биноси бўлиб, 280 гектар майдонда қад кўтарган ва бир-бирига тулашиб кетган, аҳолиси 100 минг кишидан иборат Шампейн ва Урбан шаҳарлари ўртасида жойлашган. Жанубий Чикаго координатларини аниқ келтириб ўтишмуга сабаб, хариталаримизда бу каби шаҳарлар кўрсатилмаган.

Дорилфунунда 35 минг талаба ва аспирантлар 50 та штатдан ва 100 га яқин чет мамлакатлардан келишиб таҳсил олишади. 2700 профессор-ўқитувчилар таркибидан 80 нафари Америка фан ва санъат Академияси, Миллий фанлар Академияси ва Миллий муҳандислар Академияларининг ҳақиқий аъзоси, 9 нафари “Фандаги ютуқлари учун” миллий нишони соҳиби, 8 нафари Нобел мукофоти соҳиби, 16 нафари эса Пулитцер мукофоти совриндоридир. Дорилфунун мамлакатдаги энг йирик битирувчилар Ассоциациясига эга бўлиб, уларнинг миқдори 114 минг кишини ташкил этади.

Дорилфунун таркибига кўплаб ўқув юртлари: коллежлар — қишлоқ хўжалик, бизнес ва тижорат, алоқа, муаллимлик, муҳандислик, амалий ва нафис санъат, ҳукуқшунослик, ижтимоий санъат ва фан, тиббиёт, ветеринария тиббиёти ҳамда авиацион меҳнат институти, кутубхоначиллик билим юрти ва ижтимоий ишлар мактаблари киради. Бир йиллик қабул миқдори 6500 кишини ташкил қиласди. Дорилфунунда режа бўйича 4 минг курс ва 150 дан зиёд дастур ўқитилади. Талабалар орасида 27 фоизи мактабларнинг энг сара 3 фоиз битирувчилари таркибидан, 64 фоизи эса умумий 10 фоизни ташкил этувчи сара ўқувчилар таркибидан иборат. Бундан келиб чиқадики, дорилфунунга қабул қилишнинг америкача тизими талабаликка энг лойиқ номзодларни танлаб олишни тъминлади.

Машғулот гурӯҳларини аксарият ҳолларда кўпи билан 30 талаба ташкил қиласди, кичик гурӯҳларда эса 20 дан кўп бўлмаган талабалар машғулотларга қатнашади. Ўқув тўловлари маҳаллий талабалар учун қабул пайтида 2784 доллар ва ҳар бир йил учун 3 минг долларни, чет элдан келганлар учун кириш тўлови 6324 доллар ва қолган ҳар

бир йил учун 7 минг долларни ташкил қиласи. Талабаларнинг катта қисми бирор хил молиявий ёрдам олишади.

Дорилфунун кутубхонаси Гарвард ва Иел дорилфунунлари кутубхоналаридан кейин, мамлакатдаги энг йирик кутубхоналарнинг учинчиси ҳисобланади.

Дорилфунун ҳудудида 16 та илмий марказ — мураккаб тизимлар тадқиқоти, мураккаб материаллар, биотехнология, супер компьютерларни тадбиқ қилиш, сояли, яirim ўтказгичли мураккаб микро электроника, ядро физикаси ва бошқалар фаолият кўрсатади.

Булардан ташқари, яна бир неча ўнлаб турли хил илмий марказлар мавжуд.

1989 йилда дорилфунун бюджетини 706 миллион доллар ташкил қилди, шу жумладан, унинг 42 фоизи штатдаги солиқлар ҳисобидан қопланди. Совфа қилинган пуллар миқдори 73 миллион долларни, грант суммаси эса 197 миллион долларни ташкил қилди, шу жумладан, илмифан улушига 154 миллион доллар тўғри келади.

Дорилфунуннинг юқори органи — Ишончли вакиллар кенгashi бўлиб, у 12 кишидан таркиб топган. Кенгаш таркибига губернатор ҳам киради. Дорилфунун раҳбарияти — президент, ўкув масалалари бўйича вице-президент, молия ва савдо-сотиқ бўйича вице-президент ва шунингдек, дорилфунун шаҳарчаси раҳбарияти — канцлер ва ўкув масалалари бўйича вице-канцлерлардан иборат.

Дорилфунуннинг кўп сонли олий ўкув юртларидан бири қишлоқ хўжалик коллежи ҳисобланади. У декан томонидан бошқарилиб, бизнинг тушунчамиз бўйича институт ректори лавозимига тўғри келади.

Декан дорилфунун канцлери ҳамда академик ишлар, маъмурий ишлар, талabalар масалалари ва фан бўйича вице-канцлерларга бўйсунади. Деканнинг тўртта муовини бўлиб, улар қуйидагиларга: Ўкув бошқармасига, Тажриба станциясига, Жорий қилиш хизмати ва Халқаро қишлоқ хўжалиги бошқармасига раҳбарлик қиласи.

Колледжа 8 та факултет фаолият кўрсатади — қишлоқ хўжалик иқтисоди ва қишлоқ хўжалик механикаси, аграномия, чорвачилик, озиқ-овқатлар фани, ўрмон хўжалиги, мева сабзавот ва ўсимликлар ҳимояси. Бундан ташқари унга меҳнат заҳиралари мактаби ва оиласи ўрганиш ҳам киради.

1989 йили 1174 талаба биринчи сместрга, иккинчи сместрга эса 1143 киши қабул қилинган, 268 киши бака-

лавр даражасини олди, яъни бизнинг тушунчамиз бўйича дорилфунунни ҳар бештадан бир киши муваффақиятли тамомлайди. 1989 йили коллежда ҳаммаси бўлиб 614 аспирант таҳсил оларди. 115 киши магистр даражасига, 66 киши фалсафа докторлигига эришли.

Профессор-ўқитувчилар рўйхати 942 кишини ташкил этади, жумладан, агрономия куллиётида 106, қишлоқ хўжалик иқтисодида — 59, маъмуриятда — 35, меҳнат ресурслари мактаби ва оиласи ўрганишда — 61 ва Жория хизматида 315 нафар дала ходимларидан иборат.

1990 молия йилида коллежнинг умумий бюджет маблағи унинг декани доктор Гомеснинг сўзларича 88 миллион долларни ташкил этган. Штат ҳукумати томонидан бюджетга ажратилган маблағ — 31 миллион, федерал мабтағлари — 14 миллион, федерал даражасидаги шартномалар — 10 миллион, штат даражасидаги шартнома мабтағи — 2 миллион, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ — 5 миллион, хусусий бадаллар — 4 миллион, хусусий шартномалар — 3 миллион доллар ва бошқалардир.

Коллеж бюджетининг катта улуши, яъни 37,5 миллион доллар 1990 йилда жорий қилиш учун, ундан салгина камроқ қисми — 34 миллион доллар илм-фан учун сарфланган, ўқув жараёнига қилинган харажатлар 10,5 миллион долларни ташкил этган. Халқаро қишлоқ хўжалик дастурига — 5 миллион, бошқарувга эса 1 миллион доллар сарфланган.

Агар таққослайдиган бўлсак 1992 йилнинг бошларида 1 доллар курси 100 рублга tengligini ҳисобга олганда, илму фан учун коллежга 3,4 миллиард рублга тенг маблағ ажратилган бўлиб, у Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалик фанига ажратган умумий маблағидан бир неча баробар, А.И. Бараев номидаги Қозоғистон Ер хўжалиги илмий-тадқиқот институти бюджетидан эса 500 баробар кўп дегани!

Коллежни молиялаштиришнинг асосий улуши штат бюджетидан ажратилиши эътиборга молик, жумладан, қишлоқ хўжалик фани учун штат федерал ҳукуматта нисбатан 3 баробар кўпроқ маблағ ажратган.

Илмий-тадқиқот ишлари тажриба даласида амалга оширилиб, у бизнинг лугатшунослигимиз бўйича қишлоқ хўжалик институтларининг илмий тадқиқот бўлимларига тўғри келади, тажриба даласининг директори эса, илмий ишлар бўйича институт проректори бажарадиган ишга мосроқ фаолият кўрсатади.

Мен тажриба даласи директорининг ўринбосари доктор Бен Жоунс қабулида бўлдим ва у менга илмий-тадқиқот ишларининг қандай ташкиллаштирилганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Унинг ҳикоясидан мен қўйидағи сўзларни қофозга илдирдим:

— Тажриба даласи дорилфунуннинг ажралмас қисми бўлиб, унинг директори декан муовинларидан бири ҳисобланади. Директор ва мен маъмурий раҳбариятни ташкил қилганимиз ҳолда, тажриба даласи бюджети ҳисобидан тўлиқ маош оламиз. Менинг асосий маъсулиятим — молия масаласи. Директор асосан намояндалик ролини баҳаради, яъни у кўпроқ коллеждан ташқарида иш олиб боради, мен эса унинг номидан иш юритаман. Директорнинг бутунга берилган топширигини мен кечаги қуниёқ бажариб қўйишга ҳаракат қиласман.

— Бизда яна бир неча директор муовинлари бор, уларнинг ҳаммаси бирор дастурга раҳбар ҳисобланади ва биз уларни маъмурий ишлардан ҳоли қўйишга ҳаракат қиласмиз. Менинг бинолар ва иморатларни жиҳозлашга, асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун маъсул бўлган икки ходимим бор, икки котибим эса, маълумотларга ишлов бериш ва ёзув-чизув ишларини юритиш билан машғул бўлишади.

Турли миқдордаги — 12—15 дан — 75—80 кишигача ходимлари бўлган 8 та бўлим ва 3 та лабораториямиз мавжуд. Улар етарли даражада мустақил. Бизнинг вазифамиз илмий-тадқиқот ишлари ижросини енгиллаштириш, мувофиқлаштириш ва уларни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқишида кўмаклашишдан иборат.

Тажриба даласида тажриба майдонлари тармоғи мавжуд. Иллинойс — йирик штат. Унинг сарҳадлари шимолдан жанубга қараб 650 км га, фарбдан шарққа қараб 325 км га чўзилган.

АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги илму фанга 1 миллиард доллардан кўп маблағ ажратди. 658 миллион долларни илмий тадқиқот хизмати орқали, тўловларнинг қолган қисмини эса, штатлардаги илмий-тадқиқотларнинг кооператив Хизмати орқали амалга ошириди. Дорилфунун ўз улушкини иккинчи манба орқали олади. Унга штат бюджети ва бошқа манбаалардан ажратилган маблағлар ҳам кўшилади.

— Вазирлик томонидан раҳбарлик қандай йўлга қўйилган ва сизлар қандай ҳисобот берасизлар? — қизиқиб сўрадим мен.

— Мамлакатнинг яхлит ҳудуди тўртта регионга бўлинган бўлиб, Иллинойс ўн битта штат билан биргаликда Шимоли-Марказий регионга киради. Офисда бор-йўғи икки нафар ишдан озод қилинган ходим мавжуд, уларнинг бири ижрочи директор ва иккинчиси котиб ҳисобланади. Бугунги кунда офис Канзас штати Манхеттен шаҳрида жойлашган. Кимнинг директор бўлиб сайланишига қараб, офис ҳам ўша жойга кўчирилади. Директор маошининг 60 фоизини бюджетдан олади, қолган 40 фоизини эса тажриба далалари тўлайди. Биз бир йилда тўрт маротаба йиғилишамиз, шунингдек, бизда тажриба далалари Ассоциацияси мавжуд.

Менинг ойлик маош тўғрисида берган саволимга мистер Жоунс қўйидагича жавоб берди:

— Олимларимиз 30 мингдан 70 минг долларгача йиллик иш ҳақи олишади. Дорилфунун уни йил давомида тўлаб боради, лекин иш ҳақи расмий равишда 9 ой учунгина ёзилади. Яъни, қаердадир қўшимча ишлаш имконияти берилади. Кўпгина олимлар ўқитиш, илм-фан ва жория ишини турли даражада бирга қўшиб олиб боради.

Шу пайт кабинет эшигидан котиба қиз бош сукди ва шундай деди:

— Сизни тажриба даласи директори йўқлаяптилар, у киши бир фурсатгагина кирган экан.

Доктор Дон Холт очиқ чеҳрали, хушмуамола, истарали киши бўлиб чиқди.

Бизнинг тажриба далаларимиз директорлари одатда, амалиётчилардан бўлишса, бу киши эса кўпроқ файласуфларга монанд эди.

У сұхбатни қуйида мен ёзиб олган сўзлар билан бошлади:

— “Энг яхши илмий лойиҳалар — тола ишлаб чиқаради. Энг яхши илмий-тадқиқот дастурлари бу толани ипга айлантиради. Энг яхши институтлар эса яхши йўлга қўйилган илмий тадқиқот ишлари ва таълим дастурлари орқали бу ипларни миллатнинг технологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тўқимасига айлантиради”.

Бу — менинг таърифим. Тўқимачилик ишлаб чиқарishi билан мен тасодифан бундай образли таққослаш қил-

ганим йўқ. Балким, сизга бунинг қизиги йўқдир, бироқ менинг Теофилус Холт исмли бобомнинг бобосининг бобоси 1800 йилларнинг бошларида Дерби номли инглизлар шаҳрида тўқимачилик фабрикасининг хўжайини бўлган. У Дебри шаҳрида яшаган, механик тўқима мосламасининг ихтироиси Самуэл Слейтернинг замондоши бўлган.

Суҳбатдаги бундай бурилиш мени қизиқтириб қолганлиги боиси сўнгти йилларда ВАСХНИЛ тизимида ва кейинчалик Қозоғистон Академиясида фундаментал ва амалий тадқиқотларни молиялаштириш ҳажмининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала устида қизғин баҳслар юритиларди. Давлат фан ва техника кўмитаси ходимлари ва шунингдек, уларга мутасадди бўлган партия раҳбар ходимлари фақат фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш керак, деган фикрда эдилар, амалий тадқиқотлар эса асосан, хўжалик шартномалари ҳисобидан олиб борилиши лозим эмиш...

Қизиқ, бу каби ишлар Америка Кўшма Штатларида қай йўсинда йўлга кўйилган экан?

Профессор Холт сўзларига қараганда, етмишинчи йилларда АҚШда амалий тадқиқотларнинг устун бўлишига танқидий муносабат намоён бўла бошлаган, дорилфунунлар тажриба даласи тизимида уларнинг нисбий ҳиссаси 63—64 фоизни ташкил қилган бўлса, 1988 йилга келиб, у 56 фоизгacha камайиб кетди.

— Тадқиқотлар самарадорлигига у қандай таъсир кўрсатди?

Гарчи, менга унинг учрашув учун вақти жуда кам эканлигини таъкидлашган бўлишсада, суҳбатдошим қанд солинмаган қаҳвадан бир ҳўплаб олар экан, шошилмасдан гап бошлади. Афтидан у Бошқа аудиторияларда ҳам билдирган мулоҳазаларини менга яна бор сўзлаб бериб мустаҳкамлаб олмоқчи эди. Бу олинган натижалар ўтказилган тадқиқотлар фойдасига ҳал бўлмаганли сабабли ҳам муҳим эди. Мана, у менга нималарни сўзлаб берди:

— Маълумки, илмий тадқиқотлар ўтказишнинг иккита тизими мавжуд. Кетма-кетлик тизимига биноан, қуйидаги босқичлар кетма-кет амалга оширилади: фоя — мақсад — муҳим фундаментал тадқиқотлар — ишлаб чиқариш тадқиқотлари — амалий тадқиқотлар — технологияни узатиш — амалий билимлар. Кетма-кетлик тизимидан фа-

рекли ўлароқ, параллел тизимда барча босқичлар аввалидан-охиригача бир пайтнинг ўзида ташкиллаштирилиши кўзда тутилади.

Гарчи, биз иккинчи андоза тарафдори бўлсакда, аммо фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш анча юқори бўлғанлиги сабабли, биринчисидан фойдаланишга мажбурмиз. Кетма-кетлик тизимининг асосий камчилиги шунда-ки, аксарият ҳолларда фундаментал тадқиқотлар охирги амалий мақсад билан боғланмаганлиги сабабли ҳам, улар у қадар самарали эмас. Масалан, параллел тизим самарадорлигига қурол ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ўтказиш, энг ёрқин мисол бўла олиши мумкин. Японияликлар бу тизимни кенг қўлламоқда. Шунинг учун ҳам, улар биздан анча олислаб кетишиди. Мисол тариқасида сўз юритадиган бўлсак, улар бир вақтнинг ўзида ҳам янги маҳсулот яратиш устида, яъни уни 25 фоизга яхшилаш мақсадида, ҳам унинг ўрнини боса оладиганларини ишлаб чиқариш устида бош қотирмоқда.

Менинг навбатдаги ҳамсуҳбатим профессор Жон Ван Эс гапга қўшилди. У менга социологик тадқиқотлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Тупроқни емирилишдан ҳимоя қилишнинг социологик нуқтаи назари мени беҳад қизиқтириб қолди.

Сўнгги йилларда АҚШда тупроқни емирилишдан муҳофаза қилиш бўйича энг муҳим тадбир — 1985 йилда қабул қилинган “Озиқ-овқат муҳофазаси” ҳақидаги Конун ҳисобланиб, унинг бир бўлимида ер, сув ва ҳавони консервациялаш ёки сақлаш ҳақида сўз юритилади. Консервация моҳияти 4 дастурни ўз ичига олади: — заҳира-ларни консервациялаш, дастлабки ҳимоя тадбирлари, ўтлоқ қоплами ва ботқоқсимон жойлар муҳофазаси.

Бу дастурлар мазмунни тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз. Заҳираларни консервациялаш дастури (ЗКД) нинг мақсади 10 йил давомида 18 миллион гектар ҳайдаладиган ерларни қайта ишловдан чиқаришдан иборат. Дехқонларга КХМни чиқарганликлари учун бадал тўланади. Биринчи навбатда кучли эрозияланган ерларга қайта ишлов берилади.

Конун бўйича ЗКД ерлари дарахт кўчатлари, буталар ёки ўтлоқ ўтлари ётқизилиб ҳимояланган бўлиши керак. Сарф қилинадиган харажатларнинг бир қисминигина ҳукумат ўз зиммасига олади. Бундай ерларда қишлоқ хўжа-

лик маҳсулотларини етиштириш бугунлай тақиқланади. Ҳатто, пичанларни ўриб-йигиб олиш ҳам Вазирликнинг маҳсус қарори бўйича амалга оширилади. Дастурлар қоидаларига амал қилишни Ерни Асраш Хизмати оралатиб (бир йилда 15 фоизга яқин шартнома) назорат қиласди.

Иккинчи дастур “Ер ҳимояси битими”, деб номланади. Бунда эрозияланган ер эгалари емирилишга қарши кураш режасини ишлаб чиқишади ва уни бажариш мажбурий ҳисобланади.

Учинчи дастур “Содбастер” деб номланиб, емирилиш ҳавфи бўлган майдонлардан иборат ерларни фойдаланишдан чиқариш мақсадида фаолият юритади.

Тўртинчи дастур “Свомбастер” деб номланади ва ботқоқликка мойил ҳамда намгарчилиги анча юқори бўлган майдонларни фойдаланишдан чиқаришдан иборат. Бу тоифага вегетация даври мобайнида камида 15 кун давомида муттасил сув босадиган майдонлар киради.

Ҳар қандай дастурнинг бузилиши ҳукумат томонидан фермерларни қўллаб-қувватлаш дастуридан четлаштиришга олиб келади.

Профессор Ван Эс тадқиқотлар натижалари ҳақида ҳикоя қилди. 500 нафар фермерларга тавсиф бериш бўйича ўртача маълумотлар куйидаги кўринишга эга: ёши — 50 ёшда, фермерлик фаолияти — 28 йил, мазкур округда яшаганлик муддати — 40 йил, хусусий ер майдони — 84 га, ижара ери — 95 га, экин майдони — 140 га. Даромад манбаи: фаллачиликдан — 70%, чорвачиликдан — 19%. Фермерчиликнинг давом этиш эҳтимоли ҳақидаги саволга, сўралганларнинг 15 фоизи — кам эҳтимолли, дея жавоб беришди. 63 фоиз фермерлар ўз фаолиятида таваккалчилик қилишга тайёр, 41 фоиз эса ферманни болаларига қолдиришни хоҳлашади, қолганлари (21%) ёки хоҳлашмайди ва ёки бирор қарорга келишмаган.

Округ фермерлари томонидан жону дилдан қўлланадиган тупроқ муҳофазаси усуллари — қўлмак сув ҳавзалирини ўтлоқларга айлантириш (52%), майсазорлар барпо қилиш (37%) ва ўтлоқ ҳалқа-туткичлардан (полоса-фильтр) фойдаланишдан иборат. Шу билан бир вақтда фермерлар ерга погоналаб ишлов бериш, замбруглар ўтқазиш, назорат-ҳалка деҳқончилиги, ўрмон ҳалқаларини экиш ва жарликларни текислаш каби усулларни деярлик қўллашмайди.

Бизнинг тасаввуримизда АҚШ деҳқончилигига ерни муҳофаза қилиш тизими кенг тарқалган, маълумотлар эса аслида бундай эмаслигини кўрсатади.

Мен ўзимнинг ажабланганлигимни баён қилдим, бунга жавобан америка профессори социологик тадқиқотлар маълумотини келтирди ва фикримча, бу қайсиdir маънода вазиятга аниқлик киритади.

33 фоиз фермерлар фермер ерга ишлов беришнинг но-муҳофазавий усулидан фойдаланиш ҳукуқига эга эмаслигидан норози, 58 фоизи ерда қандай ишлаш учун фермерга ҳеч ким буйруқ беришга ҳақли эмас ва фақаттина 31 фоизи ер кучли эрозияга учраган пайтида фермер маълум тавсифномалар тартибига бўйсуниши керак деб ҳисоблади.

Фермерларнинг шудгорни консервация заҳирасига ахратиши учун ҳар бир гектарга 209 доллардан кам бўлмаган тавон тўлашни талаб қилишига ақл бовар қилмайди. Бизларда-чи, давлат ҳўжаликлари мавжуд ер майдонларига бир бошидан экиб чиқишиди, шу жумладан емирилиш хавфи кучли бўлган ерларга ҳам. Наҳотки, биз экологик ҳалокат юз беришини кутиб яшяяпмиз? Ерни ҳимоя қилишга қаратилган ерни экишдан чиқаришни ҳам ўз ичига оладиган комплекс қонунлар ишлаб чиқишимиз лозим. Энг муҳими АҚШда ер майдонларининг қисқартирилиши маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келмади, чунки муомаладан энг яроқсиз ерларгина чиқарилади.

Жорий қилиш хизмати директори Дон Ютман ўз ташкilotининг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Бу Хизмат федерал даражасидаги қишлоқ ҳўжалик Вазирлиги (177 киши) ва дорилфунун таркибига киради. 1991 йилда Иллинойсда Жория хизмати 40 миллион долларлик йиллик бюджет, жумладан федерал ҳукуматдан 10 миллион долларлик маблағга эга бўлган эди. Хизматнинг 100 та офиси бор, яъни ҳар бир округда биттадан офис жойлашган бўлиб, уларда 250 нафар дала ходимлари фаолият кўрсатади. Бундан ташқари 80 нафар олим жорий қилиш дастури учун маъсул ва улар ўз фаолиятларини ўқитувчиклик, ёки илм-фан билан биргаликда олиб боради.

Бизда ҳам айнан шунга ўхшаш ташкилотлар борми? — деган савол ўз-ўзидан пайдо бўлади. Йўқ, уларнинг ўрнини қайсиdir даражада турли ташкилотлар бажаради.

Инглиз тилида “жорий қилиш” деган сўзнинг ўзи йўқ. Луғат бўйича “икстеншн” сўзи узайтирилган деган маъ-

нони билдиради, яъни образли қилиб айтганда, бу — билимни фандан ишлаб чиқаришга узатувчи восита деб тушиналади. Бизда бу иш билан қишлоқ хўжалик институтларининг малака ошириш курсларида, илмий тадқиқот институтлари семинар ва илмий кенгашларида давлат ҳамда жамоа хўжаликларида дала ишчилари вазифасини бажарадиган мутахассислар шуғулланишади.

Жория хизмати қайта қуриш даврини бошдан кечирмоқда, деди Дон Ютман. Бунга бюджетнинг қисқариши туртки бўлди. 1982 йилда президент Рейган бюджетни 60 фоизга қисқартиришни таклиф қилган эди. Ҳақиқатан ҳам керагидан ортиқ товар ишлаб чиқариш мамлакатта бош муаммога айланган пайтда, бундай хизматнинг нима кераги бор! Донга қараб туриб, мен ўз муаммоларимни кўз олдимга келтирдим: бизлар ҳам штатларни 30 фоизга қисқартиридик, фақат фарқи шундаки, бизнинг институтимизни қисқартиришсиз ҳам сақлаш харажатига биргина Ютманнинг маошининг ўзи етарли экан.

Шунингдек, Жориянинг дастлабки шаклларидан ташқари, АҚШ да бу хизмат оиласи мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёшлиарни юксалтириш, заҳираларни бошқариш билан ҳам шуғулланади. Болалар билан ишлашга алоҳида аҳамият берилади. Дастурлар доимо қўпроқ билишга, мустақил бўлишга, етакчилик қила олишга интилишга қаратилган. Бу масалада жорий қилиш хизмати ходимларига кўнгиллилар ёрдам беришади, уларнинг умумий сони 3 миллиондан зиёд.

Статистика маълумотлари кўнгиллилар томонидан Жория хизмати учун сарфланадиган вақт харажати бутун Хизмат бюджетидан 5 баробар кўплигини кўрсатади. Ўтра ҳисоб билан кўнгиллилар жория учун шахсий жамғармасининг 130 долларини сарфлашади.

Жория хизмати директори мувовини Питер Блюм — пишиқ жуссали, сарфиш сочли кимса мени ўзининг ишхонасига бошлаб борди. Ходимлар ва котибаларнинг ёнларидан ўтар эканман, уларнинг ҳар бирининг олдида шахсий компьютерлар борлигига диққатимни қаратдим. Америка хизматчилари кўпгина ҳолларда анча тор шароитларда, бир хонада бир неча киши бўлиб ўтиришади. Бирор бир зарурат бўлмаса, бутун иш куни давомида иш жойларидан қўзғалишмайди, ишга тегишли бўлмаса ҳеч қачон ўзаро сұхбатлашишмайди, телефонда хизматдан ташқари ҳеч қандай сўзлашиш йўқ.

Питтер Иллинойснинг ғарбий қисмидаги Сент-Луис шаҳридан унча олис бўлмаган фермада туғилган. Ферма ҳозир унинг укасининг кўл остида. Питтернинг сўзларига қараганда, улар фермада улгайишган пайтида майдони 120 гектар ерда тўрт далали алмашлаб экиш “буғдой—беда—соя—маккажўхори” хукм сурарди. Иккита сигири бор эди, бузоқлар ва чўчқаларни семиртириш учун боқишиарди, 600 та тухум қиласиган товуқлари бор эди. Ҳозир эса ўсимликлардан фақат маккажўхори ва соя қолган. Укаси товуқларни ҳалиям асрайди, лекин бу ўзига хослик эмас.

Уч кундан кейин эрга билан мен дорилфунун шаҳар-часидан Иллинойс штати бўйлаб сафарга чиқдим. Жория хизматининг олтита регионал марказидан бирининг раҳбари Ролли Маттерс машинани бошқариб борарди. Ролли — олтмишларни қоралаган, калта бўйли, бақалоқ кимса эди. Гарчи, АҚШга унинг катта бобоси кўчиб келган бўлсада, ҳали ҳам унинг немислардан келиб чиқғанлиги сезилиб туарди.

Ролли прибор кўрсаткичига кўз югуртириди ва бензин сарфланишини ҳисоблаб чиқди. У ҳам бошқалар сингари хизмат сафарларига ўз машинасида боради, маъмурият эса унинг йўл харажатларини километраж бўйича тўлайди. Мен ҳар бир мил учун 15 цент тўлайман, меъёр бўйича 25 цент белгиланган, деди мамнунылик билан Ролли.

Бу америкаликларнинг ўзига хослигидир. Роллининг икки оиласига етадиган каттакон уйи бор, бошқа шаҳарларда ҳам уйлари мавжуд, мундоқ ўйлаб қарангда тежаш учун ҳеч хожат йўқ. Лекин, барибир тежашади. Маълум бўлдики, уларга кунлик овқатланиш учун 25 доллардан, меҳмонхона учун 53 доллардан тўлашар экан.

Мен ўзимга ҳар бир кеча-кундуз учун 200 рубл тўла-нишини айтишини лозим топмадим. Яна ҳамсұхбатим ҳайратдан машина чамбарагини бошқаришни ҳам эсдан чиқариб юбориб, бирон кор-ҳол бўлиб юрмасин деган хаёлга бордим.

Биз 1,5 соат мобайнида Ролли йўлбошчилик қилаётган, Жория хизмати регионал маркази жойлашган Эфингама шаҳрига етиб келдик.

Атрофига қурилиш ишлари — пойдевори қазилаётган нисбатан унча катта бўлмаган бино ёнига келиб тўхтадик. Роллининг сўзларига қараганда, асосий бинога кў-

шимча қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Қурилиш хуқуқини қўлга киритиш мақсадида тўққизта фирма кўрик танловида қатнашган, энг маъқул фирмани танлашда экспертлар ёрдамига мурожаат қилинган.

Эсковаторчи ва юкни ўзи афдарадиган кучли автоуловларнинг унумли ишлашини кузатар эканман, хаёлимдан ўтказдим: “Мана буни ҳақиқий бозор деса бўлади! Тўққизтадан энг зўрини танлаб ол! Биздачи, битта ПМК бошлиғи орқасидан тўққизта буюртмачи эргашиб юради, бу — бозор эмас, монополиянинг ўзгинаси-ку!”.

Мажлислар хонасида Ролли барча мутахассисларни йиғиб, ҳар бир киши бажараётган ишлари тўғрисида қисқача гапириб беришини сўради. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, америкаликлар инсон исмими қисқартириб аташни одат қилишган ва мен ҳам уларни шундай атамоқчиман. Бўлиб ўтган сұхбатнинг қисқача мазмунини қўйидағи сатрларда келтираман:

Ларри: — Дончилик-чорвачилик фермасида туғилиб ўсдим, маълумотим бўйича агрономман, магистр даражасига эгаман, Жорий этиш хизматида 32 йилдан бўён ишлаб келаяпман, округда саккиз йил ишлаганман. Маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларини юксалтириш устида ишлаймиз. Бунда деҳқончилик тизими иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши керак, озиқ-овқат ва сувнинг сифати бўйича ташвишимиз ортиб бормоқда. Энг сўнгги йўналишларимиздан бири — барқарор деҳқончиликка эришиш. Тўғриси, бунинг моҳияти нима экалигини ҳали ҳеч ким дурустроқ тушунмайди.

Тэд: — Сутчилик фермасида туғилганман, муҳандис-механикман, компанияда ишлаганман, фермам бор, оилалиман, уч нафар фарзандни вояга етказаяпмиз, Жория хизматида 12 йил ишлаганман. Молхоналар муаммолари, гўнгдан фойдаланиш тизими, қуёш нуридан фойдаланишнинг энергетик тизими ва донни сақлаш тизимлари билан шуғулланаман.

Том: — Чорвачилик-дончилик фермасида туғилдим, Канзас дорилфунунида зоомухандислик маълумотини олдим, 13 йил Коулс округида жорий қилиш бўйича маслаҳатчи бўлиб ишладим, ҳозир эса гўштта боқиладиган моллар ва қўйчилик муаммолари устида ишламоқдаман. Бу штатда АҚШнинг энг йирик гўшт комбинатлари жойлашган. Озиқлантириш самарадорлиги ва харажатларни

камайтирган ҳолда, гўштнинг ёғи кам бўлган бўрдоқи моллар селекцияси муаммолари бўйича иш юритмоқдамиз.

Эд: — Чўчқачилик билан шуғулланаман. Асосий муаммо — қандай қилиб ёғсиз чўчқа гўшти олиш мумкинлигини ўрганмоқдамиз. Ҳозир гўшт комбинатларида ҳар бир чўчқа гўштининг сифати алоҳида аниқланади.

Лорри: — Индианадаги сут-товар фермасида туғилганман, Пердю дорилғунунида маълумот олганман. 4 Х тизими (Харт — юрак, Хендс — кўллар, Хелс — саломатлик, Хэд — бош) бўйича болаларни ўқитувчи кўнгилли раҳбарлар учун таълим дастурларини тайёрлаш билан шуғулланаман. Энтомология, тупроқ ҳимояси, етакчилик маҳоратини ошириш бўйича дастурларимиз мавжуд.

Уэнди: — Фермада туғилғанман. 4 Х тизими бўйича болаларни тарбиялашда маслаҳатчи бўлиб ишлайман: раҳбарлик сирларини, ҳисоб юритишни эплашни ўргатаман, округларда янги дастурлар ишлаб чиқиша кўмаклашаман.

Шу ерда мени олдиндаги кунни бирга ўтказишим лозим бўлган оила билан таниширишди. Линда ва Дон Шмит — отаси, қизи ва ўғли: Дон, Дэлрин ва Давид исми билан аталувчи “Уч-Д” номли ферманинг соҳиби. Линда ўз ихтиёри билан Жорий қилиш хизматида фаолият кўрсатади. Рўзгор иқтисодиёти бўйича мутахассис ва унинг сўзларига қараганда, у ферманинг асосий ишчи кучи. Шунингдек, Дон болаларни тракторларга қарашни ўргатиш мақсадида Жория хизмати билан ҳамкорлик қиласди. Ва буларнинг ҳаммасини ихтиёрий равишда бажаришади!

Улар соя дуккаллари Америка Ассоциацияси таркибига киради, Ассоциация йўланинмаси ва йўналиши бўйича ўтган йили икки маротаба Украинаға бориб келишади.

— Ундан бўлса фермада ким ишлайди, — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

Фермадаги асосий ишларни ўзлари уddyалашлари, уларнинг жавобларидан шундоққина сезилиб турарди.

Улар чорвачилик билан ўзларини унча уринтиришмайди, онда сонда буқачалар олиб семиртиради, холос.

150 гектар маккажўхори, 110 гектар соя ва 16 гектар ерда икки хил ўсимлик — кузги буғдой ва соя етиштиради. Маккажўхорининг ҳосилдорлиги гектаридан 95 ц, сояники — 34 ц, буғдойники — 32 ц ва буғдой ўрнига экилган сояники — 26 ц. Бир хил харажат — гектарига 600 доллар атрофифа сарф қилганлари ҳолда ҳамма кўрсатичлари округдаги ўртачадан бир ярим баробар юқори.

Ден ва Линда 45 йиллик тажрибага эга бўлган фермерлар, улар 1954 йилдан буён тупроқ таҳлили учун 700 доллардан пул тўлайди ва ер айнан етилган даврида озиқ элементларининг таркибий харитасига эга бўлишади. Ҳафтасига бир маротаба 20 доллардан тўлаб, ўсимликлар ҳимояси бўйича ахборот варақасини олишади.

Маккажўхори дурагайларини синовдан ўтказиш бўйича “Пионер” фирмаси билан ҳамкорлик қилишади.

Спортдаги, мусиқадаги ва ... қишлоқ хўжалигидағи эришган ютуқлари учун тақдирланган совринлар билан тўлиб тошган ўғлининг хонасига дам олиш учун кириб ётдим. Куйи синфларда Давид баскетболда аниқ мўлжалга уриши учун, йирик қадамлар ташлаб югириладиган катта пойгода эришган муваффақиятлари учун, юқори синфларда эса бейсбол ва ансамблда гитара чалиши бўйича юксак мукофотларга сазовор бўлган. Боланинг қишлоқ хўжалиги билан жиддий шуғуллангани тўғрисидаги гувоҳнома мен учун қизиқ ва айни пайтда америкаликлар учун одатий бир ҳол эди. Давид 14 ёшида буқачаларни сўқимга боқиши бўйича кунлик ўсишни 1,3 кг га етказишга мушарраф бўлгани учун регион чемпиони экан. Албатта, бола бор-йўғи биттагина буқачани семиртирган бўлсада, бироқ унинг кўрсаткичи жуда ажойиб эди.

Фермернинг ўғли 15 ёшидан бошлаб маккажўхори ҳосилдорлигини юксак даражага кўтаргани учун бир қатор совринлар эгаси бўлган: ҳар бир гектаридан 1985 йилда — 122 ц, 1986 йилда — 134 ц, 1987 йилда — 116 ц. У 1986 йилда буғдой, 1987 йилда эса мойли ўсимликлар ҳосилдорлиги бўйича штат ғолиби бўлган.

Нафақат боланинг ҳар томонлама муваффақиятлари, балки штат биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда Американинг бўлажак фермерлари ҳисобланмиш 5 минг ёш тадқиқотчи қатнашгани кишини қойил қолдиради!

Дон бизларни қўшни фермерларни кига ҳам олиб борди. Бир томонда Вахтел оиласининг йирик фирмаси. Фермада оила бошлиғи, икки ўғли ва уларнинг умр йўлдошлари ҳамда бир нафар ёлланган ишчи фаолият кўрсатади. Ўзларининг 400 гектар ери бор ҳамда 23 заминдорнинг 800 гектар ерини ижарага олган! Мен қайта сўрадим ва хато эшитмаганлигимга иқрор бўлдим.

600 гектар маккажўхори, 440 гектар соя ва 160 гектар кузги буғдой зироатчилигини, 22500 бош чўчқаларни бўр-

доқига семиртириш билан бирга қўшиб олиб боради. Оила ихтиёрида куйидаги техникалар мавжуд: 250 от кучига эга тўртала филдираклари ҳам тортиш қувватига эга бўлган битта трактор, 160—200 от кучига эга бўлган 3 та трактор ва ҳар бирининг қуввати 125 от кучига эга бўлган яна уч дона трактор, Жон Дир 9500 русумли битта комбайн, 12 қаторли маккажўхори сеялкаси ва бошқа машиналар мавжуд. 10 фоиз намлики қутиладиган, соатига 25 тонна донни ўтказадиган дон қутииш воситаси ҳам бор. Тўнгич ўғил — Геррининг сўзларига қараганда бир кунда намлиги 25—27 фоиз бўлган 300 тонна донни янчиб, қутииш воситасидан ўтказишга улгуради.

Мен ўзимча хаёл сураман: Бизларда бу сингари чўчқачилик комплекси учун камида 100 киши талаб қилинади, ахир чўчқабоқарлардан ташқари яна ўнлаб одамлар биноларга қарашади, озуқа тайёрлаш билан машғул бўлишади, бундан ташқари яна кўриқчи, қоровул, техниклар каби ходимлар бор. Ҳисобчилар, муҳосиблар, иқтисодчилар, бош мутахассислар, омборчилар, ҳайдовчилар, устахона ишчилари, бошқарувчи ва директор меҳнатини қўшиб ҳисоблассангиз, буларнинг ҳаммаси маҳсулот тан нархига бориб тақалади. Чўчқаларни семиртиришдан ташқари фермерлар ўсимликшуносликда катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Бундай ишлар учун бизларда яна қўшимча ҳолда 10 кишидан иборат механизаторлар бригадаси, бригадир, унинг ёрдамчиси, ҳисоб юритувчи, пайвандчи, торозибон, ошпаз, ҳаммомчи ва қоровуллар жалб қилинади. Яъни биз бўлганимизда, қайд этилган гўшт ва донни етиштириш учун алоҳида давлат ва жамоа хўжаликлари тузган бўлар эдик. Уларда эса бор-йўғи тўрт киши бажарайти, уларнинг ҳам бири нафақаҳўр.

Ха, айтгандай, мен учала аёл ҳақида сўз очмабман. Ҳўш, улар нима иш билан машғул бўлишади?

Аёллар донни экишади, ўриб-йифишади, муҳосибот ҳисоби ва ҳисоботи амалларини бажаришади, чўчқа болаларига қараш ҳам уларнинг зиммасида. Умуман олганда, улар гоҳ тракторни йўргалатади, гоҳ комбайн кабинасида тер тўқади.

Сайденс исмли иккинчи қўшниси сутчилик фермасига эгалик қиласди. Унинг 100 бош соғин сигири ва 100 бош подани тўлдирувчи ёш моллари бор. У ўрта ҳисоб билан ҳар бир бош сигирдан 9 минг килограммдан сут соғиб олади.

Улар тўрт киши бўлиб ишлашади: Отаси, ўғли ва яна икки нафар ишчи. Сигирлардан ташқари деҳқончилик билан ҳам шуғулланишади. Яъни, 120 гектар ерда макка-жўхори, 40 гектар ерда кузги буғдой ва 48 гектар ерда беда етиштиришади. Унинг сигирларини кузатар эканман хаёлимдан ўтказдим: агар, мен буларнидан 3-4 барабар кам сут берадиган сигирларимиз ҳақида гапириб берсам, америкаликлар ишонишмаса керак.

Кейинги куни Ролли мени машинасида гарбий Миссурни бўйидаги энг йирик шаҳарлардан бири — Сент-Луисга олиб келди. У Грин округида мени Дейв Диммик билан таништириди, мен у билан уч кун бирга бўлишим керак эди. Дейв 35 ёшлардаги, ковбой қоматли, эгнига жинси, оёғига чарм этик кийиб олган кимса бўлиб, Козоғистонга ташриф буюрувчиларнинг бири экан. У ҳатто рус тилини ҳам оз-моз ўргана бошлаган эди.

Дейв таркибига 7 та округ кирадиган Жорий қилиш хизматида ишлайди. Маълумоти бўйича зоомуҳандис бўлишига қарамасдан, деҳқончилик билан кўпроқ машғул экан. У фермерлар билан яккама-якка мулоқотда бўлади, уларнинг саволларига жавоб беради, намойиш қилинувчи тажрибалар ўтказади. Одатда янгиликлар билан қизиқувчи илғор фермерлар билан учрашади. Унинг ҳам ўз фермаси бўлиб, унда 20 бош наслдор симментал зотли сигирларни парвариш қиласи. Аёли Бекки “Жон Дир” фирмасида ишлайди ва Сэм исмли 7 ёшли ўғлилари бор.

Эрта билан эр-хотин ишларига жўнайди, Бекки ўғлини соати узайтирилган мактабга олиб боради. Мактаб хусусий бўлиб, Лютеран черкови қарамогида. Умуман олганда, АҚШдаги хусусий мактабларнинг ҳаммаси черковларга тегишли бўлади.

Диммиклар уйи олдида, майсазор тепасида Америка байроғи ҳилпирайди. АҚШда байроқ йирик муассасаларга ўрнатилиши билан бир қаторда, у фуқаролар уйида ҳам учрайди. Унинг уйида ошхона, меҳмонхона, болалар хонаси, ётоқхона, ювиниш хоналари мавжуд, уйнинг ертўла қисмида эса битта ётоқхона, катта ва кенг майший хона ҳамда ювиниш хонаси ўрин олган.

Биз эрта билан Эрик исмли фермернига ўтдик, фермернинг аждодлари АҚШга Нидерландиядан келган экан. У фермерларнинг еттинчи авлоди вакили. Деярли жами ер майдони 8 та ер эгасидан ижарага олинган. Унинг 1200

гектар ери бўлиб, 1000 гектари ҳайдаладиган майдон ва шунинг 400 гектарига маккажӯхори ва соя, 120 гектарига эса буғдой экади, қолганлари пичан ва яйловзорга ажратилган.

Эрикнинг фикрига кўра, 1200 гектар ҳайдаладиган ер — мақбул ўлчам. Ерни сотиб олганга нисбатан, ижарага олган макулроқ. 20 йил муқаддам бир гектар ернинг нархи 2500, 15 йил аввал эса — 3200, 12 йил олдин бу нарх — 7500 доллар эди. Бундан ўн йил олдин ернинг нархи 4 минг долларга тушди. Энг оғир йиллар 1982-1987 йилларга тўғри келиб, пулнинг қадрсизланиш даражаси ортган, банк фоизлари қиймати ошган ва ернинг баҳоси тушган эди. Ижарага олиш рақобати ҳам беҳад юксалган эди. Ўрта ҳисоб билан 40% ер шаҳарда яшовчи заминдорлардан ижарага олинган. Ер эгалари асосан нафақаҳўрлар ва ёки ер меросхўрлари бўлган аёллар эди.

Эрикнинг битта 300 от кучига, учта 150 от кучига эга бўлган трактори, иккита майда трактори, бир жуфт комбайни, қамров кенглиги 9 метр бўлган 12 қаторли сеялкаси, битта 12,5 тонналик ва иккита 7,5 тонналик юкни ўзи ағдарувчи юк машиналари бор. Донни оралиқ масофа 50 км бўлган, дарё элеваторига топширади. Соатига 25 тонна ғаллани қуритувчи қуритиш мосламаси бор.

Эрик 1985 йилдан бери ерни плуг билан шудгорла майди, у пайтларда жуда кўпчилик одамлар ер ҳайдарди, ҳозир ҳам кўпчиликда плуг йўқ эмас. Гербициидлар анча арzonлашиб қолди: бир гектар ерга 20 долларлик гербициид ишлатилади, аввалги нарх эса гектарига 37—50 доллардан тўғри келарди, яъни тупроққа минимал ишлов бериш иқтисодий жиҳатдан қулай бўлаяпти. Бугунги кунда леҳқончиликдаги энг катта муаммо тупроқнинг зичланishi. Шунинг учун ҳам Эрик юк машиналарини майдон ичкарисига ҳайдаб кирмайди, аксинча, комбайнларни юқдан майдон чеккасига чиқариб бўшатади ва бунда унинг комбайни маҳсулдорликни 30 фоизга бой беради. Ҳосилини 52 кун давомида йиғиб олади, аввалига кузги буғдойни, ундан кейин эса соя ва маккажӯхорини ўради.

Ферма уруғчиликка асосланган. Эрик уруғни Декалб компаниясидан сотиб олади, уни кўпайтиради ва кейин фермерларга сотади.

Ер қандай шарт билан ижарага олинишига қизиқдим.

Бу ерда энг кенг тарқалган ижара тури “элликка эллик” ҳисобланади ва мен ҳам шунга амал қиласман. Бу

тартиб ишлаб чиқаришга баробар харажат қилиш ва олингандан фойдани ҳам тенг бўлишдан иборат. Ер эгаси ерни ижарага бериш йўли билан ўз ҳиссасини қўшади ва шунингдек, айрим йирик харажатларнинг бир қисмини кўтариши. Ижаранинг бу тури фермер учун пулга берилган ижарадан кўра анча хавфсиз. Бу жойларда 90 фоиз ижаралар ижаранинг “50 га 50” тури бўйича амалга оширилади.

Шундан кейин Вагнер исмли тадбиркор ва унинг ўғли Дугласнинг бизнеси билан танишдик. Улар металлдан ясаладиган дон омборларини йиғишиди ва ўрнатишади. Бу иш билан кўпроқ унинг ўғли шуғулланади. Авваллари йилига 50—60 та металл омбор сотарди, ҳозир эса 10—15 та ҳажми 85 дан 500 тоннагача бўлган металл омбор сотади. Бундай дон омборларининг баҳоси унинг сифимига қараб белгиланади, ўртacha ҳисоб билан бир бушел донга 1 доллардан кўпроқ ҳақ тўланади, яъни 500 тонналик металл омбор тахминан 20 минг доллар туради.

Бизнеснинг иккинчи тури — гербицидларни сотиш ва уларни сепишининг сервис хизмати. Агар гербициднинг баҳоси гектарига 20 доллар бўлса, уни сотиб олиш ва септириш фермер учун 50 долларга тушади. Бундан ташқари уларнинг 28 гектарлик ери бўлиб, унга маккажўхори ва соя экади. Вагнерларнинг учта доимий ва уч нафар мавсумий ишчиси бор.

Катта Вагнернинг ёши олтмишлар атрофида бўлишига қарамасдан, унинг отаси ҳалиям ҳаёт бўлиб, чолнинг ёши тўқсондан ошган. Мен креслода ётган отахон билан саломлашар эканман, ўзимни Қозоғистонлик дея таништирдим, унинг ўғли дарҳол Россиядан деб сўзимни тўғрилаб қўйди. Ростдан ҳам олганда, АҚШда нафақат 90 ёшли чоллар, балки 30 ёшли америкаликлар орасида ҳам Қозоғистонни билувчилар камдан-кам учрайди.

Пиво ичиб, суҳбатлашиб ўтирганимизда Билл Грисвold исмли қўшниси, электр истеъмолчилари Ассоциациясининг директори ташриф буюрди. Ассоциация таркибига 11 минг аъзо кирав экан.

Унинг ҳам 560 гектарлик фермаси бўлиб, ернинг тенг ярми ўзига тегишли, қолган ярми эса уч нафар ер эгасидан ижарага олинган. Биллнинг ёши олтмишда. Ферманинг ишларини Грэг исмли ўғли ва бир нафар ишчи удалайди. Ернинг тенг ярмига маккажўхори, 120 гектари-

га соя ва 40 гектарига бүгдой экади, қолган қисмини эса моллар учун яйлов сифатида ишлатади.

Вагнер хўжалигидан чиқиб, ОРР илмий-тадқиқот марказига бордик. Бу ерда атамаларимиз турлича эканлигига яна бир бора икror бўлдим. Биз келган жой бизнинг тушинчамиз бўйича тажриба даласига тўғри келар экан. Ер майдони 112 гектар, шунинг 25 гектари ҳайдаладиган ер, қолган қисми яйлов ва ўрмон учун ажратилган. Дехқончилик бўйича барча тажрибаларни бир илмий ходим ва бир бригадир олиб боради, агар маблағ етарли бўлса, мавсумий ишчиларни ҳам жалб қилишади. Улар дорилфунун олимлари томонидан ишлаб чиқилган режага мувофиқ дехқончилик, ўсимликшунослик ва агрохимияга оид тажрибалар ўтказишади. Лаборантлар сифатида ёнгинасида жойлашган коллеж талабаларидан фойдаланишади.

Қаторлар оралиғи унчалик катта эмас, масалан, маккажӯкорини тупроққа ишлов бериш тажрибаси бўйича 12 қатор, ўғитлар бўйича — 6 қатор, нав синаш бўйича — 3 қатор, уларнинг узунлиги шунга мутаносиб ҳолда 30, 15 ва 6 метрдан иборат. Олимлар бу ерда деярли бўлмайди, улар тайёр маълумотларни олишади. Яъни, бу ерда олимлардан бевосита белгиланган топшириқ бўйича фойдаланилади: тояни шакллантириш, дастур ва услуг ишлаб чиқиш, маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш. Бизда эса олимлар бир неча кун сарсон бўлиб, ҳар қадамда бузиладиган тракторни олиш, қайсиdir қисмини кимдир ечиб олиб кетган қишлоқ хўжалик машинасини тузатиш ва бошқа қатор муаммолар билан овораи-сарсон бўлиб кун ўтказади. Бу ердаги пайкалчалар ўлчами ҳам эътиборга молик. Бизда улар бир қадар катта.

Дейв мени иқтисодиёт қўмитаси аъзолари билан таништируди. Бу қўмитанинг Маъмуриятчиси ва унинг котибигина бошқа ишлардан бутунлай озод этилган. Қўмита ҳафтасига бир марта йиғилади ва округ иқтисодиётининг фаол муаммоларини муҳокама қиласиди.

Жорж Марин истеъфодаги генерал-майор экан. У 200 гектар майдони бўлган фермага эга. Фалла хўжалиги ва пичан ўриш бўйича техникаси бўлган ёш бир йигит билан ҳамкорлик қиласиди. Унга ўғит ва химикатларни “Фермер таъминоти” номли сервис хизмати етказиб беради. Чорвачилик билан унинг ёлғиз ўзи машғул.

Боб — кўмита маъмури, ишчи жойларини кўпайтириш мақсадида, янги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконият яратмоқ, асосий вазифамиз — дея тушунтириш берди. У кўмита аъзоларига ишлаб чиқилган дастурлар ва уларнинг қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот беради.

Кўмита президенти Ленс исмли кекса киши экан. Унинг қуидаги сўzlари ёдимда қолди: “Шу ерда бир умр яшадим. Ҳаёт эса — чорванинг оқшомги ким ошди савдоси эмас!”.

Луис фермасининг ер майдони 400 гектар. Ўсимлик ва ҳайвонлар тури кўпчиликники сингари: маккажӯхори, соя, чўчқалар. Ташқаридан ёлланган ишчи олмайди. Асосан, икки ўғили ёрдам қилишади. Иқтисодий кўмитанинг бош муаммоси — ёшларни иш билан таъминлаш.

Ушбу йиғилишда яна икки нафар: Билл ва Чарли исмли нафақаҳўрлар ҳам бор эди. Йиғилишни кузатар эканман хаёлимдан ўтказдим — бизларда қарилик бўйича нафақаҳўрлар фақатгина ветеранлар клубида ишлашади, буларда эса уларнинг кўп йиллик тажрибасидан жамиятни иқтисодий ривожлантириш борасида фойдаланишади. Иккинчидан, АҚШда нафақа ёши 65 ёш эканлигига қарамасдан нафақадаги қариялар қишлоқ хўжалигига фаол меҳнат қилишади.

6 апрел куни эрталаб биз Дейв Диммик билан биргалиқда қўшни Миссури штатида қад кўтарган Сент-Луис шаҳрига қараб йўл олдик. У ерда биз Монсанто компанияси илмий-тадқиқот марказига ташриф буюришимиз керак эди. Республикализнинг барча деҳқонларига ёввойи сулига қарши ишлатиладиган авадекс БВ ёки триаллат гербицидлари жуда яхши таниш. Айтгандай, БВ бу — буғдой ва арпа сўzlарининг инглизча бош ҳарфидан олинган. У буғдой ва арпа ичидағи ёввойи сулини йўқ қилалигиган гербицид. АҚШда кенг тарқалган, буғдойиқ ва бошқа бегона ўтлар билан курашишда кенг қўлланиладиган раундап гербициди бизда унчалик маълум эмас.

Сент-Луисдаги биотехнологик илмий-тадқиқот маркази 1100 ходим ва 120 миллион долларлик йиллик бюджетга эта. Монсанто компанияси фанга ҳаммаси бўлиб 612 миллион доллар сарфлайди ва бу кўрсаткич сотув ҳажмининг 7 фоизини ташкил қиласиди.

Монсанто биотехнологиянинг уч соҳаси бўйича тадқиқотлар олиб боради: ўсимликшунослик, чорвачилик ва соғлиқни сақлаш. Бу ерда касаллик ва зааркундаларга чидамли бўлган ўсимлик турлари яратилади. Масалан, БТ бактерияси генини пахта ўсимлигига жорий қилиш барг кемирувчи капалак қуртига нисбатан чидамлилигини оширишга ёрдамлашади. Бу пахтага инсектицидларни қўллашни 35—40 фоизга камайтириш имконини беради.

Марказни кўриб чиққандан кейин мен Канзас дорил-фунунинг Форум Хейс тажриба станциясида бегона ўтлар муаммоси билан шуғулландиган олим Фил Столман билан танишдим. У Шўртандда (Қозогистон) бўладиган Халқаро симпозиумда қатнашиши сабабли, атайин мен билан учрашиш ва ушбу масала юазасидан батафсил суҳбатлашиш истагида бу ерга хотини билан ўз машинасида келди. Фил Столман етти юз километр масофа босган эди. Лекин йўллари ажойиб бўлган америкаликлар учун бунча масофанинг ҳеч қийинчилиги йўқ. Худди шунча куч сарфи бизнинг йўлларда икки юз километрга тенг.

Ёввойи Farbga кетадиган йўлни билдирувчи, Миссисипи дарёси бўйидаги баландлиги 100 метр бўлган Аркга лифт орқали чиқдик. Аркнинг бир томонида улкан дарё ўзани белбоғи, иккинчи томонида бейсбол стадиони кўзга яққол ташланиб турибди. Биз бир оз айланганимиздан кейин ўйингоҳга кирдик. Ўйингоҳ 100 кишига мўлжалланганига қарамасдан, чиптани қийинчиликсиз олиб, bemalol кириб белгиланган жойларимизга ўрнашдик. Беш дақиқа ичиди ихчам ва тоза қилиб ўралган егулик харид қилдик. Ўйингоҳда бўш жой йўқ эди. Мени ҳайратга солган жойи шундаки, бу ерда полиция ходимлари кўринмасди. Кимдир овқатланар, яна кимдир ичимлик ичарди, лекин маст кишилар йўқ, совутилган пивони ҳар қатордан олиб ўтишарди. Бейсбол ўйинининг тартибини бир оз тушунсамда, аммо кўпгина қоидаларнинг моҳиятига етмадим. Америкаликлар учун бейсбол энг қизиқарли ўйинлардан бири. Энг яхши бейсболчилар ищқибозлар орасида машҳур ва конгрессмендан кўра кўпроқ маош олишади.

Мен 7 апрел куни Грин округи Жория хизмати кенгашида бўлдим. Кенгаш — Хизмат фаолиятини назорат қилувчи марказ. Кенгаш аъзолари жамоатчилик ташкилотларидаги мөхнат қилишади. Уни ёш ва бақувват

йигит — Кирби Биллард бошқаради. У Округ кенгашининг ҳам аъзоси бўлиб, икки марказ ўртасидаги алоқаларни амалга оширади. Хизмат қилиш кенгашининг бош вазифаси — ушбу ташкилот фойдасига жамоатчилик фикрини йўғотиш, шунингдек бюджетнинг сарфланишини назорат килишдан иборат. Зеро молиялаш ҳажми солиқ тўловчилар томонидан белгиланади. Кенгаш аъзолари ва унинг аъзоси бўлган, ҳамма жойда ҳозир нозир, истеъфодаги генерал-майор Жорж Марри Округ жорий қилиш Хизмати бюджетини оширишни қувватламаган ўтган референдум натижаларини қизғин муҳокама қилишарди.

АҚШда жамоатчилик ташкилотларининг кўплиги мени ҳайрон қолдирди. Олдинлари мен капиталистик мамлакатларда одамлар фақат пул учун ишлашади деб ўйлар эдим. Жуда катта хато қилган эканман: Фақатгина 15 минг аҳолиси бўлган Грин округида 200 та ҳар хил ташкилотлар бўлиб, бу ташкилотларда кўплаб одамлар бошлангич жамоат муассасаларида ишлашганидек, ҳақ олишмасдан ишлашади. Бизда истеъфодаги генерал-майор фермерлик хўялигини бошқариши ва иккита жамоат ташкилотида ишлашини мен ҳеч ақлимга сиғдира олмайман.

Навбатдаги ташрифимиз Грин округининг олий қонун органи бўлган — Округ Кенгашига бўлди. Кенгаш таркибига — раис, эллик ёшлардаги серсақол Лес Спрингмен ва хазиначи — Бен Гуд, округ ходимаси — 40 ёшлардаги тўладан келган аёл ва асосий ишидан ажralмаган ҳолда фаолият кўрсатувчи олти киши киради.

Улар орасида менга таниш бўлган иқтисодий кенгаш аъзоси Чарли Барнат ва жорий қилиш кенгаши раиси Кирби Баллард ҳам бор. Кенгаш ўз йиғилишига нуқта қўйди ва раис мен билан саломлашгач, кенгаш аъзоларига таништириди. Биз биргаликда расмга тушдик, мен уларнинг саволларига жавоб бердим. Расм ҳам, савол-жавоблар ҳам “Грин Прери Пресс” деб номланувчи маҳаллий газетада босилиб чиқди. Округ ходими (маясул котиб) Дебби Бангарт Грин округида сайловлар ва референдумлар ўтказиш тартиби билан таништириди. Овоз бериш бир йўла ўтказилади. Мен 17 март 1992 йилда бўлган, Республикачилар партияси дастлабки сайловлари бюллеттени билан танишдим. Бюллеттенда бошқа вазифага сайланадиган номзодлар фамилияси ва референдум саволлари бор эди.

Рўйхатнинг бошида АҚШ президентлигига Республикачилар партиясидан номзодлар: Буш, Хартон ва Бурчанлар фамилияси қайд этилган. Грин округидан бир сенатор ва бир конгресс аъзолигига биттадан номзод. Рўйхатнинг учинчи қисмида партиянинг миллий съездига делегатлар (беш жойга ўнта) номзоди кўрсатилган. Шунинг билан бирга сайловчилар учун алоҳида катақчада делегатларнинг кимга овоз бериши ҳам келтирилган. Ундан кейин, бирор сабабга кўра номзодини олган делегат ўрнига янги номзодлар рўйхати берилган. Штат сенаторлигига Республикачилар партияси номзод қўйишмади, штат вакиллари палатасига бир номзод қўйишиди.

Бюлеттеннинг давомида округ суди ходими (Клерк), штат атторнейси (штат аддия вазирига ўхшаш), штат коронери (қотиллик ва тўсатдан ўлиш ҳодисалари бўйича маҳсус терговчи) Округ суди судяси ва полиция участкалари шерифи ўринларига номзодларнинг исми шарифлари ёзилган.

Округ кенгаши аъзолари ҳам сайланади. Республикачилар партиясидан ҳозирги кенгаш аъзоси, жорий қилиш кенгаши раиси Кирби Баллард номзоди қўйилган. Вагнер деган таниш фамилияга кўзим тушиб қолди. Э-ҳа, бу Дуглас Вагнер-ку, у суюқ ўғитларни чиқариш ва сепиш, ғалла сақлаш омборларини йиғиш билан шуғулланувчи бизнесмен. Баллардинг демократларнинг Округ Кенгашида кўпайиб кетганлиги ҳақида шикоят қилганлигини эсладим.

Якшанба куни эрталаб Диммиков оиласи черковга боришимоқчи бўлишди ва мени ҳам таклиф қилишди. Мен улар таклифини рад этмадим. Лютеран маҳзаби черкови экан. Катта бинода черков ходимлари учун машғулот ўтказиш ва дам олиш учун кўплаб хоналар, жумладан, болалар хонаси ҳам мавжуд эди. Бино ичи жуда тоза, гиламлар тўшалган, совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Маросим ўтказиладиган залга 150 га яқин киши тўпланди. Пастор чиқиб маросимни бошлади ва орган (музиқа асбоби) жўрлигига диний қўшиқлар айтиш бошланди. Хутба жуда осойишта ва тартиб билан ўтди. Бу ҳолатни таъкидлаганим маъноси шуки, бошқа бир черковда бўлганимда бунинг аксини кўрган эдим.

Умуман АҚШ да ўнлаб диний йўналишлар бўлиб, улар бир-бирига озор етказишмайди. Диний одаб даражаси бу ерда жуда юқори.

Кафеда тушлик қилиб, сұнний ҳовузи бор бўлган фермерникига йўл олдик. Вақтни ўтказиш учун балиқларни овлаб, яна қайтадан ҳовузга ташлар эдик. Кечқурун Диммиковларникига синглиси эри билан, қизи күёви билан келишди, қўшнилари ҳам чиқишиди. Шошилмасдан у ёқ, бу ёқдан сұхбатлашиб ўтиридик, шведлар дастурхони усулида овқатландик ва тарқалдик. Бирор киши спиртли ичимлик ичмади, бирор киши қамиш ёки изғирин ҳақида кўшиқ айтмади. Телевизор қўйишмади, рақсга ҳам тушишмади, ҳатто бирор киши чекиб олиш учун ташқарига ҳам чиқмади. Худди шу ҳолатда З соатлар ўтириб тарқалишдик. Сизларда қандай? — деб, сўрашди улар. Мен уларга бизда ўтиришлар қандай бўлишини айтиб бердим — улар кўзларидан ёш келгунча кулишди. Кўз ёшларини артиб, “Сен роса қизиқчи экансан!” — дейишди. Мана Дейв биз томонга боради ва айтганиларимнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб қайтади дедим.

Душанбада иккита элеваторни (механизациялашган ғалла омбори) кўрдик. Кооператив “Уайтхолл” элеватори қирқ минг тонна ғаллани қабул қила олади. Унга етти кишидан иборат бошқарув раҳбарлик қиласиди. Улар иш бошқарувчини шартнома асосида ёллайди. Бошқарувчидаги саккиз киши: бир менеджер, харидорлар билан ишловчи, учта лаборант қизлар намуналарни текширувдан ўтказади ва ишлаб чиқаради, бир киши донни янчид омухта ем тайёрлайди, икки ҳайдовчи ғалла ва омухта емни ташийди, бир киши халталарни тўлдиради. Ўрим вақтида икки ойга икки-учта қўшимча ишчи олади. Ҳамма ишлар механизациялашган ва автоматлаштирилган, бирор киши курак ёки супурги кўтариб юрмайди, бирор киши елкасида халта кўтармайди, энг асосийси — ҳеч ким пойлоқчилик қилмайди, қоровулнинг ўзи йўқ. “Консолидейтид” элеватори Миссисипи ирмоғи бўлган Иллинойс дарёси бўйидаги Неапол шаҳрида жойлашган. Дон сақлаш ҳажми 150 минг тонна: 70% — маккажўхори, 20% — соя, 10% — жўхори ва бугдой. Бундан ташқари ҳар бирига 9 минг тоннадан ўғит сифадиган олтита омборхона мавжуд. Ана шу фаолият билан боғлиқ барча ишларни 38 киши бошқаришади: ҳисоб-китоб бўлимида — 7, савдо бўлимида — 5 ва ишлаб чиқаришда 25 киши. Элеватор майдонлари бирор девор ёки бошқа хил тўсиқлар билан тўсилмаган. Элеваторни кўриб фикрларим чигаллашиб кетди: ахир

бизда шундай элеваторда ишлайдиганлар сони ўн карра кўп, бетон деворлар қуриш, ўнлаб қоровуллар ва ҳаммолларни навбатчи штатда сақлаб қандай бозорга борамиз-у қанча даромад оламиз? Буни ҳисоблаш жуда мушкул.

Келгуси куни Дейв Диммик мени Иллинойс штатининг пойтакти Спрингфилд шаҳрига элтиб қўйди. У ерда мени штатнинг Жория Хизмати ходими, келишган йигит Элмер Ранкин кутиб олди. Элмер қўйчилик фермасида туғилди ва ўси. Ҳозир у қўйчиликни Жорий қилиш хизмати билан бирга олиб бораётпи.

Элмер губернаторнинг иш жойи ва штатнинг қонун чиқарадиган йигилиши жойлашган марказ — капитолийни кўрсатди. Қечқурун биз фермер Уайн Кроссникига кетдик. У уйида йўқ экан. Хотининнинг тушинтириши бўйича уйидан ўн мил наридаги далада маккажўхори эмокда. Фермер элликни қоралаган, хушчакчақ киши экан. У 150 от кучига эга бўлган Жон Дир тракторини тўхтатди, ерга тушиб соатига қаради. “Ҳозир Ламберт келади ва экишини бошлайди. Кейин мен бўшман” — деди у. Ламберт Ситл — шаҳардаги қайсиидир бир ташкилотнинг хизматчиси. Дам олиш кунлари ва бошқа бўш вақтларида ҳар бир соатиги 5,25 доллардан ҳақ олиб ишлайди. Қизизи, ёлланма ишчи ҳисоб китобни ўзи олиб боради.

Уайн ва Ламберт маккажўхори уруғини эка бошлади. Халтада 25 кг атрофида уруғ бор. Бу фермер сўзига қаранганд 80 минг дона дон дегани. Ўн икки қаторли сеялка ҳар бир гектарга 67—70 минг дона уруғ сепади. Электрон аппарат ҳар бир қаторга экилаётган уруғ миқдорини доимо назорат қилиб туради. Агар, жўякларга кам ёки кўп миқдорда уруғ тушаётган бўлса ўша заҳоти сигнал берилади. Трактор кабинасидаги фермер экилган майдон, ҳаракат тезлиги, ҳар бир қаторга тушаётган уруғ меъёрини экранда кўриб туради. Сеялканинг баҳоси 37 минг доллар туради.

Уайн Кросснинг тўртта даласи бўлиб, ҳаммаси “50 га 50” тизимида ижарага олинган, яъни харажатларнинг ярмини кўтаради ва фойданинг ярми уники. У ерни етти нафар заминдорлардан олади. Уайн Кросснинг фикрича ижаранинг бу шакли жуда қулай. Пулга ижарага олишдан фойда йўқ. Бир гектар ернинг баҳоси 5 минг доллар, ижара ҳаққи эса — 1700 доллар. Бу одатдагидан 100 дол-

лар қиммат. Ҳайрон қоларлиси, фермер туғилган ва ўсган уй ҳам бир йилга 2200 доллар ҳисобидан ижарага олинган. “Меркурий” автомашинасини 12 минг долларга сотиб олган. Янгиси эса 20 минг доллар баҳоланади. У сотиб олган машина 2 йил юрган. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, АҚШда автомашиналарнинг ҳайдов муддати (аммортизацияси) жуда қисқа қилиб белгиланган.

Фермер 240 гектар ерга маккажүхори, яна шунча жойга соя, 44 гектар ерга кузги буғдой экади. Давлат дастури бўйича ернинг бир қисми фойдаланишдан чиқарилган. Экилган майдонда иккита: 180 ва 150 от кучига эга бўлган тракторлар 11—14 йилдан бўён ишлатилади. Икки йил олдин 110 минг долларга комбайн, 36 минг долларга иккита комбайн ўроғи сотиб олди. Фермада асосан ўзи ишлайди, Ламбертни ва яна бир ишчини йилда 950 соат ишлаб бериш шарти билан ишга ёллайди. Иш қайнаган вақтда трактор рулига хотини ўтиради. Ўғитлар кооперативлар омборхонасида сақланади. Қуруқ ўғитларни дала-га кооперативчилар чиқаради. Суюқ ўғитларни ўзи сепади.

Уайн Кросс — округ фермерлари бюросининг президенти. Директорлар кенгашига Уайнни президентликка таклиф қилишган 25 нафар фермер киради. Штатнинг фермерлар бюроси 18 минг фермерни бирлаштиради ва 18 директордан иборат директорлар кенгashi томонидан бошқаралади. Фермерлар бюроси президентининг асосий вазифаси штатнинг қонун чиқарувчи мажлиси ва АҚШ конгрессида фермерлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. Бундан ташқари фермерлар бюроси фермалар, таъминот бўйича кооперативлар ташкил қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш бўйича ахборотлар йиғиш ишлари билан шуғулланади.

Кооперативларнинг бош принципи — фойда олиш ва уни ўз аъзоларига қайтаришдан иборат. Энг ривожланган кооперативлар ўғит, озуқа, химикатлар етказиб бериш ва маҳсулотни сотиш (айниқса сутни) бўйича шуғулланадиган ширкатлардир.

Штатнинг қишлоқ хўжалиги вазирлигига менга қуйидагиларни гапириб беришди: Иллинойс соя ишлаб чиқариш бўйича АҚШда биринчи ўринни эгаллайди — 9,6 миллион тонна ёки мамлакат бўйича ялпи ҳосилнинг 18,5% ини беради. Штат 32,5 миллион тонна маккажўх-

ри дони етиштириб, бу кўрсаткич бўйича Айова штатидан кейинги иккинчи ўринда турди. Макка дони ҳосилдорлиги бу ерда ҳар бир гектардан ўртача 76,2 центнерга тўғри келади.

Албатта, Иллинойснинг қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳақида гапирганда, бу жойларнинг энг қулай иқлим шароитларини эсдан чиқармаслик керак. Штатнинг катта қисмида йилига 800—1000 мм ёғин тушади (Қозоғистоннинг дехқончилик районларида 200—350 мм), тупроғи кучли қоратупроқ. Лекин, фарқни, айниқса чорвачиликда, бу ҳолат билан изоҳлаш нотўғри.

Вазирликда дехқончилик ва чорвачиликнинг тавсифини берадиган бир қанча рақамларни беришди. Макка дони етиштириши майдони 4,4 миллион гектар бўлиб, ушбу кўрсаткич 30 йиллардан бўён ўзгаргани йўқ. Штат экиш мавсумида кунига 320 минг гектаргача маккажўхори экади.

Иллийсда 1950 йилга қадар соя экишмади, 1960 йилга келиб эса бу муҳим ўсимлик икки миллион гектарга экилди, ҳозир соя 3,7 миллион гектар ерга экилади, ҳосилдорлик ҳар гектаридан 25 ц. Фермерлар мавсумда ҳар куни 200 минг гектар ерга соя экишади.

Чорвачиликдаги етакчи тармоқ — чўчқачиликдир. Чўчқалар сони бир маромда — 6 миллион бош. Бу Қозоғистондагидан икки баробар кўп.

Қора моллар сони кейинги 20 йилда 3 миллион бошдан икки миллион бошга камайди. Айни пайтда гўштта боқиладиган моллар сони бир морамда: 500—600 бош атрофида сақланаяпти, сут берадиган сигирлар сони эса 1950 йилдаги 1 миллион бошдан, 1992 йилда 190 минг бошгача камайди. Сабаби, соғин сигирлар маҳсулдорлигининг кўпайиши ва сутга бўлган талабнинг камайишидадир. Сут соғиб олиш 1950 йилда — 2360 кг (ҳар бир бош сигирдан), 1960 йилда — 2950 кг, 1970 йилда 3120 кг, 1980 йилда — 4550 кг, 1990 йилда 6550 кг ни ташкил қилди. Бизда эса мана бир қирқ йилдан бўён бу соҳада ҳеч бир ўзгариш йўқ.

Америка қишлоқ хўжалигидаги анъана бизникига нисбатан аксинча. Бизда ҳар бир оила ҳамма маҳсулотларни ўзи етиштириши, ўзининг чорваси бўлиши дастурида иш олиб боришаётган бўлса, Иллийсда бунинг тескариси: фермер-чорвадорлар сони 40 йилда беш баробар камай-

ди (163 мингдан 33 минггача), сут-товар фермалари 50 (147 мингдан 3 минггача), чүчқачилик — 19 (140 мингдан 15 минггача), қүйчилик фермерлари 5,5 баробар (22 мингдан 4 минггача) камайди.

Иллинойснинг асосий даромадини деҳқончилик беради. Чунончи, 1950 йилда деҳқончилик 684 миллион, чорвачилик 1 миллиард доллар даромад берди. 1990 йили деҳқончиликдан 5,5 миллиард, чорвачиликдан эса икки баробар кам даромад олинди. Энг даромадли соҳа макка ва соя донини етиштириш ҳисобланади.

Иллинойсда ўртacha фермернинг киёфаси жуда қизиқ: ёши — элликда, ўртacha иш стажи — 20 йил. Фермерларнинг 44% и — ер эгалари, 37 фоизи ернинг қисман эгаси, 19 фоизи ижарачилар. Ўртacha битта фермернинг биноси ва ери баҳоси 400 минг, техникаси — 61 минг доллар. Техниканинг баҳоси ғалати туюлиши мумкин, чунки трактор баҳоси неча ўн минглаб доллар туради, фермада эса бир қанча трактор ишлайди. Бунинг моҳияти шундаки, техниканинг балансдаги баҳоси олинади, яъни американклар одатда ишлатилган техникани ишлатишади. Шахсий мулкнинг техникага бўлган имконияти ана шунда, яъни техника мўлжалланган муддатидан кўпроқ ишлатилиди.

Масалан, фермер Дон Шмидт хўжалиги ҳисобида 57 хилдаги қишлоқ хўжалик техникаси бор, балансда эса 12, қолганларининг ишлаш муддати тугаган. Лекин бу техникалар вақти-вақти билан ишлатилади ва уларнинг бозор баҳоси бор — металломга ҳеч нарса топширилмайди. “Интернейшнл” фирмасидан 1956 йил 4 апрелда 2500 долларга сотиб олинган трактор ҳозир 500 доллар туради. Бошқа бир “Кейс” фирмасидан 1983 йилда 30 минг долларга сотиб олинган тракторнинг баланс нархи йўқ, лекин у 20 минг долларга баҳоланади.

Штат вазирлигига 300 киши ишлайди. Бино атрофида юриб, эътибор бердимки, бу ерда ҳам бошқа ташкилотлардагидек кўплаб ходимлар 4Х5 метр майдончаларга бўлинган, тўсинлари унча катта бўлмаган хоначалардан иборат катта залларда ишлашади. Уларнинг ҳар бирида телефон ва компьютер бор. Тасаввур қилинг, бизда 50 киши бир залда ўтириб ишламоқда, телефони ҳам бор.., бу ерда эса, ўнлаб кишилар телефонда гаплашишаётган бўлсада, бирор бир шовқин эшитилмайди. Изоҳи шундаки, аме-

рика телефонларига бақириш, қичқириш ва ҳатто баландроқ овозда гапириш мүмкін эмас, фақат шивирлаб гапирилади — микрофонларнинг сезгирилиги шундай.

Вазирликда олти бўлим бор. Табиат бойликлари бўлимида иккита сектор мавжуд: фермерлар ерини ҳимоя қилиш ва тупроқ муҳофазаси. Бу бўлим 90 туманнинг ерни ва сувни асрар хизмати билан ҳамкорликда ишлайди, фойдали қазилмаларни ердан юзалаб қазиб олишни назорат қиласди, ерни баҳолаш тизими, тупроқни текшириш масалалари билан шуғулланади, эрозия ва сувнинг ифлосланиши билан курашиш дастурининг бажарилишини кузатади. Иллийс штатида 2000 йилдан бошлаб эрозияни тўла назорат остига олиш масаласи қўйилган.

Чорвачилик бўлимида олтига бўлим бор: гўшт назорати, ҳайвонлар соғлиғи, ҳайвонлар касаллиги, ҳайвонлар ҳолати ва жорий қилиш. Ўсимликшунослик ва истеъмол хизмати бўлимида 4 та бўлим: савдо дўконлари, ўсимликни ва асаларини ҳимоя қилиш, маҳсулотлар назорати ва стандартлар ҳамда лаборатория мавжуд. Маркетинг бўлимида 4 та бўлим: қишлоқ хўжалик статистикаси, бозор ривожи ва ахборот, маҳсулотлар маркетинги ва халқаро маркетинг. Яна бозор ва от чавондозлиги бўлиmlари ҳам бор. Олтинчи бўлим маъмурий хизмат бўлими, бу бўлим Вазирлик маҳкамаси билан маъмурий хўжалик хизмати фаолиятини бажаради.

Вазир ёки америкача қишлоқ хўжалиги департаменти директори Бекки Дойл исмли аёл киши экан. У ишда бўлмаганлиги сабабли мен билан унинг муовини Майкл Бейс ва бўлим мудирлари сұхбатлашишиди.

Жорий қилиш хизмати регионал бўлими мудири Гордон Доузэл ва Элмер Ранкин билан хитой ресторончасидаги тушликдан кейин мендан матбуот конференцияси беришни сўради. Матбуот конференциясида тушликда бирга бўлган кишилар, Уэйн Кросс, Дэйв Диммик, газета ва радиодан келган 4—5 журналистлар бор эди. Икки кундан кейин менинг Иллийсда бўлганлигим ҳақида хабар чиқди. Шуни қайд этиш лозимки, журналистлар менинг нутқимдан тўғридан-тўғри фойдаланишибди, бирор ерида қўшимча ҳам, қисқартириш ҳам йўқ. Эътиборли жойи шундаки, газетада мени Қозоғистон (собиқ Россия ёки собиқ Иттифоқ) қишлоқ хўжалиги (фермерчилик) бўйича рус (шўро) эксперти деб номлашибди.

Мен қозоқ миллатидан эканлигимни айтган эдим. Лекин газетада бу ҳақда ёзилмаган эди. Миллатни америкача тушунтиришнинг моҳияти шунда. АҚШ да ҳамма фуқаролар — бу мамлакатга ўзи келганми ёки ота-оналари келганми миллатидан қатъи назар — америкаликлардир. Масалан, Иллинойсда кўплаб одамлар фаолияти бўйича илдизи немис миллатига бориб тақалади, лекин бу ҳақда ҳеч ким ўйлаб ҳам ўтирумайди. Шунинг учун ҳам америкаликлар учун Россиянинг бутун бир аҳолиси руслардир. Спрингфилдда менга АҚШ тарихидаги буюк Президентларнинг бири — Авраам Линcolnнинг уй-музейи ва хотира мажмуасини кўрсатиши. Линcoln Спрингфилдда адвокат бўлиб ишлайди ва мамлакатда негрларни қул ўрнида ишлатишга қарши турган машҳур киши ҳисобланади. У 1861 йили Кўшма Штатлар президенти этиб сайланади. Тезда озод Шимол ва қулдорликка асосланган Жануб ўртасида фуқаролар уруши аланга олади. Шимолликларнинг ғалабаси Линcolnни миллий қаҳрамон дараҷасига кўтаради. У иккинчи муддатта президент этиб қайта сайланади, лекин 1865 йилнинг апрелида театр касофа-тидан савдойи бўлиб қолган актёр томонидан ўлдирилади.

Авраам Линcoln номи Америка Кўшма Штатлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Небраска штатининг пойтахти унинг номи билан аталади. Айтмоқчи, АҚШда номи, хотираси ана шундай иззат-хурмат қилинадиган президент — Жорж Вашингтон ва Авраам Линcolnлар муносабидир. Америкаликларда президент, ёзувчи ва бошқа машҳур кишилар номини тарихий географик жойларга қўйишга одатланмаган. Қайтариладиган номлар ҳам йўқ. Жиддий равишда қайд қилишни хоҳлардимки, дарёлар, кўллар, тоғларни қадимий индеецлар аташганидек, кўплаб штатлар номи индеец қабилаларининг номини олган.

Петерсбург шаҳри яқинида Линcoln номи билан атalgan жойдан Марвин ва Недр Стрейдер билан бирга ўтиб, Стрейдер фермасига келдик. У фермани ижарага олган. Стрейдернинг ери йўқ, ер икки заминдорники. Ер майдони 230 гектар. Хўжалик 15 дан 25 гектаргача бўлган, 14 далага бўлинган. У ҳам Иллинойсдаги бошқа фермерлардек асосий майдонга маккажӯхори ва соя экади, 24 гектарни кузги буғдойга ажратади. Қолган 6 гектар хукумат

дастури бўйича экишдан чиқарилган. Ижара шарти одатдагидек — “элликга эллик”.

Стрейдерда “Интернейшнл” тамғали: 180, 140 ва 40 от кучига эга бўлган 3 та трактор бор. Катта трактор билан у экади, ўрта трактор билан хотини култивациялади, кичик трактор дори сепишда кўлланади. Ўрим пайти комбайнни 13 ёшли ўғли Крейг бошқаради, отаси фалланни етти мил узокликдаги Истон элеваторига ташийди. Марвиннинг юкни ўзи ағдарувчи иккита машинаси бор, фалла ўрими тугагандан кейин ҳам фермерларнинг фалласини элеваторга ташийди. Яқинда битта машинасини 20 йил ишлатиб, 9 минг долларга сотди. Янгиси 14 минг доллар туради. Ҳатто у сотган машинасининг расмини менга совға қилди.

У чорвачилик билан шуғулланмайди, ҳовлисида бор-йўғи 3 та хўқизча, 7 та қўй ва бир қўчкор бор. Унинг изоҳлашича бу моллар унинг болаларига — ўн беш ёшли қизи Криста ва ўн уч ёшли ўғли — Крейгга. Болалари мактабдан ташқари “4 эйч” дастури бўйича ўқишади. Крейг ярмаркада қатнашиб ўз молларини намойиш ҳам қилди.

Ферма яқинида дунёга машҳур “Декалб” уруғчилик фирмаси жойлаштан. АҚШда маккажўхорининг дурагай навларини ишлаб чиқарадиган “Пионер” ва “Декалб” номли иккита етакчи фирма бор. Уруғчилик даласида селекционерлар 3 минг дурагай навни синайди. Бундан ташқари Гавайи ороллари ва Флоридада қишиги синов далалари бор. Декалб маккажўхоридан ташқари соя бўйича ҳам катта ишларни омалга оширмоқда. Янги навларни кўпайтириш учун фирманинг ери йўқ. Кўпайтириш билан 150 фирма шартнома асосида шуғулланади. Кейин дон тозаланади, сараланади ва ҳар дақиқада 13 қопдан қопланади. Бу ишни бир киши бошқаради. Тозалаш ва саралаш ускуналари тўхтовсиз ишлаб, бир кеча кундузда 8 минг, 3,5—4 ойлик мавсумда 800 минг қоп тайёрлайди. Уруғлар йирик қопларга бир қисқа тонна ҳажмида қопланади. Айтгандек, америкача қисқа тонна 906 кг ёки 2 минг фут бўлиб, бу ҳол кўпинча метр ўлчовида ишловчилар билан кўплаб тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Навбатдаги ферма чўчқачиликка ихтисослашган, аниқроғи 400 бош, 600 бош ва 900 бош она чўчқаларни алоҳи-

да-алоҳида сақлайдиган комплекс экан. Бу чўчқачиликни 30 ёшли Скотт Жашел бошқаради. Унда 11 ишчи доимий ишлаб, улар 30 минг чўчқа, яъни 24 минг чўчқа боласи ва 4 минг бокувдаги чўчқаларга қарайди. Скоттнинг фикрича ҳар бир оператор-ишчига 3 минг чўчқага қарашиб мөъёрдир. Техникалари: учта катта ва 6 та кичик тракторлар, саккизта юк пикапли ва комбайнлардан иборат.

Скоттга ишни бошқаришда бизнеснинг 60 фойзлик эгаси бўлган отаси ёрдам беради. Бундан ташқари онаси ва хотини ҳам ёрдамлашиб туради. Хотинининг ота-онасининг ҳам 20 минг чўчқа боқиладиган фермаси бор. Скоттнинг ўзи раҳбарликдан ташқари ҳар куни гўшт ва озуқа комбинатлари билан алоқа боғлаб нарх-навони суриширади. Фермернинг маълумоти иқтисод бўйича бакалавр. Ҳамма ишлар озуқа беришгача автоматлаштирилган. Технологик янгиликлардан бири шуки, иссиқ, қуруқ хоналарда сақлаш туфайли чўчқа болаларини онасидан эрта — 3 ҳафталикда ажратиб олади. Ўн беш киши 30 минг бошлик чўчқахонада самарали меҳнат қиласиди. Бизда эса 10 минглик чўчқахона ўта йирик комплекс ҳисобланиб, камида 50 киши ишлайди, яна қўшимча харажатлар. Устига-устак Скотт фермасидаги ишчилар чўчқаларга қараашдан ташқари дала ишларини ҳам бажаришади, 260 гектар ерга маккани дон учун ва 130 гектар ерга соя экишади, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йигиштириб олишади. Фермер гўнгни даласига ташийди, қўшниларининг даласига ҳам ўғитларини сепиб беради ва бунинг учун ҳақ олади.

Иллинойс штатидаги ўн кунлик сафардан кейин мен дорилфунунга қайтдим ва Қозоғистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси президенти, академик F.A. Калиев билан учрашдим. Биз у билан Дикейтор шаҳрига бордик. Бу шаҳарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи йирик АДМ компаниясининг корхонаси жойлашган. Бу компаниянинг довруғи ҳақида куйидагиларни айтиш мумкин: маҳсулот сотиши бўйича компания даромади 1991 йилда 18,5 миллиард доллар бўлган. АДМ АҚ-Шда 136 қайта ишловчи заводни бошқаради ва 7 мамлакатдаги 34 заводдан ўз улушкини олади. Компанияда 149 элеватор бор. Маккажўхоридан крахмал, этил спирт, истельмол спирти, икки оксидли кислород, сут ва лимон кислотаси, донадор фруктоза, сорбит (ярим шакар) оли-

нади. Этил спирт АҚШда бензин билан аралаштирилиб ишлатилади ва экологик жиҳатдан анча тоза маҳсулот ҳисобланади. Икки оксидли углерод тозаланмаган нефтни тозалашда ишлатилади. Донадор фруктозани кам қувватли ичимликларни хуштам қилишда ишлатишади. Компания ишчиларининг сўзларига қараганда макка крахмалига бўлган талаб қофоз ишлаб чиқариш саноатида ошган.

Дикейтордаги биохимик завод аминокислота ва биохимик маҳсулотларни озуқа ва истеъмол саноати учун ишлаб чиқаришда етакчи бўлишга интиляяпти. Бу ташкилот ферментлаш учун мураккаб бирикмалар ишлаб чиқаришни мўджаллаяпти ва декстроза ҳамда соя унини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Фирма тадқиқотчилари кўпроқ сочилиувчан, ишлатишга қулай ва оддий маҳсулотга нисбатан кам чанг чиқарадиган донадор лизин шаклини яратдилар. Лизин яхши аралашади, фирма унинг тозалигига 98,5% кафолат беради. Навбатдаги режаларга қатор истеъмол ва озуқа қўшимчалари ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларнинг 50% ини экспортга чиқариш мўлжалланмоқда. Озуқа маҳсулотларига аминокислоталардан триптофан ва трионин, шунингдек, антибиотиклардан цинкобатрицин ва бакитрациин МД қўшиш режалаштирилмоқда. Озиқ-овқат саноатида глютамин натрий ва сут кислотаси ишлаб чиқарилади.

Тушлик вақтида иккинчи овқатга одатдаги хембургерлар ўрнига веджибургер — қайта ишланган соя ва вегитарианлар котлетини беришиди. Бу овқат хили жуда хуштаъм бўлиб, фирма ходимларининг сўзига қараганда улар холестеринсиз, узоқ муддатда совутгичсиз ҳам сақланиши мумкин. Бизга айтиши бўйича “Веджибургер” кафе-си Москванинг Комсомоллар майдонида ишлаб турибди.

Биз 18 апрелда иқтисод ва молия профессори Дэйва Линс раҳбарлигидаги Чикагога бордик. У ерда биз машхур савдо биржасини кўрдик, биржа сув тошқинидан кейин тўла куч билан фаолият кўрсатмаётган экан. Бошловчиси бўлмаган киши бу ерда нималар бўлаётганини, савдо қаерда ўтаётганини тушуниши жуда қийин. Сотувчилар ва олувчилар, манфаатни кўзлаб иш тутувчи даллоллар — брокерлар тўғридан тўғри савдолашмоқда. Биржанинг ахборотлари билан қизиқувчи ўн минглаб кишилар мамлакатда ва бошқа мамлакатларда кузатиб турибди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўтарасига сотиб олиша-

ди, қайта сотишиади, баъзида кутилаётган баҳо бўйича маҳсулотни бир ой олдин ҳам сотиб олиш мумкин. Бу ердаги савдонинг бошқа савдодан фарқи шундаки, сотувчи ҳам харидор ҳам ютади. Масалан, апрелда буғдойни келишилган ҳолда сентябр учун 3 доллардан сотади. Агар, сентябрда буғдой 3 доллару 10 цент бўлса, ҳар бир бушел (27 кг) буғдойдан харидор албатта 10 цент фойда олади, сотувчи эса 10 цент ютириади. Лекин, ўз навбатида сотувчи ҳам ютган бўлади, чунки сотувчи 5 ой олдин нақд пулга эга бўлади.

Мен Чикагодаги Украина маданий маркази раҳбари профессор Василий Моркус билан телефон орқали гаплашдим, у бизни кечга таклиф қилди. Кечкурун асосан ёши ўтиб қолган қирққа яқин одам тўпланди. Профессор Маркуснинг сўзларига қараганда одамлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди, лекин биздан олдин Украина мудофаа вазири Мороз билан ҳам учрашув бўлган экан. Шунга қарамасдан тўплангандар менинг Қозогистон ва у ердаги украинлар ҳаёти ҳақидаги ахборотимни диққат билан тингладилар. Кўплаб саволлар беришли, ҳатто бир кекса аёл 1941 йил Золочиводан Қозогистоннинг Боровий деган жойига кўчирилган, болаликдаги дўсти Андрей Безпалькони излашда ёрдам беришни сўради. Юртга қайтганимдан кейин, мен Андрейни кўп суриштирдим. Афуски, ундан дарак бўлмади.

## ВИСКОНСИН

Чикагодан чиқишимиз билан Дейв Линс машинасини шимолга, кўшни Висконсин штати томон бурди. Кун шанба бўлишига қарамасдан бизни Медисон шаҳрида қад кўтарган дорилфунунда кутишаётган экан. Биринчи учрашувимиз Бутунжаҳон кредит уюшмаси марказида бўлиб ўтди.

Бундай уюшмаларнинг маҳсади жуда оддий — аҳолида ишлатилмай турган ортиқча пулларни жалб этиб, айни пайтда, уларга эҳтиёж сезаётган кимсаларга қарз беришдан иборат.

84 мамлакатнинг 37 минг кредит уюшмалари 200 миллиард долларлик айланма капитали бўлган, 78 миллион аъзони ўз сафига бирлаштиради. Бу умуман яхши ғоя.

Ундан кейин бизни ижара муносабатлари бўйича илмий тадқиқот маркази фаолияти билан таниширишиди.

Бу марказ ишлари академик F. Калиевни анча қизиқтириб қолди, менга эса, биз учун бундай тадқиқотлар фойда келтирмайдигандек туюлди. Масалан, профессор Тезенхузен Лотин Америкасининг Чили, Гватемал, Мексика, Никарагуа каби мамлакатларида ер ислоҳоти жараёнлари тўғрисидаги тадқиқотлари ҳақида батафсил гапириб берди. Лекин, у ерда йирик хўжаликларни майдаштириш жараёни, йирик давлат ишлаб чиқаришидан яккаҳолга ёки ширкатларга ўтиши эмас, балки ерни йирик латифундистлардан (латифундия — заминдорларга қарашли катта ер, мулк) олиб дехқонларга беришдан иборат. Бу тажриба эса назаримда бизга ҳеч нарса бермайди.

Плейн қишлоғида профессор Линс пишлөқ ишлаб чиқариш фабрикасида меҳнат қилувчи синглисинг олдига кириб чиқди. Фабрика хўжайини Боб Виллс билан танишдик. Унинг корхонасида 13 ишчи ҳафтасига 50 соатдан иш билан машғул бўлса, 7 нафар ишчи эса ҳафтасига 20-30 соатлик меҳнат қилишади. 43 нафар фермерлар кунига 40 тонна атрофида сут топширишади ва ундан 4,5 тонна пишлөқ тайёрланади. Уч нафар ташувчи машиналарда ўнга яқин фермерлардан сут йиғишади, Боб фермерларга сут ҳақини бир ойда икки бўлиб тўлайди, тўла ҳисоб-китоб эса пишлөқ сотиб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

Профессор Дейв Линс бу ердан унча олис бўлмаган фермада туғилганлигини ва оиласда 17 фарзанд эканлигини ҳикоя қилди. Ота мерос ферма профессорнинг акаси Фрэд Линсга тегишли бўлиб биз у ерга ташриф буюрдик. Гарчи, акаси эллик ёшлар атрофида бўлишига қарамасдан жудаям хушчақчак, бўйдоқ киши бўлиб чиқди, у анча йирик ва кўп қиррали хўжаликни бошқараётган эди. Ферманинг умумий ер майдони 200 гектар бўлиб, 160 гектари ҳайдаладиган ер, шунинг 80 гектарига маккажўхори, 24 гектарига — соя, 20 гектарига — беда экилган. 36 гектар ер консервациялаш дастурига биноан экишдан чиқарилган.

Маккажўхори ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 85—110, сояники 30 центнердан, беданики эса 4,5 тоннага тенг. Бундан ташқари фермада 80 бosh она чўчқа, бўрдоқига боқилаётган 1200 бosh чўчқа ва 130 бosh буқа мавжуд.

Хўжаликнинг барча юмишларини асосан Фреднинг ўзи бажаради, унга бир нафақаҳўр кўмаклашади, айрим ҳолларда икки нафар қўшнисини ёрдамга жалб этади.

Фреднинг 5 та трактори, комбайни, экиш техникалари, култиваторлари ва умуман олганда йигирма турдаги техника воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қиймати (баланс бўйича) 110 минг долларга баробар. У эрталабки соат бешдан кечги соат тўққизгача меҳнат билан банд бўлади. Молларни ким ошиди савдоси орқали сотади, ҳар бир бош учун 10—15 доллар атрофида тўлайди. Ўтган йил якуни бўйича унинг даромади 260 минг долларни ташкил қилди, харажати эса — 234 минг доллар бўлиб, соф фойда 26 минг долларда белгиланди. Агар, профессор уканинг бир йиллик иш ҳақи 70 минг долларга teng эканлигини ҳисобга олсак, бу унча катта кўрсаттич эмас.

Умуман олганда, бу АҚШ учун одатий ҳол ҳисобланниб, фермерлар юқори даромадли одамлар тоифасига киритилмайди. Шунга кўра, 1986 йилда АҚШ оиласининг ўртacha йиллик даромади 30759 доллар бўлса, фермер оиласининг даромади 34246 долларга teng бўлган. Ҳисоб-китобларга кўра, барча солиқлар тўловларидан кейин, аҳоли жон бошига тўғри келган даромад фермерлар ўртасида 6741 доллар бўлса, фермер бўлмаган аҳолиники 8074 долларни ташкил этади.

Биз сут-товар фермасига ташриф буюрганимиз сабабли, ҳозир бу имкониятга эга бўлдик. Дейв бизни акука Нейнхолц ва уларнинг ота-онасидан иборат тўртала шерикга қарашли “Зангори юлдуз” комплексига олиб борди. Улар иккита ферманинг эгаси бўлиб, ҳар бир фермада 250 бошдан соғин сигирлари бор экан.

Уларнинг 1160 гектар ҳайдаладиган ер майдони бўлсада, ернинг 400 гектаригина хусусий, қолган қисми эса ижарага олинган.

Ушбу жамоа муассасасига етакчилик қилиш қирқ икки ёшли тўнғич ўғил — Луининг зиммасида бўлиб, у ҳам бош механик, ҳам бош технолог, ҳам бош мұҳандис ва ҳам бош зироатшуносидир.

Луи бизга мойга ботган коржомада изоҳ беришга киришди. Одатдагидек, энг аввало экин структурасини аниқлаб олдик. У қўйидагича тақсимланган эди: 640 гектар маккажўхори, 220 гектар ерга беда, ҳар бири 60 гектардан нўхат ва соя, 40 гектарга ловия, 48 гектар кузги буғдой ва

ҳайдаладиган ерларнинг қолган қисми консервация учун ажратилган. Шундоғ күриниб турибдики, биз шимолга қараб силжий бошладик. Бу ерда маккажүхорига солиштириб қаралганда, соянинг улушига унча катта бўлмаган ер майдонлари тўғри кела бошлади.

Американинг бошқа фермаларидағи каби, бу хўжаликда ҳам кўплаб техника мавжуд: 300 от кучига эга бўлган иккита трактор, биттадан 200 ва 180 от кучига эга бўлган, 5 тадан 140 ва 100 от кучига эга бўлган трактор, 3 та 60 от кучига ва иккита 30 от кучига тенг бўлган трактор, экиш техникалари, култиваторлар, пичан майдалагич техникалари ва бошқа машиналар бор.

Тўрт оға-инидан ташқари комплексда 9 нафар доимий ва 4 нафар муддатли ишчилар меҳнат қилиши билан биргаликда, болалар ҳам ёрдамга келишади. Муддатли ишчилар асосий ишидан бўш вақтларида, дам олиш кунларида ёки мактаб машғулотларидан бўшаганларида ишлашадилар.

Ҳар йили 40 фоиз соғин сигирлар яроқсиз деб топилади ва ушбу 200 бош мол ширкатлар орқали пулланади. Ўртacha маҳсулдорлик даражаси 9000 кг атрофида ёки 500 бош говмишдан 4500 тонна сут соғиб олинади. Бизда эса бундай микдордаги сутни (камида 2000 бош сигир мавжуд бўлган), энг йирик давлат хўжаликларигина стиштириб, бундай подага бузоқлари билан биргаликда 100 киши карайди, буларга соғувчилар, молбоқарлар, механизаторлар, зоотехниклар, механиклар, бригадирлар ва қаровуллар киради. Бу ерда бор-йўғи 17 киши! Бундан ташқари, америка бригадаси жуда катта ҳажмдаги дала ишларини бажаради. Энг муҳими, бундай юқори кўрсаткичлари учун америкаликлар ҳеч қандай мукофотлар билан тақдирланнишмайди.

Америка сигирини нима билан озиқлантиришади? Биз ташриф буюрган куннинг рациони қуйидагича эди: 9 кг концентрат, 8 кг га яқин оқсили озуқа, 5 кг дан ортиқроқ беда пичани, 11 кг сенаж ва 8 кг га яқин маккажүхори силоси. Бизнинг сигирларимизнинг рациони анча камтарона. Энг аввало унда оқсили озуқа бўлмайди, лекин сомон керагидан ортиқ, беданинг ўрнини дағал хашак ўт эгаллайди, маккажүхори силоси эса америка стандартининг биронтасига ҳам жавоб бермайди.

## АЙОВА

Уч ой ўтганидан кейин мен АҚШнинг Маккажўхори Минтақасига, аниқроғи Айовага — мамлакатнинг асосий маккажўхори етиштирувчи штатига қайтиб келишимга тўғри келди. Бу ерга келишимнинг тафсилоти қуйидагича эди. ВАСХНИЛ Айова штати дорилфунуни билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги туфайли американклар ҳали тарқаб кетмаган Шўролар Иттифоқи олимларинининг бир гурӯҳи Дорилфунун жойлашган Эймс шаҳрида ўтказилиши мўлжалланаётган Бутунжоҳон ўсимликшунослари Конгрессида қатнашиш учун таклиф қилишганди. ВАСХНИЛ раҳбарияти ўн нафар олимлардан иборат гурӯҳни белгилади, лекин 1992 йилнинг июл ойида ҳаммаси бўлиб 6 киши: Россиядан уч нафар, Белорус, Қирғизистон ва Қозогистондан бир нафардан олимлар сафарга отланишди.

Американинг ҳар бир штати ўзининг рамзига эга. Айова учун улар қуйидагилардир: дараҳт — эман, гул — наъматак, қуш — шарқ олтинсимон сайроқи қуши. Штатнинг жўғрофий кенгликлари (координатлари): 92 градус фарбий узунлик ва 42 градус шимолий кенгликни ташкил этади. Айова 1846 йилда штат номини олган. У пайтларда бир гектар ер майдонининг баҳоси 3 долларга тенг эди, 1980 йилга келиб ернинг баҳоси 5 минг долларгача кўтарилди. Шу ўн йилликнинг сўнгига эса унинг нархи 2 500 долларгача пасайиб кетди. Айованинг норасмий рамзи бўлиб, албатта, маккажўхори ҳисобланади. Айнан мана шу ерда Н.С. Хрушев собиқ Шўролар Иттифоқининг бепоён майдонларида маккажўхори етиштиришни жорий қилишни ҳамда Америкага “етиб олиш ва ўзиб кетишни” хаёл қилган эди.

Конгрессга жаҳоннинг икки мингдан ортиқ олимлари қатнашишди. Бизлардагига нисбатан у ёқда ўсимликшунослик анча кенг маънода тушениларди. Шу сабабдан ҳам йигинда нафақат ўсимликшунос олимлар, балки селекционерлар, генетиклар, биотехнологлар, биохимиклар, физиологлар, тупроқшунослар ва бошқа мутахассислардан иборат вакиллар бор эди. Ялпи мажлисларда жаҳонга машҳур, йирик олимлар маъruzалар билан чиқишиди. Барчамизга таниш бўлган, 1970 йилда Нобел мукофоти совриндори, қишлоқ хўжалигидаги Яшил Инқилобнинг муаллифларидан бири, Айованинг асл фарзанди Норман

Берлоутнинг номини санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Бизнинг маъruzаларимиз деворий, яъни барча ахборотлар деворий тахтага илинган ва тадқиқотларнинг манбай у орқали ёритилган эди. Бу тақлид маъруза шакли Farbda кенг қўлланилиб, у орқали баробарига ўнлаб олимлар чиқиши қила олиш имкониятига эга бўлишади.

Конгресс — сұҳбат учун алоҳида мавзу, шу туфайли 14,5 миллион гектар ер майдонига зга бўлган Айова штати ҳақида сўз юритмоқчиман. Қайд этилган ер майдонининг 94 фоизи фермерларга тегишли. Айовада ҳам Маккажӯхори Минтақасининг бошқа штатларидағи каби тупроқ — иқлим шароити маккажӯхори етиштириш учун беҳад қулай ҳисобланади. Ўрта ҳисоб билан олганда ёғин-сочиннинг бир йиллик миқдори 815 мм га teng бўлиб, штатнинг шимоли-ғарбида ўртача 700 мм бўлса, жануби-шарқда 890 мм гача ўзгариб туради. Яхши таъсир кўрсатадиган намгарчилик билан илиқ иқлим бир бирига мувофиқ келади, яъни бу ерда ўртача йиллик ҳарорат 9 градус бўлса, июл ойида бу кўрсаткич 23,5 градусга teng бўлади.

Албатта, бу ерда ҳам об-ҳавонинг гоҳида нокулай келиши ҳақидаги нолишларни эшитиш мумкин: бир қарасанг қуйиб беради, ҳамма жойни кўллатади, бир қарасанг бир томчи сув ғанимат. Шунга қарамасдан, маккажӯхори ва соя донини етиштириш бу ерда барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, Айова ва Иллинойсда ем хашак ва оқсиllар шу қадар ғамланадики, бунинг натижасида АҚШ чорвачилик муаммоларини энг олий даражада ҳал этиши мумкин. Айова қишлоқ хўжалигининг самараадорлигини бир қанча статистик амаллар бўйича ўзингиз муҳокама қилиб кўринг. Штат фермерлари ҳар йили 5,3 миллион гектардан ортиқ майдонларга маккажӯхори уруғи қадаб, 35 миллион тонна дон етиштиришади. Бунда ўртача ҳосилдорлик ҳар бир гектардан 73 центнердан тўғри келади. Қозоғистоннинг сугориладиган майдонларида гектаридан 30—40 центнер атрофида маккажӯхори ҳосили олиб, Республикада ялпи дон ишлаб чиқариш 25 миллион тонна ни ташкил этади.

Қозоғистонда соя етиштириш учун жуда кичик майдонлар ажратилган бўлиб, бор-йўғи бир неча минг гектарни ташкил қилади, холос. Айовада эса бу қимматли,

оқсилга бой ўсимликни 33 миллион гектарга экиб, 8,4 миллион тонна дон ҳосили олишади.

Айовада силос учун маккажүхори деярлик етиширилмайди. Бироқ бу ерда беда майдонлари 690 минг гектарни ташкил этиб, ўртача 77 центнердан пичан ҳосили етиширилади. Дала ўсимликлари ичиде сули ҳам кўзга ташланади. У етиширилаётган 274 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил олинади.

Бу мени жуда ҳам таажжублантириди, чунки, бизда — Шимолий Қозогистонда ҳам сулидан мана шундай ҳосил олиш мумкин, бироқ нима учундир уни экишни хоҳлашмайдилар. Ўйлаб қаранг-а, ҳар гектаридан 25 центнер соя ҳосили ва 73 центнер маккажүхори ҳосили бераётган ердан 22 центнер ҳосил берувчи сули учун ҳам ўрин ажратилган-ку! Ёки биз ҳеч нарсани тушунмаймиз ёки америкаликлар фирт аҳмоқ. Иккаласидан бири. Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Айова аҳолиси сал кам 3 миллион кишидан иборат бўлиб, улар IX асрнинг охири XX аср бошларида Европадан кўчиб ўтганлар авлоди ҳисобланишади.

Аҳолисини тўла немислар ёки чехлар ва ёки скандинавияликлар ташкил қилувчи шаҳарларни ҳалигача учратиш мумкин. Аммо инглиз тилидан бошқа тилда сўзлашувчи одамларни умуман топмайсиз.

Айова қишлоқ хўжалигининг ялпи даромади бир йилда 10,8 миллиард долларни ташкил этади. Унинг 48,8 фоизи чорвачиликка, 38,7 фоизи деҳқончиликка ва 7 фоизи давлат дотациялари ҳисобига тўғри келади. Шундай қилиб, биз ўйлаганимиздай бўлмасада, қишлоқ хўжалигида дотация мавжуд. Бари бир ҳам, чорва ва ўсимликлар маҳсулдорлиги энг юқори, меҳнат умдорлиги юксак бўлган шароитда ҳам улар мавжуд.

Чорвачиликда чўчқачалик етакчи ўринни эгаллайди. Бир йилда 22 миллион бошдан ортиқ бўлган чўчқа ёки 2,5 миллион тонна гўшт сотувга чиқарилади. Қорамоллар улуши бирмунча кам бўлсада, лекин унинг ҳам саломоги салобатли, яъни бир миллион тонна атрофига мол гўшти етишириш билан белгиланади. Бундан ташқари, 84 минг тонна курка гўшти ҳам ишлаб чиқарилади. Солишириш мақсадида кўриб чиқадиган бўлсак, Қозогистонда гўшти етишириш 1,4 миллион тоннани ташкил эта-

ди. Бу қадар катта миқдордаги дон, гүшт ва сутни кимлар ишлаб чиқаришади?

Ха, айтгандай, сут чорвачилиги бу ерда иккиламчи ҳолатни эгаллаб, йилига 2 миллион тонна сут ишлаб чиқарилади (Қозоғистонда 5 миллион тонна), бироқ Қозоғистонда соғин сигирлар сони 3 миллион бошни ташкил этса, Айовада уларнинг миқдори бизнинг кўрсатгичдан ўн баробар кам.

1989 йилда Айовада ўртача 129 гектар ер майдони бўлиб, унда 105 минг нафар фермер хўжаликлари мавжуд бўлган.

Худди бошқа штатлардагидек, фермерлар сони икки баробарга камайган бўлса, ер майдони икки ҳиссага йириклишди. Фермаларнинг асосий қисмининг ўлчами 20 гектардан 200 гектаргacha бўлиб, йилига 10 мингдан 250 минг долларгacha бўлган сотув ҳажмига эга. Фермерларнинг катта қисми (60%) 44 ёшдан ошган бўлиб, кексариш мойиллиги мустаҳкам сақланиб турибди.

Нафака ёшидаги фермерлар (Америкада қарилек нафақасига 65 ёшдан чиқишади) 1978 йилда 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, ўн йилдан кейинги кўрсатгич 15,7 фоизга етиди.

Ўсимликшунослар Конгресси давомида мен қатнашчиларнинг бир гуруҳи билан Бун округидаги Ричард ва Шарон Томпсонлар фермасига ташриф буюрдим. Бу ферма бизнинг ташрифимиз учун тасодифий танланган эмас экан. Чунки унинг эгалари 1985 йилда ташкил қилинган “Айованинг амалий фермерлари” ассоциацияси таркибиғига киришар экан. Қизиғи шундаки, уни қишлоқ хўжалиги энергетикаси Кенгаши бензинга қўйиладиган устама нарх ҳисобидан молиялаштирас экан. Ассоциация экологик жиҳатдан анча мустаҳкам бўлган деҳқончиликни ривожлантиришга қизиқкан 300 нафар аъзони ўз ичига бирлаштиради. Унинг таркибиғига 28 нафар тадқиқотчи фермерлар ҳам киришади.

Томпсонлар фермасининг ҳайдаладиган ер майдони 120 гектарни ташкил қилиб, улардан олти далали алмашлаб экиш усулидан фойдаланишади: маккажўхори — соя — сули — турли хил ўтлар.

Мазкур фермада ўрганилаётган ва жорий этилаётган “регенератив тупроқшунослик”нинг бош элементлари қуидагилар ҳисобланади: маккажўхори ва сояни жўяк-

лаб экиш, минерал ўғитлар ўрнига оқова сувлар аралаш-масидан иборат гүнг солиш, гербицидлар ишлатилмай экилган жавдар ёки хашаки нұхат-сули аралаш қоплама экинлар ёрдамида тупроқ эрозияси ва бегона ўтларга қарши курашиш.

Технология моҳияти күйидаги операцияларни ўз ичи-га олади: ўтмишдош қаторлар орасига сүнгги ишлов берилади ёки кузда жүякларни текисламасдан кузги қопла-ма экинлар экилади, баҳорда далаларга гүнг чиқарилади, асосий экин экилгунинг қадар, тупроққа ҳеч қандай ишлов берилмайди. Экиш жараёни жүякларни қоплама экин-лар, гүнг ва бегона ўтлар билан биргаликда ағдарувчи, ясси тишлар ўрнатылған махсус сеялкаларда амалга оширилади. Дискалар ёрдамида бу массалар қаторлар ўртаси-га итқитилиб, маккажүхори уруғи ағдарилған жүяклар ўрнига қадалади.

Бу технологияни құллаш бизда ҳам жорий этилади деб ўйламайман, лекин бир неча йил мобайнида тажриба устиды фермернинг ўзи ишлаётгандылығы ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш усулини яратадағын күриш мен учун қизықиши ўйғоттан эди. Унинг тажрибаларини узоқлардан келиб ўзлаштириб кетишада, ён күшнилар эски усулдан воз кечишмаяпты.

Бу ҳақда Шарон Томпсон ёрқин ҳикоя қилиб берди. Дастрлаб улар айтишды: “Амалга ошмайди — маккажүхори күкармайди”. Кейин шундай дейишди: “Күкарғани билан — қандалалар еб кетади”. Бизлар эса 1967 йилдан бүён гербицидларни құллашмай қўйдик, 1983 йилдан бош-лаб эса гүнгни компостламаймиз, гүнг ва оқова сувлар учун гүнгхона қурдик. Бизда ҳосилдорлик бошқаларни-кига нисбатан паст эмас, ҳаражатлар эса сезиларли кам бўлиши билан биргаликда тупроқ эрозияси ҳам қайд этилмайди.

Дик Томпсон қўшимча қилди: “Оддий рецепсларнинг ўзи йўқ. Бошқаларнинг улар ҳақида бош қотиришига қараб ўтирумасдан фермерлар ўзлари учун ўзлари қайғуриши керак. Биз Шарон билан биргаликда, зироатчиликнинг гербицидлар ва минерал ўғитларни құллашга асосланган тизимидан шунчаки қониқмадик. Ҳозир биз янги йўна-лишларни ахтараямиз ва бу ишимиш билан фаҳрланамиз. Бизда барча саволларга жавоблар ҳали топилганича йўқ. Биз изланишдан қочмаймиз. Сүнгги боб эса ҳали

ёзіб тутатылғанича йўқ“. Менга унинг: “Фикрлар жуда күп, лекин худди товмиш пичаннинг сараларини истеъмол қилиб, чириган ва айниғанларини охурнинг тубида қолдирғани каби биз уларни яхши ёмонга ажратса билишимиз керак,” — деган сўзлари беҳад ёқиб тушди.

Томпсонларда деҳқончиликдан ташқари 90 бош она чўчқаси болалари билан ва 50 бош сигир бузоқлари билан мавжуд. Чорвада ҳам улар ўзига хос йўл ахтаришади. Масалан, ҳайдаладиган ерларнинг бир қисмидан яйловлар сифатида фойдаланиши қўшниларнинг ҳайратланишига сабаб бўлади, чунки улар бундай ерлардан маккажўхори экиб фойдаланишган бўлишарди. Чўчқаларни сақлаш ва асраш бўйича уларнинг ўз технологияси мавжуд: чўчқа болалари учун қисқартирилган бошланғич оқсили рацион (21 дан 16,5 фоизгача), лизин қўшимчаси, антибиотиклар ўрнига пробиотикларни қўллашади, касалликларга қарши иммунитет ҳосил бўлиши учун туғриқхона бўлимидағи гўнгарни бўғоз чўчқаларга бериш усулидан фойдаланишади.

АҚШда ўсимликишунослик ва зироатчиликнинг янги йўналишлари бўйича бу каби фермерлар ассоциацияси чукур илдиз отган. Дик Томпсон шундай деди: “Мен уч хил шляпа кияман — фермерникини, олимникини ва жорий этувчиникини”.

Минг афсуски, бизнинг ола-ғовур замонимизда, Қозғистонда фермер бўлиш учун кўп ҳолларда савдо одамлари ҳаракат қилишмоқда, энг ачинарлиси — улар Дикнинг шляпаларидан бирортасини ҳам кийишни хоҳлашмаяптилар.

Конгресс навбатдаги форумни 1996 йилда ўтказиш учун Хиндистоннинг Нью Деҳли шаҳрини белгилаш билан ўз ишини яқунлади. Мени таркибида ўн олти кишидан иборат бўлган (шулардан икки киши собиқ Иттифоқ худудидан) Бутунжаҳон Ўсимликишунослар Конгрессининг Доимий қўмитасига аъзоликка сайлашди.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрида.....	3
Зарур кўлланма .....	5
Муаллифдан .....	7
Америка бўйлаб икки сафар .....	8
Миссурى бўйларида ноннинг баҳоси қанча? .....	38
Вашингтон .....	39
Монтана .....	43
Шимолий Дакота .....	58
Жанубий Дакота .....	63
Небраска .....	68
Маккажўори Мintaқаси .....	77
Иллинойс .....	84
Висконсин .....	118
Айова .....	122

*Илмий-оммабон нашр*

**Сулайменов Мехлис Қосимович**

**АМЕРИКА КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

Тошкент, 700129, Абу Али ибн Синономидаги тиббнет нашриёти, Навоий кўчаси, 30.

Нашр учун масъул *Б. Омон*  
Таржимонлар *Р. Ҳайдаров, Ү. Нурматов*  
Мұхтаррир *А. Ирисбаев*  
Рассом *Т. Қаноатов*  
Тех. мұхтаррир *В. Мешереков*  
Мусаддик *С. Абдулнабиева*

Н/К

Босишта 12.04.2000 да руҳсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/2</sup>. Оффсет қозози. Оффсет босма.

Шартли босма табоқ 6,72. Нашр босма табоқ 7,5. 10-2000 раҳамли шартнома.

Жаъми 1000 нусха. **20-** раҳамли буюртма. Нархи шартнома асосида.

"Artprint" МСНУ босмахонасида босилди. Тошкент, X. Байқаро, 51.